Дефицит водохозяйственного баланса стран бассейна Аральского моря связан в сложившейся исторической и экономической обстановке, с полным хозяйственным освоением. Поэтому когда речь идет о водных ресурсах сегодня нельзя исключить из их составляющих сбросные и грунтовые воды, а также воды озер, водохранилищ, конечно, с учетом их качества [4].

Важнейшим фактором устойчивого существования и развития дельт аридных территорий, поддержанием их стабильного экологического состояния является условия обводненности. В последние годы влияние человеческой деятельности на водные ресурсы резко усилилось. Основным видам хозяйственной деятельности, оказывающим наибольшее влияние на водные ресурсы региона, является водопотребление на сельскохозяйственные, промышленные и коммунальные нужды, сбросы в водоемы сточных вод и т.д. [2, 3]

Одним из важнейших показателей деградации в Южном Приаралье является ухудшение качества воды, используемой населением в питьевых целях, возникающее вследствие значительного антропогенного воздействия на водные ресурсы. В связи с этим, при водохозяйственном планировании и регулировании качества воды необходимо учитывать влияние каждого из этих видов в отдельности и вместе взятых [3]. Проблема рационального использования водных ресурсов региона приобретает с каждым годом все

большую остроту и определяет необходимость проведения больших организационных и технических мероприятий.

Биопродукционные свойства озер являются важнейшими экологическими характеристиками водоемов. Основным показателем при оценке характера (направленности) и интенсивности биопродукционных процессов является абсолютное и относительное содержание кислорода. Изучение специфики кислородного режима в сезонном аспекте показало, что его динамика в весенние и осенние периоды, благодаря активной циркуляции, не имеет резких отличий между поверхностным и придонным слоем [3, 5]. Кислородный режим в озерах, наиболее подверженных антропогенному воздействию и поступающим агроирригационным стокам, существенно отличается от остальных водных объектов.

Большинство лимнических экосистем в регионе Южного Приаралья по содержанию кислорода относятся к умеренно загрязненным водоемам [2, 4]. Эти озерные системы в течение вегетационного периода характеризуются резкими изменениями концентрации кислорода, как в поверхностном слое, так и на глубине. В поверхностном слое абсолютные величины содержания кислорода колеблются от 8,2 до 12 мг·О₂/л [3].

Исследование антропогенного воздействия на природную среду в процессе сельскохозяйственного производства должно рассматриваться не только с позиции экономики, но и с учетом возможных последствий экологического характера, а также необходимо разработать мероприятия, направленные на оптимизацию природопользования, прежде всего, на бережное использование водных ресурсов.

В настоящее время разработаны основные положения об экологическом мониторинге загрязнении природных объектов (вода, почва, воздуха) Республики Узбекистан. Однако, на наш взгляд, проблемы экологического мониторинга как научной базы природопользования в республике решаются недостаточно полно. Как известно, экологический мониторинг - это система наблюдений, позволяющая выделить изменение состояния биосферы под влиянием человеческой деятельности, с целью оценки изменений и их прогнозы.

Таким образом, система наблюдений типа мониторинга, позволяющая выделить изменение состояния биосферы под влиянием человеческой деятельности, особенно необходима для таких регионов как Аральский бассейн, где происходит, явления нарушения внутрисистемных связей и возникла ситуация, характерная для экологически дестабилизированной природной среды. Основными задачами при этом остаются организация постоянных наблюдений за состоянием различных экосистем, выделение изменений, обусловленных деятельностью человека, определение постоянных тенденций изменения биосферы региона, оценка изменений и прогноз тенденций изменений. Выяснение этих вопросов позволит принимать решения для предотвращения нежелательных последствий и оптимизировать отношения человека с окружающей средой.

Список литературы:

- [1] Абдиров Ч. А., Константинова Л.Г., и др. Качество поверхностных вод низовьев Амударьи в условиях антропогенного преобразования пресноводного стока.- Ташкент - «ФАН».- 1996.
- [2] Атаназаров К.М. Основные факторы, формирующие биологический режим современных водоемов в низовьях Амударьи // В сб. Мат. конференции «Экологические проблемы Приаралья» - Бухара. - 1995 г.
- [3] Атаназаров К.М. Характер внутриводоемных процессов в водных экосистемах с различной биогенной нагрузкой Южного Приаралья // Материалы Рес. научно-практ. конфер. - Ташкент.- 1996.
- [4] Константинова Л.Г., Антропогенная эвтрофикация поверхностных вод низовьев Амударьи // Биологические ресурсы Приаралья. -Т.: «Фан», 1986.
- [5] Новиков К.О., Ласточкина К.О., Болдина З.Н. Методы исследования качества воды водоемов. – М.: Медицина, 1990. – 400 с.
- [6] Разаков Р.М. Арал и Приаралье: проблемы и решения. – Ташкент, 1992. – 210 с.

ОРОЛ ДЕНГИЗИНИНГ ҚУРИГАН ҚИСМИ

В.А. Рафиков

***Abstract.** The article considers the formation of natural complexes, their dynamics, the most active effect of relief-forming factors - deflation, erosion, and accumulative processes in the dry part of the bottom of the Aral Sea.*

***Аннотация.** В статье рассмотрено формирование природных комплексов, их динамика, наиболее активное действие рельефообразующих факторов - дефляции, эрозии, аккумулятивных процессов обсохшей части дна Аральского моря.*

***Қисқача мазмуни.** Мақолада Орол денгизининг қуриган қисмида табиий комплексларни вужудга келиши, динамикаси ҳамда рельеф ҳосил қилувчи омиллар – дефляция, эрозия, аккумулятив жараёнларнинг фаол ҳаракати кўриб чиқилган.*

Орол денгизи – ноёб улкан кўл, Ўрта Осиёдаги йирик Қорақум, Қизилқум, Устюрт, Катта ва Кичик Бўрсик, Оролбўйи Қорақумлари оралиғида жойлашган. У Амударё ва Сирдарё суви ҳисобига эрамиздан аввалги 1 минингчи йилнинг биринчи ярмидан бери мавжуд. 1961 йилдан эътиборан Ўрта Осиёда суғоришнинг тез суръатларда ривожланиши муносабати билан унга қуйилаётган сув ҳажми йилдан йил камайиб борди, баъзан (2000 ва 2001 йиллар) сув мутлақо қуйилмади. 2005 йилдан эса Амударё Орол денгизига қуйилишдан тўхтади. Табиий буғланишнинг мунтазам давом этиши туфайли унинг сатҳини фалокатли тарзда тушиб бориши кузатилди. 2020 йил охирида унинг сатҳи 23,6 м (1961 йилда 53 м) мутлақ баландликда бўлганлиги қайд этилди. Бунинг оқибатида унинг 50 минг км² қисми куриб, курукликка айланди.

Янгитдан вужудга келган континентал куруклик табиий муҳитнинг типик чўл хусусиятларга эгаллиги ва унинг атрофдаги қум-шўрхок ландшафтларидан деярли фарқ қилмаслиги билан ажралиб туради. Денгиз сувининг ҳар йили туб кирғоқдан маълум масофага чекиниши ва тубидаги ётқизикларнинг литологик таркибига кўра шамолнинг рельеф қилувчи фаолияти натижасида ўтган 60 йил мобайнида унинг ер усти тузилиши

мураккаблашиб борди. Вужудга келаётган янги табиий комплекслар структураси, динамикаси ва уларнинг ривожланиш йўналишлари ҳамда истиқболдаги ўзгаришлари денгиз тубидаги ётқизиклар таркиби, гидрогеологик режим, тупроқларнинг вужудга келиш тараққиёти ва туз режими, ўсимликларнинг фаолияти ва сукцессияси, улар негизида ландшафтларнинг тадрижий ўзгаришлари ва тараққиёти Оролнинг қуриган қисмини синчиклаб ўрганишни тақозо этади.

Олигоцен билан миоцен чегарасида Ўрта Осиёнинг палеогеографик тараққиёти босқичида катта воқеалардан бири бўлган. Олигоценнинг охирида Турон плитасининг шарқий ҳудудлари секин-аста кўтарилиб, қуруқликка айланган ва денудация жараёнлари кучаяди. Миоценда Оролбўйи ва Қизилқум ўрнида пасттексислик таркиб топади.

Аниқланишича, Орол чўкмасининг вужудга келиши плиоценда содир бўла бошлаган. У тектоник, дефляция, суффозия-карст жараёнларнинг таъсири натижасида вужудга келган бўлиши эҳтимол қилинади. Оқчағилдан олдинроқ ҳудуднинг умумий кўтарилиши туфайли аввал тўпланган ётқизиклар кучли эрозияга берилиши натижасида улар бутунлай ювилади. Бунда сарматнинг юмшоқ (бўш) терриген аллювиал-дельтали ётқизиклари деярли тўлиғи билан йўқолган. Бу мураккаб жараёнда шимоли-шарқда ҳозирги Аральск шаҳридан бошлаб то жануби-ғарбда Сариқамишнинг жанубий соҳилигача бўлган ҳудудда улкан эрозион ботиқ таркиб топган [4]. Орол чўкмасининг илк бор сув билан тўлиши юқори плиоценда рўй берган [1], ўшанда Каспийнинг оқчағил трансгрессияси Турон пасттексислигининг катта қисмини босган. Бу воқелик Оролбўйидаги Кушхонатов ва Белтов баландликларидаги оқчағилнинг кушхонатов (қалинлиги 60 м), денгизкўл (70-80 м) ва зоир кўл-денгиз ётқизикларидан иборат бўлган свиталар асосида тасдиқланиши мумкин. Апшерон эпохаси (плиоцен)да Сариқамиш-Орол чўкмалари яна Каспий трансгрессияси сув билан қопланади. Орол чўкмасида қум-гил ётқизиклари вужудга келади, уларда денгиз чиғаноқлари мавжуд. Денгизнинг шимолий туб кирғоғида бу ётқизиклар 54-62 м мутлақ баландликда тарқалган.

Амударё ётқизиклари билан Сариқамиш, Хоразм ва Оқчадарё ботиқларини тўлиши натижасида юқори тўртламчи давр (голоцен)да Сариқамишбўйи ва Оқчадарё дельталари, эрамиздан аввалги 1 минингчи йилнинг биринчи ярмида Оролбўйи (ҳозирги Амударё) ва Сирдарё дельталари вужудга келган ва Амударё билан Сирдарё Оролга қуйила бошлаган. Эрамиздан аввалги 1 минингчи йилнинг ўрталарида Орол денгизида энг баланд трансгрессия юз берган, унинг кўл-денгиз ётқизиклари 58-59 м мутлақ баландликда учрайди ва у қадимги орол террасаси билан машхур. Эрамиздан олдинги VII-IV асрларда янги орол трансгрессияси содир бўлган. Ўшанда денгиз сатҳи 54,5 м мутлақ баландликкача кўтарилган ва Орол тарихида янги орол террасаси билан таникли. Орол денгизининг жанубий қисми Амударё ётқизиклари билан банд ва кўпинча авандельта деб ҳам айтилади. И.В.Рубановнинг [4] таъкидлашича, Орол денгизи тубининг ётқизиклари турли механик таркибдаги қумдан тортиб гилгача мавжуд. Қумлар дельта ва

қирғоқ ётқизиклари, алевритлар дарё фаолияти, гил ва мергел денгиз (марказий қисмда) иши билан боғлиқ. Катта ҳамда Кичик денгизнинг марказий ва ғарбий чуқур (Устюрт чинки яқинида) қисмларида карбонатли гиллар тарқалган, қирғоққа яқин ҳудудларда улар турли механик таркибдаги алевритлар билан ўралган. Туб қирғоққа яқин ҳудудлар турли механик таркибдаги қум ётқизиклар билан банд. Айниқса, шарқий қирғоққа яқин жойлар ва аввалги Лазарев-Возрождения ороллари (Архангельский марзаси) атрофи қалин қумлардан иборат. Дельта ва денгиз ётқизиклари остида палеогеннинг денгиз трансгрессиясида вужудга келган гил, қум, мергел қатламлари ётади, улар бўр даврининг терриген жинслари устида тарқалган. Денгизнинг қуриган қисмида табиий комплексларни вужудга келиши, динамикаси ва тараққиёти куёш радиацияси, грунт сувлари режими ва тупроқнинг сув-туз мароми, ўсимликлар сукцессияси, табиий жараёнларнинг ривожланиши ва бошқа омилларга боғлиқ. Аввало қуриган тубнинг табиий нишаблик бўйича грунт сувларини ер ости оқими ва унинг Орол сатҳини тушиб бориши натижасида борган сари чуқурлашиши оқибатида тупроқнинг сув-туз режимини ўзгариши табиий комплексларни вужудга келиши ва шаклланишига жиддий таъсир этиши аниқланган. Эндиликда денгиз сатҳининг 30 м дан зиёд пасайиши туфайли ўтган асрнинг 60-70 йилларда сувдан халос бўлган қисмларида (49-53 м мутлақ баландлик) грунт сувлари юзаси 7-10 м дан кўпроқ чуқурлашди. Бинобарин, автоморф шароитнинг барқарор мавжудлиги тупроқларнинг табиий шўрсизланиш вазиятда шаклланишига таъсир этиши туфайли шўрланган тупроқлар ва шўрхоқлар 90-йиллардаёқ қолдиқ шўрхоқларга айланди. Бу минтақада асосан эол қум рельеф шакллари ривожланган. Ўтган асрнинг 80-йилларининг биринчи ярмида сувдан озод бўлган қисмларда (42-49 м) аввалги типик шўрхоқлар ҳам қолдиқ шўрхоқларга айланган ва механик таркиби оғир бўлган тупроқларда тақирли тупроқ белгилари намоён бўла бошлади, шуни ҳисобга олиб бу тупроқларни тақирсимон қолдиқ шўрхоқлар деб ҳисоблаш мумкин, лекин эволюцион жараён давом этмоқда [3]. Ўтган асрнинг 80-йилларининг иккинчи ярмида денгиз суви чекинган минтақалар (39-42 м) да грунт сувлари сатҳининг 7 м дан қуйига пасайиши туфайли типик шўрхоқлар қолдиқ шўрхоқларга айланиш босқичига кирган. 90-йиллар арафасида денгизнинг қуриган қисми (37-39 м) грунт сувлари сатҳининг 5-7 м да мавжуд бўлиши шўрхоқларнинг фаоллик хусусиятини йўқота бошлашидан дарак беради, бинобарин уларда туз тўпланиш хусусияти сусая бошлаган. 90-йилларда сувдан ҳоли бўла бошлаган қуриган қисмда (32-37 м) грунт сувлари сатҳи 0-5 м да жойлашганлиги сабабли тупроқларда туз тўпланиши фаол давом этмоқда. Денгиз қирғоғидан 0,5-0,8 км масофада қуруқлик ичкараси томон маршли шўрхоқлар ривожланган [3]. Ҳозирда (2021-2022 йй.) грунт сувлари сатҳини жойлашуви, минераллашув даражаси, тупроқ тури ва унинг туз режимига боғлиқ ҳолда ўсимлик қоплами ривожланган. Эол қум рельефи мавжуд бўлган минтақада қора саксовул, черкез, юлғун ва бир йиллик шўралар тарқалган. Тақирсимон қолдиқ шўрхоқлар минтақасида юлғун, сарисазан, бир йиллик шўралар;

қолдиқ шўрхоқлар минтақасида қорабароқ, юлғун, бир йиллик шўралар; типик шўрхоқлар минтақасида юлғун, қорабароқ, кермек, бир йилик шўралар; ўтлоқ шўрхоқларда бир йиллик шўралар, маршли минтақада ўсимлик мутлақо йўқ.

Тупроқ шўрланиши даражаси билан ўсимлик тури орасида яқиндан боғлиқ мавжуд. Ўта шўр тупроқда қорабароқ, шўрхоқда юлғун, сарисазан, бир йиллик шўралар, шўр тупроқда кермек, қора саксовул, турли ўтлар вегетацияси кузатилади. Шунинг учун ҳам туб қирғоқдан то денгиз қирғоғигача тупроқ ва ўсимликларнинг, шунингдек грунт сувлари режимини маълум минтақалар бўйича жойлашуви аниқланган. Туб қирғоқдан бошлаб денгиз маркази томон унинг тубида ётқизикларнинг механик таркиби оғирлашиб боради (йирик–ўрта-майда донали кумлар, алеврит, кумли гил-гил, мергел). Шунга мувофиқ грунт сувларининг ер ости оқими секинлашиб боради, марказий қисмида оқим деярли кузатилмайди, шунинг учун уларнинг минераллашув даражаси туб қирғоқ яқинида ҳар литр сувда ўртача 20-25 грамм бўлса, ўтлоқ минтақада 80-100 грамм ва ундан зиёд. Шунга мувофиқ тупроқ шўрланиши ҳам ўзгариб боради: эол кум минтақада чўл кум тупроқлари турли даражада шўрланган, шўрхоқлар минтақасида қолдиқ шўрхоқлар юқори қатламда туз қуйи томон бироз ювилган, типик шўрхоқларда юқори қатламда туз миқдори 3-15, баъзан 25-40% ташкил қилади, ўтлоқ минтақада туз миқдори 10-20, маршли шўрхоқларда 4-8% боради. Айрим чуқурроқ ботиқларда, хусусан Оқпетки (аввалги архипелаг)даги кўлтиқларда грунт сувлари минераллашуви 400-500 г, шўрхоқдаги туз миқдори 100% атрофида. Тузнинг кўплигидан кумли ётқизикларда ҳам шўрхоқ вужудга келган.

Рельеф ҳосил қилувчи омиллар – дефляция, эрозия, аккумулятив жараёнлар денгизнинг қуриган қисмида энг фаол ҳаракат қилади. Шўрхоқнинг юқори қатламини қуриши билан шамол фаолиятига берила бошлайди, туб қирғоққа туташган кумли минтақа ва Архангельский марзасида Қизилкумдагидек типик эол рельеф шакллари таркиб топган, бу ҳудудларда бархан ва дўнг кумлар ҳуқумрон, уларга туташган қолдиқ шўрхоқларда бута олди фитоген кумлар кенг тарқалган. Жойларда дефляция ботиқлари барханлар яқинида умумий мажмуа ҳосил қилган. Қолдиқ шўрхоқларда дефляция ва аккумуляция шаклланиш, шўрсизланаётган ва қуриётган кум ётқизикларида дефляция кучайиш босқичида фаоллашмоқда. Типик шўрхоқларда дефляция эндигина жонлана бошлайди, бунда қавариқ рельефдаги бўрсилдоқ сульфатли тузлар шамол таъсирида тўзиш босқичига кирган. Ўтлоқ шўрхоқлар дефляцияга намлиги туфайли берилмайди. Маршли минтақада денгиз сувнинг тошиши ва қайтиши жараёнида, айниқса кейингисининг катта тезликда бўлиши натижасида тупроқ ўйила бошлайди ва баъзан росмана ариқсимон ботиқлар таркиб топади. Демак, рельеф шакллари ва уларни вужудга келтирувчи омиллар ҳам маълум минтақалар бўйича жойлашган [2]. Тадқиқотимиз натижаларига кўра (2021-2022 йй.) юқоридаги табиий комплексларни вужудга келтирувчи ўзгарувчан табиий муҳит денгизнинг қуриб бораётган қисмида турли даражада шаклланаётган ва вужудга келаётган ландшафтлар тизимларини ажратиш мумкин бўлади. Бунда

шундай табиий қонуният мавжуд, яъни туб қирғоқдан бошлаб ичкари томон ландшафтларнинг шаклланиш даражаси камайиб боради ёки уларнинг гидроморфли (гидрогаломорфли) хусусияти ортиб боради. Бинобарин, туб қирғоқдан бошлаб элювиал, яримгидроморф ва гидроморф ландшафт гуруҳлари маълум минтақалар бўйича жойлашади. Бу ҳодиса ландшафтларнинг шаклланиши, ривожланиши ва жойлашувида маълум тартиб ёки табиий қонуният мавжудлиги сезилиб туради [2].

Туб қирғоқ яқинидаги аввалги пляж ва қирғоқ бўйи сувлар эгаллаган минтақа (53-49 м) денгиз тубининг ёнбағри бўлган. Орол чекиниши натижасида унинг остидаги сувдан ҳоли бўлган қумлар дефляция фаолияти туфайли эол аккумулятив рельеф шакллари вужудга келтиришга берилди. Бу минтақадаги типик дўнг-бархан рельеф турлари эндиликда тўла ривожланиш босқичига етган ва шамол таъсирида улар асосида марзали қум рельеф шакллари таркиб топиши йўналишида эволюцион тараққиёт белгилари мавжуд. Минтақадаги эол ландшафтлар турини ривожланиш босқичига кўра етарли даражада вужудга келган табиий комплекслар деб баҳолаш мумкин, чунки кейинги босқични амалга ошириш учун нисбатан жуда узок муддат зарур бўлади [2].

Автоморф ландшафт шароити йўналишида ривожланиш босқичига ўтган қолдиқ шўрхоқлар ландшафтлар тури эгаллаган минтақа (49-37 м) грунт сувлари сатҳининг муттасил тушиб бориши туфайли тезкор тараққиёт босқичи ўтамоқда. Бу минтақада барча компонентлар тезкор ривожланиш босқичида бўлганликлари туфайли уларнинг табиий хусусиятлари йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда, айниқса, грунт сувлари режими, тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятлари, ўсимлик ассоциациялари сукцессияси, рельеф шароитлари, табиий жараёнлар динамикаси ва улар асосида ландшафтнинг морфологик қисмларини вужудга келиши, динамикаси ва шаклланиши содир бўлмоқда. Бу босқич минтақада типик тақирли тупроқ (агарда тупроқнинг механик таркиби оғир бўлган тақдирда) ёки хақиқий эол қум рельеф шакллари (агарда қум ётқизиқлари ҳуқумрон бўлса) дан иборат табиат комплекслари бунёд бўлганга қадар давом этиши мумкин. Шуларни эътиборга олган ҳолда бу минтақа ландшафтлар турини шакллантирган ёки ривожланиш босқичини ўтаётган гуруҳга киритиш мумкин [2].

Типик шўрхоқлар ривожланаётган минтақа ландшафтлар тури энг ёш бўлиб, 90-йилларда таркиб топа бошлаган. Бу минтақа ландшафтларининг табиий хусусиятлари эндигина такомиллашиб бормоқда, грунт сувлари режими, тупроқнинг физик ва кимёвий хусусиятлари шаклланимоқда, қатқалоқ, бўрсилдоқ, ўтлоқ, нам, ботқоқ шўрхоқлар ва шўрларнинг туз режими, гидроморфли хоссалари, гумус тўпланиши ва бошқа биокимёвий жараёнлар ривожланиши туфайли арид комплекслар белгилари таркиб топмоқда. Рельеф ҳосил қилувчи омиллар таъсирида денгиз тубининг бирламчи юзаси кучли ўзгаришларга учрамоқда, чунончи дефляция, суффозия ва эрозия натижасида рельефнинг ўйдим-чуқурлиги таркиб топмоқда. Ўз навбатида бу жараёнда ландшафтнинг морфологик қисмлари мураккабланимоқда [3].

Типик шўрхоқлар минтақасида улар таркибида тузнинг ҳаддан ташқари мўл (15-25, баъзан 35%) бўлишлиги оқибатида ва грунт сувлари минераллашув даражасининг юқорилиги (ҳар литр сувда 40-60, баъзан 80 г ва ундан зиёд) туфайли бир йиллик шўраларнинг ҳам вегетацияси мураккаблашмоқда, шунинг учун ҳам ўсимлик жуда сийрак, ёки умуман йўқ. 90-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб денгиз сувидан ҳоли бўлаётган Орол тубида ўсимлик деярли ўсмаётганлиги қайд этилмоқда. Бундан кейинги йилларда унинг чекиниши натижасида янги очиладиган тубида ўсимлик мутлақо ўсмаслиги мумкин, чунки шўрхоқлар усти оппоқ туз билан қопланиш босқичи бошланмоқда. Типик шўрхоқлар минтақаси ландшафтларини ривожланиш даражаси жиҳатдан дастлабки вужудга келаётган табиий комплекслар гуруҳига киритиш мумкин.

Орол денгизининг тақдири Амударё ва Сирдарёдан келадиган сув миқдорида боғлиқ. 2000 йилдан бошлаб дарёлардан келаётган сув ҳажмининг кескин камайиб кетиши унинг сатҳини фалокатли тушиб кетишига олиб келди. Орол сатҳининг 29 м мутлақ баландликка тушиши натижасида Катта денгиз Архангельский марзаси бўйича икки қисмга ажралди: Устюрт платосининг шарқий чинкига туташган камбар акваторияда нисбатан чуқур (денгиз сатҳидан минус 16 м пастда) ғарбий қисм ва буткул қуриб бўлган саёз шарқий қисм таркиб топди. Бу вазиятда ғарбий қисм узоқ вақт кичик шўр кўл вазифасини ўтайди, шарқий қисм тобора шўрланиб бориши ва буғланишга сарф бўлиши натижасида қуриб, улкан шўрхоқ майдонга айланди. Бунда марказий қисмда ва унинг атрофида улкан шўр таркиб топган. Шўр атрофида маълум минтақалар бўйича кучли шўрланган шўрхоқлар (аваллига ботқоқли, билқиллама, ундан кейинги минтақада нам, сўнгра қатқалоқ шўрхоқлар минтақаси вужудга келган. Демак, истиқболда (2030 й.) Катта денгизнинг шарқий қисмида гидрогаломорфли континентал ва ғарбий қисмда акваториал ландшафтлар таркиб топиши прогноз қилинмоқда [3].

И.В.Рубановнинг [4] ҳисоб-китобига кўра, Катта денгиз сувининг минераллашув даражаси ҳар литрда 120 г дан ошганда кишда мирабилит тузлари таркиб топа бошлайди, шўрлик 320-425 граммга етганда ош тузи билан астраханит тузи мажмуа ҳолда вужудга келади. Денгиз сувида эриган ҳолда 9 млрд т ош тузи мавжудлигини эътиборга олинса, келажақда улкан туз кони вужудга келиши муқаррар.

Юқоридагиларни таҳлил қилиб, қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин, яъни денгизнинг қуриши натижасида унинг ўрнида улкан кум-шўр-шўрхоқли ландшафтлар мажмуасидан иборат типик чўл таркиб топади. Бу чўлни Оролқум деб аташ (жоиз бўлса аталиб келинмоқда!) мақсадга мувофиқ.

Денгизнинг қуриган қисми катта туз макони ҳисобланиши туфайли атроф-муҳитга жиддий хавф туғдиради, шамол айниқса, сульфат тузларни тўзителиши натижасида Оролбўйига туз ёғини ёғилмоқда, ҳисоб-китобларга кўра Мўйноқ кенглигида ҳар гектар майдонга 1000 кг, Нукус кенглигида эса 150 кг гача тузли чанг тушади. Тузли чанг ва тузларни кўтарилиши, кумларни кўчиб юришини тўхтатиш, хусусан кумларни Амударё ва Сирдарё

дельталарига бостириб киришини олдини олиш мақсадида уларни мустаҳкамлаш, туз тўзиши мумкин бўлган жойларни шамолга берилишини олиш учун маълум тадбирларни қўллаш амалий аҳамият касб этади. Бу борада фитомелиорация тадбири яхши самара бериши аниқланган. Эол рельефи мавжуд бўлган минтақаларда псаммофитларни экиш билан кумларни мустаҳкамлаш борасида ҳозирда яхши натижаларга эришилмоқда. Денгизнинг қуриган қисмини Ўзбекистон ҳудудида ҳар йили камида 25 минг гектар майдонга қора саксовул, қандим, черкез, юлғун ва бошқа буталар кўчатлари экилмоқда. Худди шундай усулни қолдиқ шўрхоқларда ҳам маҳаллий рельеф хусусиятларини эътиборга олиб экишни ташкил қилиш самара бериши мумкин, бунда асосан галофитлар (қора саксовул, юлғун, қорабароқ) ўстириш мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кесь А.С. Прогноз солеобразующих процессов на осушающемся дне Аральского моря. – Ташкент: Фан, 1994. – 190 с.
2. Рафиков В.А. Научно-методические основы географической оценки и прогнозирования аридных геосистем Узбекистана. – Ташкент. UMID DESIGN. 2022. – 224 с.
3. Рафиков В.А. Оценка, прогноз и восстановление геосистем дельты Амударьи и обсохшего дна Аральского моря. – Ташкент. "UMID DESIGN" РУз. 2022. – 198 с.
4. Рубанов И.В. Геология Аральского моря. – Ташкент: Фан, 1987. – 187 с.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ МИНТАҚАСИДА СУҒОРИЛАДИГАН МАЙДОНЛАРДАГИ СИЗОТ СУВЛАРИ РЕЖИМИ ШАКЛЛАНИШИ

Рахимов Нурбек Шермаатович,

таянч докторант (PhD), ИСМИТИ, Тошкент ш.

Аннотация: В данной статье проанализированы процессы изменения уровня и минерализации грунтовых вод на основании многолетних данных на орошаемых территориях региона.

Abstract: This article analyzes the processes of changing the level and mineralization of groundwater based on long-term data in the irrigated areas of the region.

Маълумки сизот сувлари ҳосил бўлишининг асосий манбаи ёмғир сувлари, дарёлардаги ер усти сувлари, ирригация-суғориш тармоқларидан филтрацияга сингиб ҳосил бўладиган сувлардир. Уларнинг чуқурлиги (сатҳи) ер остидаги сув ўтказмайдиган қатламнинг чуқурлиги ва грунт сувларининг тўйиниш манбаига, ҳамда ер остида оқим йўллари мавжудлиги ва буғланишга сарфланиши каби табиий ва антропоген омилларга боғлиқ. Оролбўйи минтақасида грунт сувларининг режими, уларнинг минераллашуви ўзгаришининг хусусиятлари турли йилларда Н.Н.Ҳожибоев (1975), Н.М.Решеткина, Х.Э.Якубов (1978), Е.Қурбанбоев (1985), Р.Т. Хожамуратова (2020), ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Сизот сувлари сатҳи (ССС) ва шўрлиги тупроқнинг сув-туз режимига актив таъсир этувчи энг муҳим омиллардан ҳисобланади.

В.А.Ковда (2008), Н.Н.Хожибоев (1975), Н.М.Решеткина, Х.Э.Якубов (1978), Р.Т. Хожамуратова (2020), ва бошқа олимларнинг фикри бўйча сизот сувларнинг чуқурлиги ва шўрлигига боғлиқ ҳолда суғориладиган майдонларда турли типдаги мелиоратив тартибот шаклланади-гидроморф типдан (ССС=1-1,5м) то автоморф типгача (ССС>3-4м).

Сизот сувлари сатҳининг (ССС) чуқурлик бўйча жойлашганлигига караб суғориладиган майдонлардаги мелиоратив аҳвол қуйдагича боҳоланади:

- СССР > 3-4 м – яхши;
- СССР – 2-3 м – қониқарли;
- СССР < 2 м – қониқарсиз.

Сизот сувлари минерализацияси (ССМ) бўйича:

- ССМ < 1 г/л – яхши;
- ССМ = 1-3 г/л – Қониқарли;
- ССМ > 3 г/л – Қониқарсиз.

Орол денгизи ҳавзасида катта суғориладиган майдонга эга бўлган ҳудудлардан бири жойлашган. Мирзачўл ва хусусан Жиззах вилоятида жойлашган. Янги ерлар ўзлаштирилиши бошланган даврларда сизот сувларнинг сатҳи ва минерализацияси ўзгариши ҳақидаги дастлаби маълумотлар юқоридаги олимларнинг ишларида яхши ёритилган.

Минераллашув даражаси юқори бўлмаган ҳолларда улар таркибида хлорли-сулфатли тузлар кўпроқ, аксинча минераллашуви ортиши билан сулфат-хлоридли турга айланган.

Катта масштабдаги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган майдонлар ортиши, суғориш ишлари бошланганидан кейин канал ва экин далаларидан шимилишга сарфланган сувлар сизот сувлари сатҳининг 4 метрдан секинлик билан 2-3 метргача кўтарилишига сабаб бўлди. Айниқса суғориш ишларига қараганда коллектор-зовур тармоқлари қурилиши бирмунча орқада қолган даврларда бу жараённинг жадаллиги кучайган. 2019-2020 йилларга келиб вилоят гидрогеология – мелиорация экспедициясининг маълумотларига кўра сизот сувларнинг чуқурлиги 2м дан юқори бўлган майдонлар вилоятда 13,6-25,1 минг гектарни (ёки 3-5 %) ташкил этмоқда. СССР чуқурлиги 2-3м бўлган майдонлар 198-197,9 минг га (ёки 40 %) майдонни ташкил этмоқда. Қолган майдонларда СССР чуқурлиги 3м дан пастда жойлашган. (1-жадвал)

Шу билан бирга хўжаликлар ичидаги суғориладиган майдонларни олиб қарайдиган бўлсак, ички коллектор-зовур тармоқлари яхши ишламайдиган майдонларда вегетация даврида СССР чуқурлиги 1,8-2,0 м айниқса, тик зовур кудуқлари ишламайдиган ҳудудларда 1,6-1,8 м гача кўтарилишини кузатиш мумкин.

Жиззах вилоятида суғориладиган майдонларда сизот сувлари чуқурлиги бўйича 2019-2020 йиллар учун маълумот (вилоят гидрогеология-мелиорация экспедицияси маълумотлари асосида тузилди)

Йиллар	Кўрсаткичлар	Жами Майдон, минг.га	Кузату В майдони минг.га	ССС чуқурлиги бўйича майдонлари минг.га					
				-1м	1-1,5м	1,5-2м	2-3 м	3-5м	> 5 м
2019	Суғориладиган майдон	299,233	99,233	0,020	0,540	8,380	38,238	0,538	1,517
2020	Суғориладиган майдон	299,233	99,233	0,000	0,105	0,105	41,343	0,460	0,915

Сизот сувлари минераллашуви даражаси

Сизот сувлари минераллашуви ўзгариши ҳақидаги кўп йиллик (2019-2020й.) маълумотларини ўрганадиган бўлсак, кўриниб турибдики, уларнинг шўрлиги 3 г/л дан ортиқ бўлган майдонлар умумий суғориладиган майдонларнинг 50-58 % ини ёки 164-174 минг. гектарни ташкил қилади. (2-жадвал)

Жиззах вилояти бўйича сизот сувлари минераллашуви кўп йиллик ўзгариш динамикаси

Йиллар	Назоратдаги майдон минг.га	Сизот сувларининг минерализация даражаси бўйича (г/л) майдонлар, минг.га					ССМ >3 г/л бўлган майдонлар	
		1 гача	1-3	3-5	5-10	>10	минг.га	
1	2	4	5	6	7	8	9	10
2019	299,233	36,949	256,709	4,965	0,610	0,000	5,575	1,9
2020	299,233	35,109	254,149	8,950	1,025	0,000	9,975	3,3

*(Жиззах вилояти гидрогеология –мелиоратив экспедицияси маълумотлари)

ССМ йиллик режими суғориладиган майдонлар ирригацион тури учун қуйидагича ўзгариб туради: баҳорги мавсумда сизот сувлари концентрацияси ошади, вегетация даврида эса суғориш таъсирида бирмунча камаяди, кузги мавсумга келиб эса яна ошиши кузатилади.

Қарийб 40-45 % майдонни ССМ 3 г/л дан кам бўлган яхши ва қониқарли ерлар эгаллайди.

Шу билан бирга вилоят суғориладиган ерлари ичида ССМ 5-10 г/л ва ундан ҳам юқори бўлган майдонлар ҳозир ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг улуши охириги йилларда 48,8-110 минг гектар, ёки 10-22 % ни ташкил этади. Бу эса вилоят суғориладиган майдонларида ҳали ҳам иккиламчи шўрланиш хавфи кучли эканлигидан дарак беради.

Хулоса қилиб айтганда Мирзачўл ҳудудидаги суғориладиган майдонларда шакилланаётган сизот сувлари чуқурлиги ва минераллашуви ўзгарувчанлиги “ирригацион” типга мансуб бўлиб, уларнинг ойлар ва йиллар

кесимидаги режими суғориш ва дренаж тармоқларининг фаоляти билан чамбарчас боғлиқ

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ковда В.А. Проблемы опустынивания и засоления почв аридных регионов мира. Наука 2008й 415с
2. Курбанбаев Е., Аденбаев Б., Курбанбаев С. Оценка пригодности оросительных, коллекторно-дренажных вод на орошение и промывку засоленных земель. Вестник ККО АН Руз. №7. 1998 й 23-25с
3. Решеткина Н.М., Якубов Х.Э. Вертикальный дренаж. Колос 1978 й 319 с
4. Ходжибоев Н.Н. Естественные лотки грунтовых вод Узбекистана. Ташкент: фан 1970 й 170 с
5. Хожимуродова Р.Т. Комплексная оценка влияния мелиорации на гидроэкологическое состояние водных ресурсов республики Каракалпакистан и пути его уменьшения. Автореферат дисс на соискание ученой степени доктора геогр. Наук. (DSc). 2020й 50с

ОХРАНЯЕМЫЕ КАРПОВЫЕ ВИДЫ РЫБ НИЗОВЬЕВ РЕКИ АМУДАРЬИ

УДК 597.2/.5

Темирбеков Р.О.¹, Мусаев А.К.¹, Исраилова И.О.¹, Даулетмуратова Б.К.²

¹*Каракалпакский научно-исследовательский институт
естественных наук Академии наук Республики Узбекистан, г. Нукус*

²*Каракалпакский институт сельского хозяйства и агротехнологий,
г. Нукус*

Аннотация: В данной работе приведены результаты многолетних научных исследований, проведенных в низовьях реки Амударьи. Основным материалом послужили собственные сборы ихтиологического материала - карповые виды рыб для определения его современного рыбопромыслового состояния. В результате исследований было выявлено состояние охраняемых карповых видов рыб в связи с антропогенной трансформацией гидрологического режима реки Амударьи.

Abstract: This paper presents the results of many years of scientific research conducted in the lower reaches of the Amudarya River. The main material was our own collection of ichthyological material - carp species of fish to determine its current fishing status. As a result of the research, the state of protected cyprinid fish species was revealed in connection with the anthropogenic transformation of the hydrological regime of the Amudarya River.

Annotatsiya: Amudaryoning quyi oqimida olib borilgan ko'p yillik ilmiy izlanishlar natijalari keltirilgan. Asosiy material o'zimizning ixtiologik material to'plamimiz - baliqlarning karp turlarining hozirgi baliqchilik holatini aniqlash edi. Tadqiqotlar natijasida Amudaryo gidrologik rejimining antropogen o'zgarishi bilan bog'liq holda qo'riqlanadigan kiprinid baliq turlarining holati aniqlandi.

Изменение режима стока Амударьи, утрата связи ее с Аральским морем и связанная с этим трансформация гидрологического режима низовьев Амударьи и всей гидрологической системы региона явились причиной негативных изменений в составе аборигенной ихтиофауны в целом и в семействе карповых рыб в частности. Изменения условий обитания обусловили нарушение режима миграций и воспроизводство видов, изменения

их популяционной структуры и жизненного цикла, что привело многие виды аборигенной ихтиофауны к критическому сокращению численности и к грани исчезновения.

В результате научных исследований нами выявлено, что в современном составе карповых рыб низовьев Амударьи с учетом их статуса и места в экосистеме региона был выделен комплекс охраняемых карповых видов рыб с официальным природоохранным статусом. К ним относятся следующие 5 видов: аральский усач - *Luciobarbus*¹ *brachycephalus* Kessler, 1872; туркестанский усач - *Luciobarbus*² *capitoconocephalus* Kessler, 1872; белоглазка - *Ballerussapa*³ (Pallas, 1814); остролучка – *Capoeto brama kuschakewitschi* (Kessler, 1872) и туркестанский язь – *Leucis cusidusoxianus* (Kessler, 1877). Официально охраняемых, включенных в список последнего издания Красной книги Республики Узбекистан (2019) 17 видов рыб (с подвидами – 18).

Аральский усач – *Luciobarbus brachycephalus* Kessler, 1872. Статус 1(EN): Исчезающий, локально распространенный аральский эндемичный вид.

В прошлом, был одним из ценнейших промысловых видов Арала, занимал по уловам четвертое место в рыбодобыче по югу Арала (до 15 тыс.ц/год) [3]. С 1983 г. он включен в список Красной книги Республики Узбекистан и взят под охрану.

Естественный ареал аральского усача - бассейн Аральского моря, где в море усач встречался повсеместно, особенно в прибрежье. По Амударье до ее зарегулирования поднимался до Файзабадкалы на Пяндже. Водится в реках Кафирниган, Вахш, Кызылсу и Каракумском канале [5].

Остролучка *Capoetobrama kuschakewitschi* (Kessler, 1872). Статус. 2(VU:D): Уязвимый, сокращающийся, туркестанский эндемичный реликтовый вид.

Остролучка обитает в русле Амударьи и Сырдарьи и их заводях, соединяющихся с ними. Прежде была многочисленной по всему течению Амударьи, в дельтовой зоне встречалась местами [1].

Анализ данных по встречаемости остролучки в водоемах низовьев Амударьи и численности ее в составе покатного потомства в последние годы показывает, что этому виду не грозит дальнейшее сокращение и ее статус можно считать близким к угрожаемому.

Белоглазка – *Ballerus sapa*⁴ (Pallas, 1814). Статус. 2(VU:D): Уязвимый, сокращающийся, локально распространенный вид. Основные места обитания приурочены к рекам Черного и Каспийского морей; в прошлом Аральское море и реки Амударья и Сырдарья, их нижние и средние течения [2].

¹Синоним *Barbus brachycephalus* KESSLER, 1872.

²Синоним *Barbus capito conocephalus* Kessler, 1872

³*Ballerus sapa*(Pallas, 1814) синоним *Abramis sapa* (Pallas, 1814)

⁴*Ballerus sapa* (Pallas, 1814) синоним *Abramis sapa* (Pallas, 1814)

В Амударье она была представлена полупроходной и жилой формами. Преобладала полупроходная форма. В низовьях Амударьи нерестилась в русле Амударьи, совершавшая нерестовые миграции от устья вверх по реке до 200-430 км [2, 4]. Икру откладывала на отмытые корни тростника, растущего вдоль берега. Для нереста она обязательно заходит в реку и откладывает икру на отмытые корни тростника, растущего вдоль берега, чем обеспечиваются ей условия инкубации икры. Молодь белоглазки отличалась исключительной приверженностью к мутной воде. Взрослая белоглазка откармливалась в море, зимовала в предъустьевых районах.

Туркестанский (среднеазиатский) язь *Leuciscus idus* (Linnaeus, 1758) ssp. *oxianus* (Kessler, 1877). Статус. 3(NT): Близкий к угрожаемым аральский эндемичный подвид.

С изменением гидрорежима Амударьи, особенно в ее низовьях, встречи язя стали чрезвычайно редкими. Так, уже в 1990-х годах он в нижней дельте Амударьи встречался только в Ходжакульско-Караджарской системе озер в левобережной зоне Амударьи и единично отмечался в Дауткульском водохранилище в центральной зоне амударьинской дельты.

Туркестанский усач *Luciobarbuscapito* (Gueldenstaedt, 1773) ssp. *conocephalus* Kessler, 1872. Статус. 2(VU:D): Уязвимый, сокращающийся, аральский эндемичный подвид. Населяет бассейны рек Амударьи, Сырдарьи и Зерафшан, водится в бассейне Чу. В Аральском море был редок, встречался преимущественно в его прибрежных опресненных районах [1,2].

С изменением гидрорежима Амударьи численность туркестанского усача в низовьях резко сократилась. Отмечались лишь единичные экземпляры, но относительно регулярно встречался в оз. Судочье, Сарыкамыш и только в оз. Восточный Каратерень к концу 1990-х годов оставалось среднее по численности самовоспроизводящееся стадо туркестанского усача [4]. В последние годы отмечался рост численности туркестанского усача в коллекторно-дренажной сети и озерах среднего течения Амударьи, особенно в рыбохозяйственных водоемах низовьев реки Зарафшан. В связи с этим в 2007-2008 гг. поднимался вопрос о выводе его из Красной книги Узбекистана.

Как уязвимый, сокращающийся, эндемичный подвид включен в списки Красной книги Узбекистана и Казахстана. Основным лимитирующим фактором считается ухудшение гидрологического режима в его ареале.

Таким образом, проводится большая работа по стабилизации экологической обстановки, регулированию водообеспечения и возрождения рыбохозяйственного статуса и рыбной отрасли региона низовьев Амударьи.

Полученные данные по биологии и экологии этих видов рыб региона обосновывают необходимость организации охраны в местах их обитания в русле реки Амударья. В частности, возможно включение участка русла Амударьи по границе Нижне-Амударьинского биорезервата (около 20 км) в охранную зону участка Бадай-тугай и организация регулярного мониторинга рыбного населения. Также целесообразна организация искусственного разведения и поддержание ее численности в природе.

Литература:

1. Берг Л.С. Рыбы пресных вод рыб СССР и сопредельных стран. – 4-е изд. – М.-Л.: 1949. – Ч.П. - с. 702-704.
2. Никольский Г.В. Рыбы Аральского моря. – М.: Изд. МОИП. – 1940. – 216 с.
3. Павловская Л.П. Аральский усач (вопросы систематики и биологии в речной период жизни). Ташкент: Издательство «ФАН» Узбекской ССР.
4. Павловская Л.П. Промысловые рыбы нижнего течения Амударьи и гидростроительство. - Ташкент, «Фан» УзССР. – 1982. – 97 с.
5. Тлеуов Р. Новый режим Арала и его влияние на ихтиофауну. - Ташкент, Издательство «Фан» Узбекской ССР. – 1981. – 190 с.

ОЦЕНКА МЕЛИОРАТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН

УСМАНОВ К.А., БАЗАРБАЕВ М.К.

Каракалпакский государственный университет, г.Нукус

Abstract: Estimation of Melioration Condition of the Irrigated Soil Lands of Karakalpakstan In this article there are dynamical changes of saltiness degree of irrigated soil lands of the Karakalpakstan within 2010-2022/

Аннотация: Каракалпакстан Республикаси сугориладиган ерлари мелиоратив холатини баҳолаш Мазкур мақолада 2010-2022 йиллардаги Каракалпакстан Республикасидаги сугориладиган ерларни шурланиш даражалари буйича узгарши динамикаси келтирилган.

Низовья Амударьи занимают огромную территорию и охватывают земли Хорезмской области и Республики Каракалпакстан, а также Ташаузской области Республики Туркменистан. Площадь современной дельты Амударьи, включая Устюрт и Аральское море, составляет 14 млн. га.

Высыхание Аральского моря и развитие орошения в верхней и средней частях бассейна Амударьи, регулирование стока реки в значительной степени повлияли на гидрогеологические и мелиоративные условия орошаемых земель региона. В результате сокращения поступления амударьинской воды начался интенсивный процесс опустынивания, как в зоне осушенного дна моря, так и в дельтовой части реки. При существующих условиях обстановки в низовьях реки Амударьи положение с водой остается напряженной и нестабильной.

В настоящее время ставятся задачи по повышению урожайности сельскохозяйственных культур путем коренной мелиорации орошаемых земель, улучшения мелиоративных земель, которые вызвали необходимость детального изучения гидрогеологических и мелиоративной условий территории. Объектом мелиорации в низовьях Амударьи является четвертичный комплекс пород, в которых формируются грунтовые воды. Поэтому уделяется внимание характеристике верхних водовмещающих пород. Четвертичные отложения распространены повсеместно и по мощности колеблется в широких пределах. По генетическим признакам территория Республики Каракалпакстан с поверхности представлена четвертичными

отложениями аллювиального происхождения мощностью от 10 до 35 м. В данной зоне выделяются три комплекса почв, резко отличающиеся по своему литологическому строению.

Первый относится к русловым отложениям, в которых преобладают мелко и тонкозернистые пески, покрытые переслаивающимися супесями и суглинками, мощностью 1,50-1,95 м. Коэффициент фильтрации покровного мелкозема изменяется в пределах 1,28-1,42 м/сут.

Второй комплекс представлен четвертичными межрусловыми отложениями блуждающих протоков Амударьи и временных озер. По литологическому строению они являются однослойными, двухслойными, трехслойными.

Водоносный комплекс, представленный тонко и мелкозернистыми песками с коэффициентом фильтрации 5,2-7,5 м/сут сверху прикрыт покровным мелкоземом мощностью от 4,5 до 11,6 м. Водопроницаемость покровных отложений несколько ниже чем в районах русловых отложений и коэффициент фильтрации изменяется в пределах от 0,38 до 0,96 м/сут.

Третий комплекс представлен озерными отложениями, литологический разрез которых сложен глинами с подчиненными прослоями супесей, редко песков. Мощность четвертичных отложений изменяется от 3,5 до 12,5 м, а коэффициент фильтрации грунтов покровных отложений от 0,15 до 0,83 м/сут.

Для проведения гидрогеолого-мелиоративных мероприятий и с целью определения степени засоленности почвогрунтов нами проведена солевая съемка почвогрунтов в хозяйствах Амударинского, Нукусского, Кегейлинского Чимбайского, Караузьякского, Тахтакупирского, Муйнакского районов.

Отбор проб производился на площади 219,39 тыс. гектаров. Солевое опробование проводилась с целью повышения достоверности материалов по засоленности почв. На 20% образцов производились полные анализы с определением содержания в почве токсичных солей, т.е. плотного остатка, анионов HCO_3^- , Cl^- , SO_4^- , и катионов Ca^{++} , Mg^{++} , Na^{++} .

Таблица 1

Сводные результаты солевой съемки почвенных грунтов орошаемых земель по семи районам Республики Каракалпакстан

районы	Общая Орошаемая площадь, тыс. га	Незасоленные	слабо засоленные	средне засоленные	Сильно и очень сильно засолен.
Амударинский	38667	8948	9214	15486	5019
Нукус	26869	4624	8280	9762	4203
Кегейли	39070	8180	10934	15310	4646
Чимбай	46709	9733	18481	12322	6173
Караузьяк	33689	8034	10434	10413	4808
Тахтакупир	33851	6956	13803	9913	3179
Муйнак	540	14	119	192	215
Итого	219395	46489	71265	73398	28243

На основании химических анализов водной вытяжки определены степень и тип засоления почвенных грунтов. По типу засоления почвы обследованных хозяйств в основном хлоридно-сульфатное, реже хлоридные, сульфатно-хлоридные и сульфатные; При этом степень засоления определялась по сумме токсичных солей расчетным путем. Предыдущее солевое опробование в этих районах проводилось в сентябре-октябре месяцах 2008 года. При сравнении результатов нынешней солевой съемки с предыдущим произошли следующие изменения:

- незасоленные - увлечение на 3,63 тыс.га
- слабозасоленные - уменьшение на 5,29 тыс.га
- среднезасоленные - увлечение на 3,74 тыс.
- сильно и очень сильно засоленные - уменьшение на 2,28 тыс. га.

Анализируя состояние орошаемых земель всей территории Республики Каракалпакстан за 2010-2022г.г. по степени засоленности почв можно сделать вывод, что несмотря на некоторое улучшение, всё же уровень засоленности почв остается напряженной и нестабильной (таб.2.). Общая площадь орошаемых земель за этот период увеличилась на 15 тыс. га, т.е. на 2,9%. Площадь незасоленных почвенных грунтов за эти годы увеличилась на 70 тыс.га. За этот же период площадь слабозасоленных грунтов уменьшилась на 94 тыс.га, площадь среднезасоленных грунтов увеличилась на 40 тыс.га, а площади сильно засоленных грунтов уменьшилась почти на тысячи га.

таблица 2

Динамика изменения орошаемых земель по степени засоленности почвенных грунтов по Республике Каракалпакстан за 2010-2022 гг.

годы	Общая орошаемая площадь тыс. га	не засоленные	слабо засоленные	средне засоленные	Сильно и очень сильно засоленные
2010	500,09	49,52	244,10	158,55	47,92
2011	500,16	49,96	215,74	172,15	62,31
2012	500,20	73,80	169,73	192,22	64,45
2013	500,16	79,34	178,81	182,76	59,25
2014	500,10	92,99	180,81	169,94	56,36
2015	500,12	103,17	169,02	171,36	56,57
2016	500,40	105,13	158,45	175,86	60,96
2017	504,00	107,07	154,79	182,73	59,41
2018	504,53	106,19	157,23	183,97	57,14
2019	515,05	112,46	164,26	185,07	53,26
2020	515,29	113,30	154,03	196,63	51,33
2021	515,22	116,94	148,77	200,45	49,06
2022	515,22	119,25	150,17	198,85	46,93

Таким образом, в 2022 году 77% всей площади орошаемых почвенных грунтов являлись засоленными и 23% были незасоленными. Из вышеприведенного можно заключить, что существующая мелиоративная обстановка на значительной части орошаемых земель Республики Каракалпакстан остаётся напряженной. Причем такое положение связано не

только с высоким уровнем грунтовых вод, которые влияют на интенсивное испарение, но также с высокой минерализацией грунтовых и оросительных вод, вследствие чего вызывается поднятие солей на поверхность земли.

Список использованной литературы

1. Рахимбаев Ф.М., Есинбеков А.Е. Влияние гидрогеологических условий на мелиоративное состояние орошаемых территорий Каракалпакий. - Изд-во: Каракалпакстан, Нукус, - 1977 г.
2. Курбанбаев Е. Артыков. О. Курбанбаев.С. Аральское море и водохозяйственная политика в Республиках Центральной Азии. - Изд-во: Каракалпакстан, Нукус-2011 г.
3. Статистические данные Каракалпакской гидрогеолого-гидромелиоративной экспедиции за 2010-2022 гг.

ЗАРАФШОН ДАРЁСИНИНГ СУВ ХЎЖАЛИГИ ШАРОИТЛАРИ ВА МИНЕРАЛЛАШУВИ ҲАМДА КИМЁВИЙ ТАРКИБИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Шодиев С.Р, Хожамуратова Р.Т, Утаева Р. О.

Abstract: *Natural and water management conditions of the Zeravshan River. The Zeravshan River is currently a transboundary river. The uppermost part of the basin belongs to Tajikistan, and a significant part of the territory (including the lands of the Samarkand, Navoi and Bukhara oases) belongs to the Republic of Uzbekistan. Zeravshan, not changed by human economic activity. Mineralization and chemical composition of the Zeravshan river. The chemical composition of the river water. Zeravshan on the territory of Uzbekistan is formed under the influence of pollution entering the river with wastewater from enterprises in the Samarkand, Navoi and Bukhara regions, as well as with collector-drainage water from irrigated areas.*

Аннотация. *Природных и водохозяйственных условий река Зеравшан. Река Зеравшан настоящее время является трансграничной рекой. Наиболее верхняя часть бассейна принадлежит Таджикистану, а значительная часть территории (включая земли Самаркандского, Навоинского и Бухарского оазисов) – Республике Узбекистан. Режим р. Зеравшан, не измененный хозяйственной деятельностью человека. Минерализация и химический состав река Зеравшан. Химический состав воды р. Зеравшан на территории Узбекистана формируется под влиянием загрязнений, поступающих в реку со сточными водами предприятий Самаркандской, Навоийской и Бухарской областей, а также с коллекторно–дренажными водами орошаемых массивов.*

Аннотация *Зеравшан дарёсининг табиий ва сувни бошқариши шароитлари Ҳозирги кунда Зарафшон дарёси трансчегаравий дарё ҳисобланади. Ҳавзанинг энг юқори қисми Тожикистонга тегишли ва ҳудуднинг катта қисми (шу жумладан Самарқанд, Навоий ва Бухоро воҳалари ерлари) - Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тўғри келади*

Зеравшан дарёсининг минерализацияси ва кимёвий таркиби Ўзбекистон ҳудудига Зарафшон дарёси сувининг кимёвий таркиби Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари корхоналарининг оқова сувлари, ва сугориладиган майдонларнинг коллектор–дренаж сувларининг дарёга оқиб тушиши оқибатида сувнинг ифлосланиши шаклланади.

Зарафшон дарёсининг ҳавзаси юқори қисмида Туркистон ва Ҳисор тоғ тизмалари билан чегараланган. Ҳавзанинг қуйи оқими эса Туркистон ва Зарафшон тоғ тизмаларининг ғарбий тармоқлари (Чумқор, Нурота, Қоратепа, Зиёвиддин-Зирабулоқ тоғлари) оралиғида жойлашган. Зарафшон дарёси ҳавзаси Ўрта Осиёнинг энг йирик дарёлари – Амударё билан Сирдарё ҳавзаларини бир-биридан ажратиб туради. Узоқ ўтмишда Зарафшон Амударёнинг ирмоғи бўлган, аммо сувга бўлган эҳтиёжнинг ошиши ва

суғоришнинг ривожланиши билан у билан алоқани йўқотган ва моҳиятан мустақил ҳавза сифатида қарала бошланди

Зарафшон дарёси Мастчоҳ дарёси ва Фандарё дарёси қўшилишидан ҳосил бўлади. Дарё узунлиги 781 км, сув олиш майдони 12300 км², ўртача баландлиги 2880 м. Дарё қуйи оқимлари орасида Қўштут ва Мағиён дарёлари катта (иккаласи ҳам чап томонга оқади), қолганлари эса кичик сув оқимлари бўлиб, уларнинг аксарияти йил давомида ўз сувларини асосий дарёга келтириб қуймайди.

Равот-Хўжа қишлоғининг ғарбида (1-май тўғони) Дарё кенг тоғлараро Зарафшон ҳавзасига чиқади, Нурота ва Қоратепа тоғликларидан оқиб тушадиган кўплаб сойлар суғоришга сарфланади ва асосий дарёга етиб бормайди.

Қуйи Зарафшон худуди Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида, унинг қадимги ва ҳозирги дельталарини эгаллайди, шунингдек унга Сандукли кумлари, Жарқоқ, Сеталантепа баландликлари ва унинг атрофидаги текисликлар ҳам тегишли. Зарафшон дарёси Навоий-Конимех воҳасидан Бухоро воҳосига ўтиш жойида Автобачи ва Қизилтепа платоларини Ҳазар йўлидаги ёриб ўтган. Бухоро дельтасининг шимолий-шарқий чегараси шу йўлакдан бошланиб, Шўркўл сув омборининг жанубий соҳилидан тўғри Оёқоғитма кўли жойлашган ботиқ томон йўналади, ундан Қулжуктов тоғларининг жанубий этаклари орқали шимоли-ғарбий чеккасидан ўтиб Амударё томон кескин бурилади. Шарқда худуд Қашқадарё ва Ўрта Зарафшон худудларидан оч бўз-тупроқларнинг қуйи чегараси бўйича шартли равишда ўтказилади Зарафшон дарёси Ўзбекистонда музлик-қор билан тўйинадиган дарёларнинг таниқли вакили. Сув истеъмолининг кўпайиши апрел ойида бошланади ва тошқиннинг тепаси ўтгунча тез-тез давом этади. Пасайиш август ойи охирида кузатилади ва минимал сарфлар кузатилганда феврал-мартгача давом этади [1-6]. Зарафшон дарёси трансчегаравий Дарё ҳисобланади. Ҳавзанинг энг юқори қисми Тожикистонга тегишли ва худуднинг катта қисми (шу жумладан Самарқанд, Навоий ва Бухоро воҳалари ерлари) - Ўзбекистон Республикаси худудига тўғри келади.

Зарафшон дарёсининг сув режими инсоннинг иқтисодий фаолияти билан ўзгармаган Мағиён дарёсининг юқорида жойлашган Дупули шаклланишида (Тожикистон) ўрганилади ва шу тариқа Зарафшоннинг ушбу шаклланишдаги сув сарфлари, Мағиён дарёсининг сув сарфлари билан умумлаштирилади.

Зарафшон тоғлардан чиқишида сув сарфи ўртача кўп йиллик 163 м³ /с га тенг (Мағиён дарёсининг 8,45 м³/с), бу йилига ўртача йиллик 5,2 км³ оқим ҳосил қилади. 1927 йилда. Раватхожада Биринчи Май номи билан аталган муҳандислик типидagi тўғон қурилган. Қорадарё ирмоғида эса Дамхўжа гидроузел мажмуаси қурилган. 1954-1958 йилларда Мағиённинг қуйи оролида иккита йирик сув иншооти қурилди. 1961-1962 йилларда Навоий иссиқлик электр станциясини сув билан таъминлаш учун Навоий гидроузели қурилди. 1954-1955 йилларда Қашқадарё дарёси ҳавзасидаги Зарафшон дарёсидан сув

ўтказиш учун қадимги Манасар дарёсининг қисман йўналиши бўйлаб Эскианҳор канали қурилди. Каналнинг узунлиги 180 км. 1963 йилда. Аму-Қорақўл каналининг қурилиши, Амударё сувлари Қизилқум чўли орқали Қорақўл воҳасидаги Зарафшон дарёсининг қуйи оқимиғача сарфланади. Бухоро вилоятининг Марказий воҳасини суғориш учун 1965 йилда Амубухора канали қурилган бўлиб, у орқали Амударё сувлари олиб келинган. Амубухора каналининг умумий узунлиги Зарафшон орқали Шимолий-ғарбий филиали билан 194 км, унинг ўтказиш қобилияти $124 \text{ м}^3/\text{с}$, сувнинг умумий кўтарилиши Насослар томонидан 68 м баландликка кўтарилади.

Зарафшон дарёсининг тартибга солинадиган товарлари учун ушбу ҳавзада қуввати 900 миллион м^3 (ишга туширилган йили 1941) бўлган Каттакўрғон сув омбори қурилиб, Қорадарёнинг Дамхужа тугунидан канал орқали Зарафшон суви билан тўлдирилган. Зарафшоннинг қуйи оқимида. 300 миллион м^3 ҳажмли Иккинчи йирик Қуюмазор сув омбори 1957 йилда қурилган.

3-расмда. Зарафшон дарёсининг сув оқими бўйича турли йилларда (%) Дупули створида ўртача кўп йиллик оқимини ҳисоблаш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Кўриниб турибдики, сувнинг энг катта сарфлари майдан августгача ойларда кузатилади.

Зарафшон ҳавзасининг суғориладиган ерлари Ўзбекистон Республикаси таркибига кирувчи Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятларини ўз ичига олади, қисман Жиззах вилояти ерларини ҳам суғоради.

Айтиб ўтилганидек ҳавзасининг катта қисми Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган Зарафшон дарёсининг оқимиға ҳозирги вақтда учта йирик маъмурий туманнинг суғориладиган ҳудудидан оқиб ўтадиган коллектор-дренаж сувларига таъсир кўрсатмоқда, бу нафақат дарёдаги сувларнинг оқимиға, балки дарё сувининг сифатиға ҳам таъсир қилади. [1, 2].

Зарафшон ҳавзасида етти миллиондан зиёдроқ аҳоли яшайди. Бу кўрсаткич дарё сувининг кескин ёмонлашувига билвосита ҳамда бевосита таъсир кўрсатмоқда. Билвосита сабаблар экин далаларидан, ёнлама сойлардан ифлосланган оқимларнинг дарё ўзаниға қуйилиши, саноат корхоналарининг салбий таъсири ҳамда дарё қирғоғидаги айрим аҳоли пунктлари ёки рекреация майдонларининг мавжудлиги туфайли ҳам юз бермоқда.

Сувининг кимёвий таркиби ҳозирги вақтда Зарафшон дарёсининг қуйидаги пунктларида аниқланади:

- Зарафшон дарёси-Равотхўжа тўғонининг қуйи бьефи;
- Зарафшон дарёси-Самарқанд шаҳри (шаҳар юқорисида);
- Зарафшон дарёси-Самарқанд шаҳри (Сиёб коллекторидан пастда);
- Зарафшон дарёси-Самарқанд шаҳри (Талигулян коллекторидан пастда);
- Зарафшон дарёси-Каттакўрғон шаҳри (дарёнинг юқорисида);
- Зарафшон дарёси Хатирчи посёлкаси;
- Зарафшон дарёси-Навоий шаҳри (шаҳар юқорисида);
- Зарафшон дарёси Навоий шаҳри (шаҳар қуйисида).

Дарё сувларининг ифлосланиш даражасини аниқлашда кимёвий таҳлил учун намуна олиш қуйидаги пунктларда ҳам амалга оширилади: Сиёб коллектори-Самарқанд шаҳри, Оманқутансой дарёси - қ. Оманқутан, Зарафшон дарёси - Бухоро шаҳри (шаҳардан юқорида), Зарафшон дарёси - Бухоро шаҳри (шаҳар қуйисида), Каттакўрғон сув омбори-бошланиши, Каттакўрғон сув омборининг чиқиш канали-бошланиши, Жанубий Бухоро канали Бухоро шаҳри (шаҳардан юқорида), Жанубий Бухоро канали Бухоро шаҳри (шаҳардан қуйида).


Ўзбекистон ҳудудидаги Зарафшон дарёси сувининг кимёвий таркиби Самарқанд, Навоий ва Бухоро вилоятлари корхоналарининг оқова сувлари, ва суғориладиган майдонларнинг коллектор–дренаж сувларининг дарёга оқиб тушиши оқибатида сувнинг ифлосланиши шаклланади.







Таdqикодлар шуни кўрсатадики Зарафшон дарёсининг қуйи оқимидаги сувнинг минераллашуви 0,29-0,30 г/л дан 1,28-1,50 г/л гача ошади, максимал қийматлар ҳатто Рухсат этилган меъёр (РЭМ) қийматларидан ҳам ошади.

Дарёнинг қуйи оқимидаги сувнинг минераллашуви миқдори йил давомида 0,98 дан 1,62 г/л гача ўзгариб туради, бу магний, натрий ва сульфат ионининг кўпайиши билан боғлиқ. Бу ҳақиқат Дарё сувининг суғориш сифатига таъсир қилади. Дарёнинг барча саккизта пунктларида минераллашув таркибидаги йиллик ўзгаришларни батафсил 1-расмдан кўриш мумкин. Кўриниб турибдики, июн–август ойларида минераллашув миқдори бироз камаяди, бу шу ойлarda дарёда сув сарфининг кўпайиши билан боғлиқ [1-6].



1-жадвалда. 2016-2020 йилларда минераллашувнинг ўртача кўп йиллик қийматлари ва асосий ионлар миқдори ҳисоблаб чиқилган.







Ушбу элементларнинг таркиби фоизда янада батафсил тасвирланган 2-расм. Дарёнинг юқори оқимида энг катта фоизни калций (15%) ва гидкарбонат иони (45%), дарёнинг қуйи оқимида магний (11%) ва сульфат иони (49%) эгаллайди. Сувнинг минераллашуви (М, мг/л) ва сув сарфи (Q, м³/с) ўртасидаги математик боғланишларни аниқлаш катта амалий аҳамиятга эга. Худди шу боғланиш Зарафшон дарёси учун Роватхўжа створида алоҳида аниқланган.





1-расм. Зарафшон дарёси сувидаги минераллашув (м мг/л) ва сув сарфи (Q, м³/с) қийматидаги йил ичидаги ўзгаришлар: а) Равот–Хужа тўғонининг қуйи оқими; б) Самарқанд шаҳри, Оққорадарё сув бўлинимасидан 1,5 км юқорида; в) Самарқанд шаҳри, кол. Сиёбдан 0,5 км пастда; г) Самарқанд шаҳри, Талигулион дарёсидан 3,7 км пастда; д) Каттакўрғон шаҳри (Дарё бошидан 0,8 км пастда; е) Хатирчи посёлкаси, посёлкадан 2 км жанубда; ё) Навоий шаҳри, "Навоийазот" бўйлаб оқова сувлар чикиндиларидан 1 км юқорида; ж) Навоий шаҳри, оқова сувлардан 0,8 км пастда "Навоийазот" ишлаб чиқариш бирлашмаси оқова сувлари.






2-расм. Зарафшон дарёси сувидаги асосий ионларнинг узоқ муддатли қийматлари 2016-2020 йиллар учун фоизда.


1-Жадвал

2016-2020 йилларда Зарафшон дарёси сувидаги минерализация ва асосий ионларнинг ўртача кўп йиллик қийматлари.

№	Дарё-пункт	Ионлар									Сумма ион, мг/л
		Ca, мг/л	Mg, мг/л	Na+K, мг/л	HCO ₃ , мг/л	NH ₄ , мг/л	SO ₄ , мг/л	Cl, мг/л	NO ₃ , мг/л	NO ₂ , мг/л	
	Зарафшон дарёси-Равотхўжа тўғонининг қуйи бьефи	39,78	17,753	8,2396	121,54	0,155	76,933	4,6788	2,291	0,0155	271,208
	Зарафшон дарёси-Самарқанд шаҳри (шаҳар юқорисида)	45,86	23,27	11,608	144,21	0,216	97,99	7,2598	3,545	0,0335	333,744
	Зарафшон дарёси-Самарқанд шаҳри (Сиёб кол.р. пастда)	54,25	29,386	18,581	187,34	0,681	109,18	14,181	5,602	0,1756	418,525
	Зарафшон д-Самарқанд шаҳри (Талигулян кол.р. пастда)	44,65	25,952	14,188	149,17	0,262	104,49	7,9902	4,104	0,0249	350,544
	Зарафшон дарёси-Каттакўрғон шаҳри (дарёнинг юқорисида)	45,15	25,966	15,667	148,72	0,211	108,33	8,2927	3,559	0,0214	355,688
	Зарафшон дарёси Хатирчи посёлкаси	48,58	29,525	20,629	152	0,184	134,52	11,155	3,734	0,0326	400,142
	Зарафшон дарёси-Навоий шаҳри (шаҳар юқорисида)	100,4	94,642	131,84	211,48	0,112	597,23	77,735	7,067	0,0683	1220,41
	Зарафшон дарёси Навоий шаҳри (шаҳар қуйисида)	92,08	87,753	123,96	192,63	0,104	554,08	72,773	8,779	0,1247	1132,04



3-расм. Зарафшон дарёсида Дупули створида сув сарфининг ўртача йиллик ўзгариши (%)



4-расм. Минерализациянинг ўртача ойлик қийматларининг боғлиқлиги ($M_{\text{ўрт.й}}$, г/л) 2016-2020 йиллар учун Зарафшон-Роватхўжа дарёсидаги сув сарфининг ўртача ойлик қийматларидан ($Q_{\text{ўрт.й}}$, M^3/c)

Тадқиқод натижасида қуйидаги хулосаларни келтириш мумкин:

Зарафшон ҳавзасининг тоғли қисмидаги сув ресурсларини баҳолашда одатда иккита гидрологик пост маълумотлари ҳисобга олинади: Зарафшон дарёсидаги Дупули ва Машандарё дарёсидаги Суджина. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу икки дарвозанинг ўртача ўртача узоқ муддатли сув сарфи $163 \text{ м}^3/c$, оқим ҳажми $5,14 \text{ км}^3$, оқим модули $14,4 \text{ л / с км}^2$. Албатта бу кўрсаткичлар дарё оқими бўйлаб ўзгариб боради бунга Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида жойлашган створларда кузатилаётган натжалардан ҳам кўриш мумкин;

Таҳлиллар шуни кўрсатдики минерализациянинг энг паст кўрсаткичлари Равотхўжада (Равотхўжа тўғонининг қуйи оқими) ва Оққарадарё сув ажратгичида – $0,29 - 0,32 \text{ г/л}$, бошқа створларда еса аста – секин $0,42-0,62 \text{ г/л}$ гача кўтарилади, Навоийазот қуйидаги Навоий створида эса $1,29-1,32 \text{ г/л}$ кўтарилади; дарёнинг қуйи оқимидаги сув минерализацияси миқдори магний, натрий ва сульфат ионининг кўпайиши туфайли йил давомида $1,85$ дан $2,25 \text{ г / л}$ гача ўзгариб туради. Бу ҳолат Дарё сувининг ирригацион сифатида таъсир кўрсатади. Июнь–август ойларида минерализация миқдори ва асосий ионларнинг таркиби бироз камаяди, бу шу ойларда дарёда сув истеъмолнинг кўпайиши билан боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдиева М., Нишонов Б. Зарафшон дарёси минерализацияси ва унинг антропоген таъсир остида ўзгариши // Экология хабарномаси. 10-том, 2019 й.36-37 б.
2. Гидрологическая изученность. Т.14. Бассейны рек Средней Азии. Выпуск 3. Бассейн р. Амударья. – Л.: Гидрометеиздат, 1967. – 323с.
3. Шодиев С.Р. Зарафшон дарёси суви таркиби ва муҳофазаси масалалари // «География ва география таълимидаги муаммолари» Республика миқёсидаги илмий - амалий конференцияси материаллари. –Тошкент, 2018. –Б. 370-372.

4. Шодиев С.Р., Чембарисов Э.И., Жумаева М.Б. Гидрологические и гидрохимические особенности поверхностных вод бассейна реки Зеравшан // Монография. – Навоий, 2022. – 108 с.

5. Шодиев С.Р., Чембарисов Э.И. Водохозяйственные характеристики магистральных коллекторов орошаемых массивов бассейна Зеравшана // Международный Центральноазиатский журнал географических исследований. – Чирчик, №3–4, 2021. – С.87-96.

6. Шодиев С.Р., Чембарисов Э.И., Жумаева М.Б. Особенности многолетнего изменения расходов воды и минерализации в магистральных коллекторах бассейна реки Зеравшан // Вестник мелиоративной науки, Коломна, 2022, вып 1.-С.41-46.

SUW EKOSISTEMALARI EKOLOGİYALIQ MONITORINGINDE KISLOROD REJIMLERI AHMIYETI

Atanazarov K.M., Abipnazarov A.K., Bazarbaeva G.N.

***Samarqand davlat veterinariya meditsinasi, chorvachilik
va biotexnologiyalar universiteti Nukus filiali***

***Abstract:** When conducting environmental monitoring in water bodies of the Republic of Karakalpakstan, the oxygen regime in water is one of the main indicators that determine physical, chemical and biochemical processes. To assess the water quality of lakes and reservoirs, it is necessary to take into account the indicators of oxygen concentration.*

***Аннотация.** При проведении экологического мониторинга в водных объектах Республики Каракалпакстан, кислородный режим в воде является одной из основных показателей, определяющих физико-химических и биохимических процессов. Для оценки качества воды озер и водоемов необходимо учитывать показатели концентрации кислорода.*

***Annotaciya.** Qaraqalpaqstan Respublikasi suw hawizleriniń ekologiyalıq monitoringin alıp barıwda suwdaǵı kislorod rejimleri anıqlaw zárúr bolǵan fizikalıq-ximiyalıq hám bioximiyalıq proccesleri barısın anıqlawshı tiykarǵı komponentlerden biri esaplanadı. Kóller hám suw hawizleriniń suw sapa kórsetkishleri ondaǵı biologiyalıq tirishiliktıń jaǵdayın bahalaw ushın kislorod koncentraciyasınıń ólshemlerin esapqa alıw zárúr.*

Ózbekstan Respublikasında balıqshılıq tarmaqların rawajlandırıwǵa qaratılǵan qararlar shıǵarıldı hám bul tarmaqtı jedellestiriw maqsetinde bir qansha ámeliy jumıslar alıp barılmaqta. Balıqshılıq tarmaqların jedellestiriw, tábiyiy hám jasalma suw hawizlerinde balıq hám balıq tutıw shólkemleri iskerligi natıyeliligin asırıw, balıq ónimlerin qayta islew boyınsha islep shıǵarıw quwatların keńeytiw, tábiyiy hám tabiyiy suw hawizlerinen suw sapasın basqarıw olardan aqılǵa say paydalanıw, sonıń menen birge balıq jetistiriwdiń ilimiy tiykarlangan usılları hám intensiv texnologiyaların engiziw aktual máselelerden biri esaplanadı [1,2].

Házirde Qaraqalpaqstan Respublikası suw hawizlerinde balıqshılıqni intensiv usılda rawajlandırıw áhmiyetli máselelerden biri esaplanadı. Balıqshılıq suw hawizleri ónimdarlıǵı balıq túrleriniń potensialına tiykarlanıp, málim dárejede belgilengen mámleket talaplar, qaǵıydalar tiykarında tábiyiy hám jasalma suw hawizlerindegi suw sapası kórsetkishlerine, ásirese kislorod rejimine tikkeley baylanıslı. Balıqshılıqtagı tiykarǵı mashqala suw kóleminiń hám suw júzesiniń ózgerip turıwı jıllıq tabiy gidrologik rejimge baylanıslılıǵı hám de irrigaciya

maqsetinde dáryalar aǵımın basqarıw, kanal hám salmalar suwınıń isletiliwi bolıp tabıladı. Suwlıqlardaǵı suwdıń mineralizaciyasınıń 3-4 márte aırıwı suw kem bolǵan jıllar álbette balıqshılıqqa óz tásirin kórsetedi.

Qaraqalpaqstan Respublikası aymaǵında kóller hám suw hávızleriniń ekologiyalıq jaǵdayların anıqlawda suw ekosistemalarınıń monitoring áhmiyetli orın iyeleydi. Sonıń menen bir qatar da Ámiwdárya tómengi jaǵalawları suw ekosisteması kópshilik haywan hám quslardıń tiykarǵı jasaytuǵın ortalıúı bolıp sanaladı. Sonlıqtanda, bul aymaқтаǵı suw ekosistemaları ekologiyalıq monitoringin ámelde alıp barıw arqalı qorshaǵan ortalıqtıń túler hár qıylılıǵın saqlaw turaqlı rawajlanıwın támiyinlew múmkinshiliklerine iye bolamız.

Suw ekosistemaları ekologiyalıq monitoringin alıp barıwda suw erigen haldaǵı kislorod, birinshiden atmosfera hawasınan suwda eriytuǵın eń zárúrli gaz bolıp tabıladı, sebebi ol suw ortalıǵında tirishilikti tártiplestiriwshi tiykarǵı biotop faktor. Kisloroddıń suwda eriwshelik dárejesi gaz fazasındaǵı basımǵa tuwrıdan-tuwrı proporsional bolıp, temperatura kóterilgende sızıqlı bolmaǵan progressiyada azayadı [3].

Qaraqalpaqstan Respublikası suw jayımlarında shól hám yarım shól zonasında territoriya bir tegislikte jaylasqan bolıp tábiy kóller hám suw hávızleri kislorod menen toyınǵanlıq dárejesin esaplawda tiykarınan suw temperaturası esapqa alınadı. Kislorod menen tóyinganlığını anıqlaw ushın úlgiler mudami vertikal izbe-izlilikke epilimnionnıń eń joqarı qatlamınan (ádetde bir metr) tómengi shóğindilerden bir metr joqarıda gipolimniondagi qatlamǵa shekem alınadı. Kóldiń kislorod balansın bahalaw ushın zárúr bolǵan úlgiler sanı pútkilley kóldiń temperatura qatlamlarǵa bóliniwine baylanıslı. Kislorod konsentraciyası titrimetrik usıl járdeminde anıqlanadı, bul vertikal temperaturanı ólshewden keyin laboratoriyalıq analiz tiykarında ámelge asırıladı. Nátiyjeler mg O₂/l yamasa kislorod menen toyınǵanlıq procentinde anılatıladı. Oligotrof kóllerde kislorod konsentraciyası boyınsha epilimnion hám gipolimnion ortasındaǵı azgana ayırmashılıq penen parqlanadı. Evtroflıq kóllerde jaǵday júdá basqasha kórinedi. Epilimniondagi tiykarǵı process baslanǵısh islep shıǵarıw bolıp tabıladı hám sol sebepli bul jerde kislorod muǵdarı sezilerli dárejede asıwı múmkin.

Pataslanǵan yamasa evtrofik kóllerde kislorod menen tóyinganlıǵı qıs dáwirinde ózgermeli boladı. Qıstıń basında, gúzǵı aylanıwdan keyin, kislorod konsentraciyası pútkil suw júzesinde júdá normal bolıwı múmkin. Qısta maksimal kislorod toyınıwı eń joqarı suw temperaturası gúzetiletuǵın tómengi qatlam qasında júz boladı.

Juwmaqlastırıp aytqanda Qaraqalpaqstan Respublikası suw hávızleriniń monitoringin alıp barıwda suwdaǵı kislorod rejimlerin anıqlaw zárúr bolǵan fizikalıq-ximiyalıq hám bioximiyalıq processlerdi anıqlawda tiykarǵı komponentlerden biri esaplanadı. Sonlıqtanda kóller hám suw hávızleriniń suw sapa kórsetkishleri ondaǵı biologiyalıq tirishiliktiń jaǵdayın bahalaw ushın kislorod konsentraciyasınıń ólshemlerin esapqa alıw úlken áhmiyetke iye.

Paydalanılǵan ádebiyatlar

1. Atanazarov Q.M., Sultanov B.A. Ichtiological studies of fishery reservoirs in the lower reaches of the Amudarya *Academica An International Multidisciplinary Research Journal*

2. Atanazarov K., Kurbanova A., Sultanov B. Conservation and sustainable use of biodiversity in the republic of Karakalpakstan. /Табий пәнлердин актуал мәселелери” атамасында II-Халқара Республика илимий-эмелий конференциясы НМПИ Нөкіс 2021.

3. Wetzel, R. G. (2001). Limnology: Lake and River Ecosystems, 3rd edition. Academic Press. ISBN 012744601. 850 p.

Xorazm viloyati gidrogeologik sharoitining hozirgi holatini baholash

Dusanova S B¹, Ro'zmetova G Sh¹

¹Urganch davlat universiteti, “Geodeziya, kartografiya, geografiya” kafedrasida

Annotatsiya: Xorazm viloyatining tabiiy sharoiti, yer osti va yer usti suvlarining hozirgi holati, kristalli fundamentli qatlamlardagi gidrogeologik yotqiziqlar, ularga ta'sir qiluvchi iqlim, suv, tuproq resurslari to'g'risida ma'lumotlar berilgan.

Калит сўзлар: Paleozoy, perm-trias, mezo-kaynazoy, neogen-to'rtlamchi, yuqori bo'r davri, qumli, qumoq, qumtosh, gilli, gilli qumoq, alevrolit, gorizont, vertikal, bosimli suvlar.

Аннотация: Приведены сведения о природных условиях Хорезмской области, современном состоянии подземных и поверхностных вод, гидрогеологических отложений в кристаллических слоях фундамента, воздействующих на них климате, водных и почвенных ресурсах.

Ключевые слова: Палеозойские, пермо-триасовые, мезо-кайнозойские, неоген-четвертичные, верхнемеловые, песчаные, опесчаненные, песчаниковые, глинистые, глинистые пески, алевролиты, горизонтальные, вертикальные, напорные воды.

Abstract: Information is provided on the natural conditions of Khorezm region, the current state of underground and surface water, hydrogeological deposits in crystalline foundation layers, climate, water, and soil resources affecting them.

Keywords: Paleozoic, Permian-Triassic, Meso-Cenozoic, Neogene-Quaternary, Upper Cretaceous, sandy, sandy, sandstone, clayey, clayey sands, siltstones, horizontal, vertical, pressure waters.

Tabiat insoniyatning barcha rivojlanish davrlarida, odamning hayotiy faoliyatida moddalar va energiya manbai bo'lib, xizmat qilib kelgan va bundan keyin ham shunday bo'ladi. Tabiat va undagi barcha boyliklar insoniyatning yashaydigan va rivojlanadigan asosidir. U kishilik jamiyatining moddiy va ma'naviy ehtiyojlarini qondiradigan dastlabki manbadir.

Ayniqsa keyingi davrda aholi sonining ortishi va uning o'sib borayotgan ehtiyojini to'la qondirish va dunyo iqtisodiyotini tobora rivojlantirish uchun borgan sari ko'proq suv resurslariga bo'lgan talabni oshishiga sababchi bo'lmoqda. Buning oqibatida suv resurslarining kundan kunga kamayib borish holati kuzatilmoqda. Bu holat Xorazm viloyatida yoqqol ko'zga tashlanmoqda.

Viloyat yer usti tuzilishi, asosan, tekis yuzalardan ya'ni balandligi 100 metrdan iborat bo'lganligi sababli surilma, ko'chki va jarlanish kabi ekologik xavfli vaziyatlar yuzaga kelmaydi. Ammo yer osti suvlari sathining ko'tarilganligi, mineralizatsiya darajasining oshganligi, yuza suvlarining taqchilligi sababli

gidrologik va gidrogeologik sharoit tang ekologik vaziyatni belgilovchi yetakchi omil bo'lib shakllangan .

O'zbekistonda yer osti suvlarining zahirasi 20 mln.m³/ ni tashkil qilib, uning 0,016% i Xorazm viloyatiga to'g'ri keladi. Ma'lumki, yer osti suvlarining to'yinishi, sarfi, joylashish chuqurligi va kimyoviy tarkibi hududning geologik va litologik tuzilishi, rel'efi, iqlim sharoiti, sug'oruv tizimlari, yer usti suvlarining rejimi va boshqa omillarga bevosita bog'liq. Mutaxassislar tomonidan viloyat gidrogeologik sharoitiga ko'ra ikkita: suv oqib kirishi-chiqishi qiyin va suv oqib kirishi-chiqishi juda qiyin bo'lgan hududga ajratilgan [1]. Gidrogeologik sharoit viloyatning markaziy qismlarida yer osti suvlarining sathi va mineralizatsiya darajasining oshib ketishiga sababchi bo'lgan. Umuman olganda, bu sharoit hududda tuproq sho'rlanishi, insonlarning dehqonchilik faoliyati va o'simlik olamining rivojlanishiga salbiy ta'sir qiladi. Chunki suv oqib chiqishi-kirishi juda qiyin bo'lgan markaziy hududlarda yer osti suvlari sathining oshishi daraxtlarning ildiz tizimlarining rivojlanishiga to'sqinlik qiladi.

Viloyatning gidrogeologik kesimida uchta yirik qatlamni: Paleozoy kristalli fundamenti, suv o'tkazadigan o'tkinchi perm-trias va mezo-kaynazoy qatlamlarini uchratish mumkin. Suv to'planadigan asosiy qatlamlar tarqoq joylashgan bo'lib, asosan neogen-to'rtlamchi va yuqori bo'r davri yotqiziqlari hisoblanadi . Suv to'planuvchi neogen-to'rtlamchi davr yotqiziqlari hududda keng tarqalgan. Ular qumli, qumoq, qumtosh, gilli, gilli qumoq va alevrolitlardan tashkil topgan bo'lib, gorizont va vertikal ravishda keskin o'zgaruvchan ahamiyat kasb etadi. Bu yotqiziqning qalinligi 20-100 metrga, o'rtacha 40-60 metrga yetadi. Hududdagi bosimli suvlar paleogen gilli qatlamlari ustida shakllanadi. Suv to'planish xususiyati yuqori pliotsen davri qumli yotqiziqclariga to'g'ri keladi. Ularning chuqurligi 3,5-4 metr, Amudaryo va sug'oruv kanallaridan uzoqda 5-10 metrga teng bo'lib, yer ostidagi harakati janubi-sharqdan shimoli-g'arbiy va shimoliy yo'nalishdadir. Qumlarning filg'ratsiya koeffitsienti 0,8-30,2 m/kun, gillarniki 0,052-0,1 m/kundan iborat. Bu qatlamdagi suvlarning mineralizatsiya darajasi daryo va kanallar tahsiri kuchli bo'lgan hududlarda 3- 4 g/l ni tashkil etadi. To'lin suv davrida ular gidrokarbonatli-sulg'fatli-kaltsiyli, suv kam bo'lgan davrida sulg'fatli-xloridli va sulg'fatli-kalg'tsiyli tarkibga ega bo'ladi [2].

Amudaryo suvi kamaygan yillari viloyatda suv tanqisligi, ichimlik suvi muammosi, qurg'oqchilikning keskin ortishi kuzatilsa, daryo suvi ko'paygan davrda esa tuproq sho'rlanishi, yer osti suvlari sathining ko'tarilishi kabi tang ekologik vaziyatlar yuzaga keladi. Bunday sharoitda Amudaryo suvidan foydalanish bo'yicha daryo bo'yi davlatlari bilan hamkorlikni mustahkamlash va viloyat gidrologik sharoitini boshqarishning mukammal tizimini ishlab chiqish talab etiladi.

Bugungi kunda yer osti suvlarini pasaytirish va kerakli muvozanatda ushlab turish maqsadida tabiiy drenajlardan keng foydalanish maqsadga muvofiqdir. Bunda har bir ekin maydonlari atroflari bo'ylab qatorlab tut daraxtlari ekish va sharoitga mos boshqa o'simlik turlaridan foydalanish ancha samara beradi va tabiiy sho'rlanishni oldini olish imkonini yaratadi.

Foydalanilgan adabiyotlar.

1. Matchanov M.J., Yusupov R. Xorazm viloyati yer osti suvlarining joylashishi. Ilmiy-amaliy anjuman materiallari. – Samarqand, 2006.
2. Ganiyev Z.A., Fayziyev E.A. Amudaryo deltasida irrigatsiyaning rivojlanishi va landshaftlarning meliorativ holati. Respublika ilmiy-nazariy anjuman materiallari. – Nukis, 2022.

ZARAFSHON DARYOSINING TARIXI

Negmatov S Q¹, Narzullayeva L¹

¹*NavDPI, Geografiya va iqtisodiy bilim asoslari kafedras*

Annotatsiya: Ushbu maqolada Zarafshon daryosi nomining kelib chiqish tarixi va daryo bo'yida yashovchi aholining xo'jaligida tutgan ahamiyati haqida qisqacha ma'lumot berilgan.

Abstract: This article provides brief information about the history of the origin of the name of the Zarafshan River and its importance in the economy of the people living along the river.

Kalit so'zlar: Zarafshon, Daytiya, Politemit, Obi ko'hak, Darg'om kanali, Mastchoh, Fandaryo.

O'rta Osiyoning eng sersuv daryolaridan biri - Zarafshon daryosidir. Bu daryo O'zbekistonning janubi-sharqiy qo'shnisi bo'lgan Tojikiston hududidagi baland tog'lardan boshlanadi. Bu daryo ikkita davlat, ya'ni O'zbekiston hamda Tojikiston hududidan oqib o'tadigan daryo hisoblanadi. Zarafshon so'zi forscha tildan olingan bo'lib, "zar" - oltin, "afshon" - sotuvchi, ya'ni "oltin tarqatuvchi" degan ma'noni anglatadi. Zarafshon daryosining nomi turli kitoblarda turlicha tarzda talqin etiladi. Misol uchun, zardushtiylikning muqaddas kitobi bo'lgan - Avestoda "Daytiya"-ya'ni "ezgu suv", yunonlar hukmronlik yillarida esa –"Politimet"- "Ko'p ezgu suv" deb nomlashgan. Pahlaviy tilida "Nomiq" (Mashhur), fors tilida "Rudi Mosaf" , "Rudi sharg'", arab tilidagi manbalarda esa "Haramkon" – "Muqaddas daryo" singari nomlar bilan ham atalgan. Buyuk bobo kalonimiz Zahiriddin Muhammad Bobur o'zining "Boburnoma" asarida Zarafshon daryosini "Obi ko'hak" va "Daryoyi ko'hak" deb ham tilgan olgan. Zarafshon daryosi oqib o'tadigan Zarafshon vohasida miloddan avvalgi II-I ming yilliklarda o'troq aholi istiqomat qilib, u yerda dehqonchilik, baliqchilik kabi mashg'ulotalr bilan shug'ullanishgan. Qadimgi davrlarda bu daryodan o'sha yerda yashaydigan aholi bir nechta kanal hamda ariqlar qazishgan. O'zbekistondagi eng qadimiy kanallardan biri bo'lgan aynan Darg'om kanali ham Zarafshon daryosidan suv oladi. Bundan tashqari, daryodan Qalqonota, Romitan, Shohrud, Shofirkon, Vobkent kabi magistral kanallar va shu bilan birga Sangi Saloh, Katta Beglik, Damdaryo singari ariqlar qazilib, Zarafshon daryosi suvi Navoiy , Buxoro, Samarqand viloyatlaridan tashqari boshqa viloyatlar hududini ham suv bilan ta'minlamoqda. Navoiy va Buxoro viloyatlari hududidagi Shofirkon, Harkanrud, Xitraf va Buxoro shahrini suv bilan ta'minlovchi Rudizar (hozirgi Shohrud) kanallari ham daryoga qurilgan eng qadimgi suv inshootlaridan hisoblanadi.

Bu qadimiy inshootlar haqidagi ma'lumotlar Narshaxiy, Istaxriy singari tarixchi olimlarning asarlarida uchraydi. Hozirda Zarafshon daryosining suvi Eski anhor kanali orqali - Qashqadaryo viloyatiga, Eski Tuyatortar kanali orqali esa Jizzax viloyati hududiga oqizilmoqda. Zarafshon daryosi Zarafshon hamda Turkiston tog` tizmalari tutashgan Ko`ksuv tog` tugunidagi Zarafshon muzligidan dastlab "Mastchoh" nomi bilan boshlanadi. Keyinchalik esa Ayniy qishlog`i yonida Fandaryoni qo`shib olgach, Zarafshon nomini oladi. Zarafshon daryosining uzunligi - 877 km, havzasining maydoni esa 41860 km² ni tashkil qiladi. Havza maydonining 17710 km² qismi daryoning tog`li qismiga, qolgan 24150km² qismi esa qirlar hamda tekisliklarga to`g`ri keladi. Zarafshon daryosiga baland tog`lardagi muzliklar va buloqlardan boshlanadigan 4000 dan ortiq irmoqlar kelib qo`shiladi. Bu irmoqlardan eng yiriklari - Fandaryo, Qo`shtudaryo hamda Marg`iyondaryodir. Daryoning vodiysi unga yirik irmoqlar qo`shilgandagina birozgina kengayadi. Relyef jihatidan tog`li zonada joylashgan Tojikiston Respublikasi hududida Zarafshon daryosi baland tog`lardan oqib tushadi. O`sha vaqtda daryoning oqim tezligi ortadi. Zarafshon daryosining eng ko`p suv sarfi sekundiga 930 m³ ni tashkil qiladi. Bu daryoning yillik suv sarfi 5.4 km³ bo`lib, shundan 5.2 km³,ya`ni asosiy qismi Tojikiston hududiga, qolgani esa O`zbekiston hududiga to`g`ri keladi. Zarafshon daryosi baland tog`lardagi qor va muzliklardan to`yinganligi sababli, daryoning to`lin suv davri yoz oylariga, ya`ni iyun-avgustga to`g`ri keladi. Zarafshon daryosida oqim tezligi katta bo`lganligi uchun muzlamaydi. Ba`zi paytlarda qish sovuq kelganda 2-3 kun muzlashi mumkin. Lekin daryoning muzlashi kamdam-kam holatlardagina sodir bo`ladi. Zarafshon daryosi o`sha yerda yashaydigan aholi uchun katta ahamiyatga ega. Chunki qishloq aholising asosiy mashg`uloti shu daryo orqali amalga oshiriladi. Aholiga keladigan asosiy mablag` ham shu daryo orqalidir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. Shuls V.L., Mashrapov R. O`rta osiyo gidrologiyasi. T.:1999.
2. P.G`ulomov, H.Vahobov, P.Baratov, M.Mamatqulov. 7- sinf uchun darslik T.: 2017.

AMUDARYO DARYOSINING O`RTA OSIYODAGI AHAMIYATI

Negmatov S Q¹, Bozorboyev Z¹

¹NavDPI, Geografiya va iqtisodiy bilim asoslari kafedrasida

Annotatsiya: Ushbu maqolada Amudaryoning xalq xo`jaligida tutgan ahamiyati haqida ma'lumot berilgan.

Abstract: This article provides information about the importance of Amudarya in the national economy.

Amudaryo daryosi O`rta Osiyoda joylashgan Tojikiston, O`zbekiston, Turkmaniston qisman Afg`oniston hududidan oqib o`tadi. Panj va Vaxsh daryolari qo`shilishidan hosil bo`lgan. Uzunligi 2400 km, havzasining maydoni 309 ming km. Amudaryo o`ziga bir nechta daryolarni qo`shib oladi. Daryo oqimi asosan tog`li Pomir-Oloy o`lkasida hosil bo`ladi. Amudaryo Qoraqum va Qizilqum cho`llarini kesib o`tib, Orol dengiziga quyiladi. Panj va Vaxshning qo`shilishidan Ilchiq daryosigacha vodiyning kengligi 4 dan 25 kmgacha, keyin 2-4 kmgacha torayadi.

Tuyamo`yin darasidan pastda daryo vodiysi bir necha o`n kilometr ga kengayadi, Taxiato sh darasidan pastda esa Amudaryo deltasi boshlanadi. Amudaryo qadimda o`z yo`nalishini bir necha bor o`zgartirgan. Hozirgi kunda O`zboy kanali saqlanib qolgan bo`lib, avvallari Amudaryo Kaspiy dengiziga shu kanal orqali oqgan. Amudaryo faqat dastlabki 180 kilometr idan irmoqlarni oladi. Amudaryo suvi asosan qor va muzliklarning erishidan to`yinadi. Amudaryo suvi yog`ingarchilik ko`p bo`lgan payt mart-aprel oylarida ko`p bo`ladi. Oktyabr oyining o`rtalarida suvi pasayib qoladi. Amudaryoning eng ko`p suv iste`moli iyun-avgust oylarida eng kami esa yanvar-fevral oylarida bo`ladi.

Amudaryo va Sirdaryo suvidan noto`g`ri foydalanish evaziga 1970-1980 yillarda ikkala daryo ham o`z mansabi bo`lmish Orol dengiziga suv quymay qo`yadi. Bu esa O`rta Osiyoda regional muammoni keltirib chiqardi. Vaholanki yangi yerlarni ochilishi tufayli Orol dengizi 1960 yillarda o`z suv sathini yo`qotib boradi. Orol dengizi - O`rta Osiyoning haroratini mo`tadil qilib turuvchi tabiiy mashina edi. Orol dengizi o`rnida hozirgi kunda Orolqum cho`li paydo bo`lyapti. Orol dengizida hozirgi kunda taxminan 11 mln tonna tuz bor. Bu tuz va changlar 500 km radiusga uchib qishloq xo`jaligiga katta zarar yetkazmoqda. Hozirgi kunda mamlakatimiz rahbari tashabbusi bilan Orol dengizi o`rnida saksovul o`rmonlarini tashkil etish yo`lga qo`yilmoqda. Amudaryo suvi hozirgi kunda Orol dengiziga juda oz miqdorda suv quymoqda Amudaryo va Sirdaryo o`z suvini qishloq xo`jaligiga ko`p yo`qotishi tufayli Orol dengizi hozirgi kunda qurib bormoqda. O`rta Osiyodagi cho`llashishi oldini olish uchun Orol dengizi o`z suv sathini qaytarishi va avvalgi ko`rinishiga kelishi lozim.

Amudaryo daryosida yirik gidrotexnik inshootlar ko`p. Amudaryo quyi oqimida Tuyamo`yin tor darasida qurilgan yirik gidrotexnik inshooti Tuyamo`yin suv ombori bor. Gidrouzel 1970 yilda qurilishi boshlangan. 1978 yilda birinchi agregat va 1983 yilda ikkinchi agregat ishga tushirildi. Endilikda suv ombor Qoraqalpog`iston Respublikasi va Xorazm viloyatida suvni tartibga solish maqsad qilingan. Umumiy hajmi 7800 mln.m³. Suv ombori 4 ta qismdan iborat. Amudaryo havzasi ulkan gidroenergetika resurslariga ega. Jami 63,2 mln.kv. tonnani tashkil etadi. Amudaryo havzasidagi gidroenergetika resurslarining faqat 2% dan ziyodroq qismidan amalda foydalanilmoqda. Eng katta gidroinshoot esa Vaxsh daryosiga qurilgan Norak suv ombori va GESidir. Norak GESi yiliga 11.2 mlrd kv/soat elektr energiya ishlab chiqaradi. GESning loyiha quvvati 2700 Mvt (300 Mvtli 9 ta agregatdan iborat). Lekin daryoga yangi inshoot ya'ni Tojikiston hududida yangi GES qurilishi yo`lga qo`yilgan bo`lib bu GES dunyodagi eng katta GESlardan biri bo`lishi kutilmoqda. GES Amudaryo irmog`i bo`lmish Vaxsh daryosiga qurilayotgan to`g`on bo`lib, Dushanbedan 110 km uzoqlikda joylashgan. Loyiha tugallangach to`g`on balandligi 335 metr va bu dunyodagi eng baland to`g`on bo`ladi. GES quvvati 3600 Mvt quvvatga ega. 2018 yil 16 noyabrda 120 Mvt quvvatga ega 1-blok ishga tushirildi. Ikkinchi bloki 2019 yil 9 sentyabrda Tojikiston Mustaqillik kuni munosabati bilan ishga tushirildi. To`g`on qurilishi o`lka hududida katta muammolarni keltirib chiqaradi. To`g`on uchastkasi yuqori seysmik zonada joylashgan bo`lib u yerda har oyda kichik zilzilalar bo`lib turadi. Tog` qoyalari

bo`sh va mo`rt, qurilish tunellari qazish deyarli mumkin emas. To`g`on qurish uchun eng qulay joyda tosh tuzi bilan to`ldirilgan yoriq bor. Vaqt o`tishi bilan tuz qatlami yemirilishi kuzatilishi mumkin. Yana bir muammo GESda tashlandiq suvlarni qayerga yo`naltirish hal qilinmagan. Agar bu suvlarni Amudaryo o`zani bo`ylab oqizib yubormoqchi bo`lsak, bu suv 1100 km pastlikka qarab ketishi kerak. Agarda bu suv shunday qilib oqizib yuborilsa, O`zbekiston va Turkmanistondan 300 ming kishi yashaydigan joylar vayron bo`ladi. Bu esa jahon miqyosidagi texnogen falokat demakdir. Lekin olimlarimiz tomonidan taklif etilgan yangi loyiha mavjud. Bu loyiha Surxondaryoda yangi suv ombor qurish va unga 2,5 mlrd kubometr tashlama suvni shu yerga o`tkazish edi. Keyinchalik 5 mlrd kubometr suv o`tkazish taklif etilgan. Bu esa O`zbekiston qishloq xo`jaligi uchun foydali loyiha hisoblanadi. Loyiha qurilishi 4 ta davlat ya'ni Tojikiston, Afg`oniston, O`zbekiston va Turkmaniston uchun ham manfaatlidir. Agar GES ishga tushirilsa arzon energiyaga ega bo`liniladi. Bu 3 ta davlat Tojikistondan energiyaning to`rtidan bir qismini arzon narxda sotib olish mumkin. Afg`onistonga bu juda ma`qul keladi, chunki bu energiya Afg`onistonga 100 yilga yetadi. O`zbekistonga esa yiliga 5 mlrd kubometr suv kelib turadi. Bu suv bilan O`zbekiston qishloq xo`jaligi suv mustaqilligiga erishadi. Qishloq xo`jaligidan ortgan suvni Orol dengiziga quyishimiz mumkin. Bu kabi GESlar qurilishi O`rta Osiyodagi suvni tejab to`g`ri foydalanish imkoniyati yaratiladi. Bunday suvlarni tejash o`lkadagi Orol dengizi suv sathini qayta to`ldirishga yordam beradi. Buning uchun avvalo Turkmanistondagi uzunligi 1000 kilometr bo`lgan Qoraqum kanali tagini betonlash va ustini yopish katta suv miqdorini tejash maqsadga muvofiqdir. To`g`ri bu katta mablag`ni talab qiladi. Bu mablag`lar hozir bu muammolarga ajratilmas ekan keyinchalik muammolar yig`ilib katta talofatlarni keltirib chiqarishi mumkin. Qoraqum kanali tagi betonlansa yiliga 8-10 mlrd kubometr suv tejaladi. Taqqoslash uchun O`zbekiston 2021 yilda 43,2 milliard kubometr suv ishlatgan. Bundan kelib chiqadiki, bu suvlarni tejab qolib Orol dengiziga yo`naltirishimiz mumkin bo`ladi. Orol dengizi suv sathi qayta to`ldirilishi O`rta Osiyo iqlimining mo`tadillashishiga imkon yaratadi. Iqlim yaxshilanishi evaziga mamlakatlar qishloq xo`jaligida katta yutuqlarga erishadi. Davlatlar og`ir iqtisodiyotdan foydalanganidan ko`ra yengil bo`lgan agro iqtisodiyotdan foydalangani afzalroqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yxati:

1. O`zbekiston Milliy ensiklopediyasi (2000-2005). 1-jild.
2. P. G`uomov va boshqalar. 7-sinf O`rta Osiyo va O`zbekiston tabiiy geografiyasi darsligi. 2017.
3. М. Тураев “Фауна, населения и экология птиц водоемов низовьев реки Амударьи” (Автореферат). Т.: 1995.

PISKOM HAVZASI DARYOLARI OQIMINING SHAKLLANISHIGA METEOROLOGIK OMILLARNING TA'SIRINI BAHOLASH

Shonazarov Sh Sh, Aliboyev M K

O'zbekiston Milliy Universiteti, Toukehm u.

Annotatsiya: Mazkur maqolada Piskom havzasi daryolari oqimiga atmosfera yog'inlari havo haroratining birgalikdagi ta'sirini baholangan. Hisoblashlar 2 davr - 1965-1992 va 1993-2020 yillar uchun obyektiv tenglashtirish va normallashtirish usulini qo'llash asosida amalga oshirilgan.

Kalit so'zlar: daryo, daryo oqimi, havo harorati, atmosfera yog'inlari, korrelyatsiya koeffitsiyent, normallashtirilgan regressiya tenglamalari

Abstract: This article evaluates the combined effect of atmospheric precipitation and air temperature on the flow of rivers in the Piskom basin. Calculations were made based on the objective equalization and normalization method for 2 periods - 1965-1992 and 1993-2020 years.

Key words: river, river flow, air temperature, atmospheric precipitation, correlation coefficient, normalized regression equations

Iqlim o'zgarishi sharoitida daryolar oqimining shakllantiruvchi asosiy omillar bo'lgan meteorologik omillar va ularning o'zgarishlarini tadqiq etish havzada hosil bo'ladigan suv resurslari miqdorini aniqroq baholash imkonini beradi[2,4]. O'rta Osiyo daryolari oqimining hosil bo'lishiga meteorologik omillar ta'sirini o'rganish bo'yicha dastlabki tadqiqotlar E.M Oldekop, L.K.Davidov keyinchalik V.L.Shults, O.P.Sheglova M.N. Bolshakov E.V. Petryashovalar tomonidan davom ettirilgan[2,4]. So'nggi o'n yilliklarda global miqyosda kechayotgan iqlim o'zgarishlari ta'siri daryolarning gidrologik rejimi va oqim shakllanishiga ham o'z ta'sirini o'tkazmoqda va bu holatlar so'nggi gidrometeorologik ma'lumotlar asosida daryo oqimi shakllanishi bo'yicha zamonaviy tadqiqotlarni talab etadi. Shu maqsadda Piskom daryosi va uning asosiy irmoqlari bo'lgan Oygaing, Maydontol, Chiralma, Novalisoy daryolarida 1965-2020 yillar davomida kuzatilgan suv sarfi ma'lumotlari va Piskom meteorologik stansiyasi atmosfera yog'inlari va havo harorati ma'lumotlari asosida daryo oqimiga meteorologik omillar ta'siri o'rganildi.

Maqolada Piskom havzasi daryolari oqimining shakllanishiga atmosfera yog'inlari va havo haroratining birgalikdagi ta'sirini statistik baholash maqsadidagi hisoblashlar G.A.Alekseyev tomonidan ishlab chiqilgan obyektiv tenglashtirish va normallashtirish usulini qo'llash asosida amalga oshirildi[1,4].

Mazkur tadqiqot ishida Piskom havzasi har bir daryolari uchun $Q_y=f(X_q, X_y, T_y)$ ko'rinishdagi ko'p hadli bog'lanishlar aniqlandi. Ushbu ifodada: Q_y – o'rtacha yillik suv sarfi; X_q – qishki yog'inlar; X_y – yozgi yog'inlar; T_y – yozgi havo haroratlari.

Ushbu bog'lanishlarni aniqlash uchun dastlab gidrometeorologik o'zgaruvchilar orasidagi bog'lanishlar zichligini ifodalaydigan juft ($r_{01}, r_{02}, r_{03}, r_{12}, r_{13}, r_{23}$) va to'liq korrelyatsiya koeffitsientlari hisoblandi.

O'zgaruvchilar orasidagi juft korrelyatsiya koeffitsientlari

Daryo	Davr	r_{01}	r_{02}	r_{03}	r_{12}	r_{13}	r_{23}
Piskom	1965-1992	0.881	0.439	-0.437	0.381	-0.389	-0.486
	1993-2020	0.721	0.439	-0.556	0.132	-0.536	-0.373
Oygaing	1965-1992	0.779	0.369	-0.198	0.381	-0.389	-0.486
	1993-2020	0.451	0.350	-0.318	0.132	-0.536	-0.373
Maydantol	1965-1992	0.819	0.475	-0.282	0.381	-0.389	-0.486
	1993-2020	0.250	0.311	-0.198	0.132	-0.536	-0.373
Chiralma	1965-1992	0.818	0.513	-0.326	0.381	-0.389	-0.486
	1993-2020	0.585	0.543	-0.433	0.132	-0.536	-0.373
Novalisoy	1965-1992	0.772	0.587	-0.474	0.381	-0.389	-0.486
	1993-2020	0.568	0.569	-0.488	0.132	-0.536	-0.373

O'zgaruvchilar orasidagi umumiy bog'lanish zichligini ifodalaydigan to'liq korrelyatsiya koeffitsienti quyidagi ketma-ketlikda hisoblanadi.

$$\begin{cases} \alpha_{01} + r_{12} \cdot \alpha_{02} + r_{13} \cdot \alpha_{03} = r_{01} \\ r_{12} \cdot \alpha_{01} + \alpha_{02} + r_{23} \cdot \alpha_{03} = r_{02} \\ r_{13} \cdot \alpha_{01} + r_{23} \cdot \alpha_{02} + \alpha_{03} = r_{03} \end{cases}$$

Yuqoridagi chiziqli tenglamalar sistemasining bosh va yordamchi determinantlari Kramer usulida hisoblandi.

$$\Delta = \begin{vmatrix} 1 \cdot r_{12} \cdot r_{13} \\ r_{12} \cdot 1 \cdot r_{23} \\ r_{13} \cdot r_{23} \cdot 1 \end{vmatrix}; \quad \Delta_{01} = \begin{vmatrix} r_{01} \cdot r_{12} \cdot r_{13} \\ r_{02} \cdot 1 \cdot r_{23} \\ r_{03} \cdot r_{23} \cdot 1 \end{vmatrix}; \quad \Delta_{02} = \begin{vmatrix} 1 \cdot r_{01} \cdot r_{13} \\ r_{12} \cdot r_{02} \cdot r_{23} \\ r_{13} \cdot r_{03} \cdot 1 \end{vmatrix}; \quad \Delta_{03} = \begin{vmatrix} 1 \cdot r_{12} \cdot r_{13} \\ r_{21} \cdot 1 \cdot r_{02} \\ r_{31} \cdot r_{32} \cdot r_{03} \end{vmatrix}.$$

Bosh va yordamchi determinantlar aniqlangach quyidagi ifoda orqali regressiya koeffitsientlari aniqlandi.

$$\alpha_{01} = \frac{\Delta_{01}}{\Delta}; \quad \alpha_{02} = \frac{\Delta_{02}}{\Delta}; \quad \alpha_{03} = \frac{\Delta_{03}}{\Delta}.$$

Bosh va yordamchi determinantlar hamda regressiya koeffitsientlari

Daryolar	Yillar	Bosh va yordamchi determinantlar				Noma'lum regressiya koeffitsientlari		
		Δ	Δ_{01}	Δ_{02}	Δ_{03}	α_{01}	α_{02}	α_{03}
Piskom	1965-1992	0.611	0.499	0.056	-0.046	0.816	0.092	-0.075
	1993-2020	0.609	0.380	0.194	-0.063	0.624	0.318	-0.103
Oygaing	1965-1992	0.611	0.484	0.097	0.114	0.791	0.159	0.187
	1993-2020	0.609	0.257	0.184	0.012	0.422	0.302	0.020
Maydantol 1	1965-1992	0.611	0.477	0.151	0.086	0.779	0.247	0.141
	1993-2020	0.609	0.140	0.179	0.021	0.229	0.294	0.035
Chiralma	1965-1992	0.611	0.460	0.169	0.062	0.752	0.276	0.101
	1993-2020	0.609	0.329	0.295	0.023	0.541	0.485	0.038
Novalisoy	1965-1992	0.611	0.381	0.190	-0.049	0.623	0.310	-0.081
	1993-2020	0.609	0.290	0.296	-0.031	0.476	0.486	-0.051

Regressiya koeffitsientlarining aniqlangan qiymatlari asosida normallashtirilgan regressiya tenglamasi tuziladi (3-jadval):

$$Q = \alpha_{01} \cdot X_q + \alpha_{02} \cdot Q_y + \alpha_{03} \cdot T_y + C$$

To'liq korrelyatsiya koeffitsienti(r_0), quyidagi ifoda yordamida aniqlanadi:

$$r_0 = \sqrt{|r_{01} \cdot \alpha_{01}| + |r_{02} \cdot \alpha_{02}| + |r_{03} \cdot \alpha_{03}|}$$

To'liq korrelyatsiya koeffitsientining xatoligi quyidagi ifoda bilan hisoblandi: bu yerda ℓ - argumentlar soni(3-jadval).

$$\sigma_{r_0} = \frac{1 - r_0^2}{\sqrt{N - \ell}}$$


O'zgaruvchilarning normallashtirilgan regressiya tenglamasiga qo'shgan hissalari quyidagi ifoda bilan hisoblandi (3-jadval):

$$\delta(X) = \frac{r_{0j} \cdot \alpha_{0j}}{r_0}$$

3-jadval

Normallashtirilgan regressiya tenglamalari va ularning aniqligi

Daryolar	Yillar	Normallashtirilgan regressiya tenglamalari	$r_0 \pm \sigma_{r_0}$	Argumentlarning qo'shgan hissalari		
				X_q	X_y	T_y
Piskom	1965-1992	$Q = 0.816 \cdot X_q + 0.092 \cdot Q_y - 0.075 \cdot T_y$	0.89 ± 0.034	90.8	5.1	4.1
	1993-2020	$Q = 0.624 \cdot X_q + 0.318 \cdot Q_y - 0.103 \cdot T_y$	0.80 ± 0.058	69.6	21.6	8.8
Oygaing	1965-1992	$Q = 0.791 \cdot X_q + 0.159 \cdot Q_y + 0.187 \cdot T_y$	0.80 ± 0.060	90.6	8.2	1.2
	1993-2020	$Q = 0.422 \cdot X_q + 0.302 \cdot Q_y + 0.020 \cdot T_y$	0.54 ± 0.117	63.2	35.5	1.3
Maydontol	1965-1992	$Q = 0.779 \cdot X_q + 0.247 \cdot Q_y + 0.141 \cdot T_y$	0.85 ± 0.047	83.2	15.4	1.4
	1993-2020	$Q = 0.229 \cdot X_q + 0.294 \cdot Q_y + 0.035 \cdot T_y$	0.38 ± 0.141	46.3	50.6	3.1
Chiralma	1965-1992	$Q = 0.752 \cdot X_q + 0.276 \cdot Q_y + 0.101 \cdot T_y$	0.85 ± 0.045	78.6	17.6	3.8
	1993-2020	$Q = 0.541 \cdot X_q + 0.485 \cdot Q_y + 0.038 \cdot T_y$	0.75 ± 0.072	53.1	44.8	2.1
Novalisoy	1965-1992	$Q = 0.623 \cdot X_q + 0.310 \cdot Q_y - 0.081 \cdot T_y$	0.84 ± 0.045	68.6	25.9	5.5
	1993-2020	$Q = 0.476 \cdot X_q + 0.486 \cdot Q_y - 0.051 \cdot T_y$	0.76 ± 0.072	47.2	48.4	4.4



2-rasm. Daryolar oqimining hosil bo'lishiga meteorologik omillarning qo'shgan hissalari.

Hisoblash natijalari tahlillariga ko'ra, o'rganilgan daryolar yillik oqimining hosil bo'lishiga meteorologik omillar qo'shgan hissalari turlicha bo'lib, shu bilan birga ularning qiymatlarining 2-davrda sezilarli o'zgarishlari kuzatilgan. Qishki yog'inlarning hissalari $\delta(X_q)$ daryolarda birinchi davrda 68,6÷90,8 % oraliqda o'zgargan bo'lsa, bu qiymat ikkinchi davrda 47,2÷69,6% gacha kamaygan. Yozgi davrdagi yog'inlar hissalari $\delta(X_y)$ esa, nisbatan kichik bo'lib, 5,1÷25,9% oraliqdan 21,6÷50,6% ga ortgan. Havo haroratining hissalari $\delta(T_y)$ eng kichik qiymatlarda bo'lib, 1,2÷8,8% oraliqda o'zgaradi (1-rasm).

Bajarilgan tadqiqot natijalari asosida quyidagilarni xulosa sifatida qayd etish mumkin.

1. Piskom havzasi daryolarida 1965-2020 yillarda kuzatilgan suv sarfi ma'lumotlari va qishki, yozgi davrdagi atmosfera yog'inlari, yozgi havo harorati orasidagi ko'p hadli bog'lanishlar G.A.Alekseev usulida aniqlandi.

2. Tadqiqotda o'rganilgan daryolar yillik oqimining hosil bo'lishiga meteorologik omillarning qo'shgan hissalari baholandi. Hisoblash natijalariga ko'ra, qishki yog'inlarning hissalari har ikkala davrda ham eng katta bo'lgan. Biroq keyingi davrda biroz kamaygan. Yozgi yog'inlarning hissalari ikkinchi davrda sezilarli ortgan. Yozgi davrdagi haroratlar hissalari Chiralma, Novalisoy daryolarida kamaygan bo'lsa qolgan daryolarda ortishi kuzatilgan.

3. Mazkur bajarilgan tadqiqot natijalari ahamiyati shundaki, ushbu havzasi daryolari bilan bog'liq gidrologik hisoblashlarni bajarish bilan birga boshqa havza daryolarida ham yuqoridagi hisoblash usullarini qo'llash va takomillashtirishda xizmat qilishi mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR RO'YXATI

1. Алексеев Г.А. Объективные методы выравнивания и нормализации корреляционных связей. – Л.: Гидрометеиздат, 1971. – 363 с
2. Хикматов Ф.Х., Юнусов Г.Х., Хакимова З.Ф., Зияев Р.Р., Эрлапасов Н.Б. Закономерности формирования водных ресурсов горных рек в условиях изменения климата. –Т.: «Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи», 2020, 232 с.
3. Hikmatov F.H., Aytbayev D.P. Gidrometeorologiyada statistik usullar. O'quv qo'llanma. – Toshkent «Universitet» nashriyoti, 2005. - 91 b
4. Hikmatov. F.H., Hakimova Z.F., Turg'unov D.M. Chirchiq havzasi daryolari oimi bilan iqlimiy omillar orasidagi bog'lanishlarni statistik baholash. GMITI № 2. 2022. – Б. 46-57

ОЦЕНКА ЭКОЛОГИЧЕСКОГО СТАТУСА ВОДОХРАНИЛИЩА С ПОМОЩЬЮ ИНДЕКСОВ ЗООПЛАНКТОННОГО СООБЩЕСТВА

Гинатуллина Е Н, Тожибоев М С

Аннотация: В статье приведены данные исследования зоопланктона Учкызылского водохранилища: видовой состав, индексы сапробности видов, количественные показатели зоопланктона.

Abstract: In the paper presented data about zooplankton communities of the Uchkyzyl reservoir: species composition, saprobity indices of species, and quantitative indicators of zooplankton.

Annотaciya: Учқизил сув омбори зоопланктон организмларининг: турлар таркиби, турларнинг сапроблик индекси, зоопланктоннинг сон кўрсаткичларини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари келтирилган.

Учкызылское водохранилище расположено в Сурхандарьинской области и наполняется водами р. Аму-занг. Максимальная глубина – 40 м, площадь зеркала – 10 км², полезный объем – 80 млн.м³. Зоопланктон служит хорошим индикатором загрязнения водных объектов при сравнительном анализе его видового состава и количественного развития.

Пробы зоопланктона отбирались дважды: в июле 2021 г. и в сентябре 2022 г. с помощью малой конической сети Джели (d=14 см, размер газа № 72) со станций расположенных в прибрежной части водохранилища. Весь отобранный материал идентифицировался согласно общепринятым определителям [1,2,4]. Для характеристики уровня загрязнения вод, использовали индексы сапробности (органического загрязнения воды), установленные для видов зоопланктона [3].

В июле 2021 г. на исследованных станциях было обнаружено 7 видов зоопланктона: коловратка *Euchlanis dilatata* Ehrenberg, 1832; циклопы (Copepoda): *Thermocyclops vermifer* Lindberg, 1935 и *Mesocyclops ogunnus* Onabamiro, 1957, каланида *Phyllodiptomus blanci* Guerne&Richard, 189, гарпоктицида *Cletocamptus cf. deitersi* Richard, 1897 и 2 вида клadoцер (Cladocera): *Diaphanosoma orghidani* Negrea, 1982 и *Chydorus sphaericus* Müller, 1776.

В сентябре 2022 г. видовой состав зоопланктона включал 4 вида ракообразных: 3 вида из группы веслоногих рачков: каланоида *Diaptomus blanci*, циклоп *Eucyclops macruioides* Liljeborg, 1901 и гарпоктицида *Cletocamptus cf. deitersi* и 1 вид ветвистоусых рачков: *Diaphanosoma orghidani*.

Количественное развитие зоопланктона на исследованных станциях в сентябре 2022 г. было незначительным и соответствовало статусу «ультраолиготрофный» (биомасса меньше 100 мг/м³; Китаев, 2007). Численность и биомасса составили в среднем 3892 экз./м³. и 56 мг/м³. соответственно. Однако, на одной станции развитие биомассы зоопланктона соответствовало статусу «олиготрофный»; при этом численность зоопланктона составила 22378 экз./м³, а биомасса – 323,8 мг/м³.

Индекс сапробности, определенный по индикатерным значениям видов зоопланктона, для исследованных станций Учкызылского водохранилища находился в пределах от S=1,3-1,53 и соответствовал, в основном, «олиго-бетамезосапробной» о-β зоне органического загрязнения воды; и только для одной из стаций – индекс сапробности соответствует «олигосапробной» зоне S=1,3. Бетамезосапробная зона органического загрязнения воды характеризуется тем, что здесь присутствуют много организмов с автотрофным питанием. Хотя видовое разнообразие водных сообществ может быть не очень высокие, но численность и биомасса организмов отмечены, как высокие.

В целом, индексы зоопланктонного сообщества, полученные для Учкызылского водохранилища говорят о том, что наряду с олиготрофными условиями (дефицит биогенных элементов в воде и почве), существует вероятность загрязнения воды органическим дейтридом, так как тонкие фильтраторы – клadoцеры, малочислены в зоопланктонных сообществах.

4. Джереми Мелвин, Архитектура: путеводитель по стилям: [пер. с англ.]. - М.: Кладезь-Букс, 2007. - 158 с
5. “Курылыс тараўында илим хэм билимлендириўди тураклы раўажландырыўдың регионаллық аспектери” атамасындағы Республика илимий-эмелий конференция: “Дуняда хэм мәмлекетимиздеги энергиятеземли имаратларды жойбарлаў хэм курылыс жумыслары” Т.Узаков, Нөкис-2022
6. С.В.Ильвицкая, Т.В.Лобкова, Архитектура заглубленных зданий – перспективное направление «зеленого» строительства Москва, 2019. 127-128с

Qaraqalpaqstan Respublikasında gloukonit káni jaylasqan jerlergeń qısqasha xarakteristika

Raximova J.

Berdaq atındaғы Qaraqalpaq mámleketlik universiteti magistranti

Gloukonit (grekshe *glaukos* sózinen kelip shıqqan bolıp kógimtar-jasil degen maǵanani ańlatadı) – gidroslyudasilikat qatlamlarınıń kishi meniral toparı bolıp, shókpe jınıslarda keń tarqalǵan. Ol suwlı alyumosilikat kaliy, magniy hám temir kórnisinde boladı. Gloukonitler kishkene domalaq ólshemi 0,1 – 0,9 mm bolǵan fosforit kánlerinde, qum hám sazlı ılayda jasil dáneshe kórnisinde ushırasadı. Gloukonit taw jınıslar quramında 70-80% ke deyin bolıwı múmkin.

Gloukonittiń ximiyalıq quramı: Kaliy oksidi (K_2O)-4,49,4%, natriy oksidi (Na_2O)-0-3,5%, alyuminiy oksidi (Al_2O_3) 5,5-22,6%, temir oksidi (Fe_2O_3) 6,1-27,9%, temirdiń shala oksidi (FeO) 0,8-8,6%, magniy oksidi (MgO) -2,4-4,5%, kremniy oksidi (SiO_2)-47,6-52,9%, suw (H_2O)-4,9-13,5%.

Reńi: Qara sargılt-jasil, kógilt-jasil, qaramtır-jasil, ot-shópli-jasil, sarımtır-jasil. Jıltraqlıǵı: gúńgirt. Tımqıqlıǵı: tımqıq emes. Ayırmashılıǵı: kógis. Qattılıǵı: 2-3 mort. Tıǵızlıǵı: 2,2-2,8g/sm. qıymshılıq penen eriydi, qara áynekti payda etedi. Kislotada ózin tutıwı: duz kislotasında ıdıraydı.

Gloukonit mineral sıpatında 1829-jıldan baslap tanıla basladı, biraq onıń kelip shıǵıwı boyınsha maǵlıwmatlar keyinirek payda boldı. Ol teńiz túbinde qıshqıllandırılıwshı hám tikleniwshı zonalar aralıǵındaǵı shegerada, normal ximiyalıq shókpe túrinde payda boladı. XIX-ásirdiń aqırında, gloukonitti awıl-xojalıǵı eginlerinen joqarı ónim alıw ushın paydalanıwdaǵı qanaatlanarlıq effekt haqqında A.N. Engelgardt, V.A. Azimov, A.V. Klyucharev hám akademikler P.A. Grigorev, D.N. Pryanishnikovlar jazǵan. Gloukonittiń shókpe jınıslardan payda bolıw sháriyatın hám onıń ximiyalıq quramın, birinshilerden bolıp 1896-jılı belgili rus topıraqtanıw ilimpazı K.D.Glinka tárepinen úyrenilgen.

Qaraqalpaqstan Respublikasında ilgerileri azıraq málimi bolǵan agronomiyada qımbatlı esaplanǵan glaukonit paydalı qazılmalar káni tabıldı. Onıń quramında 4-5% ge deyin kaliy hám 15 túrge jaqın (Mn, V, Ti, Cr, Fe, Cu, Pb, Co, Zn, Sn, Be hám basqa) mikroelementler bar. Qaraqalpaqstan Respublikası territoriyasında quramında glaukonit jınısı bolǵan kóplegen maydanlar tabıldı, olardıń arasında keleshegi barları tómendegiler bolıp tabıladı.



1-súwret. Qaraqalpaqstan Respublikasında gloukonit káni jaylasqan jerlerdiń karta-sxeması

1. Qırantaw (g-1) Ámiwdaryanıń oń jaǵasında, Qırantaw posyolkasında jaqın jerde jaylasqan hám ústi qumli-saz untaqlı qatlamlardan turadı. Onimdarlıq qatlamı arasında 2-4 m qalıńlıqta jer betine shıǵıp, ólshemı 0,1-0,5 mm gloukonit túyirlerinen dúzilgen. Geologlar máǵlıwmatı boyınsha, quramında ortasha 37% jaqın gloukonittiń keleshekтегі запасы 50 mln.tonnanı quraydı.

2. Beltaw (g-2) бірдей тóbelікlerde jaylasqan oliogecen qatlamınıń ústki bólimine tuwra keledi. Bul jerde gloukonit qatlamınıń qalıńlıǵı 0,5 m ge teń bolıp, tıkarınan glaukonit túyirlerinen turadı.

3. Qızıljar.(g-3) Nókis qalasınan arqada 124 km aralıqta jaylasqan. Ónimdarlıq qatlamı sarı-kúl reń hám sarı-jasıl qum kóriniste bolıp, gloukonit muǵdarı 4-5 % den 8-11% deyingı aralıqta.

4. Xojeli (g-4). Gloukonitlı qumlar tikkeley jer betinde shıǵadı. Olar 10 km² jaqın maydanda tarqalǵan bolıp, qalıńlıǵı 3,5 m, gloukonit muǵdarı -10%. Keleshekтегі запасы 6-8 mln.tonnanǵa baxalanbaqta.

5. Ketmenshi(g-5) 6km² jaqın maydanda taralǵan,gloukonit muǵdarı 11-18%. Keleshekте запасы ortasha 4-5 mln.tonnanı quraydı.

6. Chukay-tuǵay(g-6). Gloukonitlı qumnıń qalıńlıǵı 2.5-3 m den 6-5 mge deyin, gloukonit muǵdarı 17-18%. Keleshekтегі запасы 10mln.tonnanǵa jaqın.

7. Bestóbe(g-7). Gloukonitli gorizont 2,5-4 m qalınlıqta. Tiykarınan sarı-jasıl reńdegi kishkene túyırılı qum kórınısında, glaukonit muǵdarı 12-15 %. Keleshekтеgi zapası 15 mln.tonnańı quraydı.

8. Xojakól (g-8) Gloukonit ónimdarlıǵınıń gorizontı 18m tereńlikte jaylasqan, qalınlıǵı 1,8 m den 3,5 m ge shekem.

Keleshekтеgi zapası 10 mln.tonnaǵa jaqın bahalanbaqta.

Paydalanılǵan ádebiyatlar

1. Bauetdinov S., Bauetdinov T.S. Glaukonitı Karakalpakstana i ix Primenenie v selskom xozyaystve. Nukus, «İlim» 2013.s.160.

2. Bauetdinov S.B., Aimbetov N.K., Tadjiev S.M. i.dr. Zayavka na patentovanie № IAP20110342. Ot 13.08.2015. Sposob polucheniya slojnosmeshannıx udobreniy.

3. Beglov B.M., Namazov Sh. Fosforitı Kızılqumov i ix prerabotka. Tashkent. 2013. S.460.

FOTOBIOREAKTORDA DIATOM HASLEA OSTREARIA TOMONIDAN O'SISH VA MARENIN ISHLAB CHIQRISHNI OPTIMALLASHTIRISH

Ro'zimova X K., Qutliyeva U G', Karatayeva N D.

Chirchiq davlat pedagogika universiteti tabiiy fanlar fakulteti

Hujayralarida oqsi va erkin yog' kislotalari sintez qiluvchi Chlorella - Chlorophyta bo'limining bir hujayrali yashil suvo'tlari fotobioreaktorda (PBR) etishtirish uchun murakkab organizm bo'lib qolmoqda. Ular garchi ko'p tadqiqotlarda muvaffaqiyatli isbotlangan, ammo biofilmdagi massa yoki yorug'lik o'tkazuvchanligi cheklanganligi sababli hujayradan tashqari marenin (EMn) ga ega bo'lgan an'anaviy fotobioreaktorda harorat va pH muxitiga kulturalarning moslashuvchanligini o'rganildi. Ushbu jarayonda mikro-suvo'tlarining o'sish-rivojlanish samaradorligi nafaqat harorat va pH muxitiga balki PBRdagi boshqa omillarga ham bog'liqligi kuzatildi shu o'rinda takidlash lozimki fotobioreaktorning hajmi va shakli ham kulturalar o'sishiga ma'lum darajada ta'sir ko'rsatishi aniqlandi bu esa biomassa mahsuldorligini oshirishga olib keldi ushbu tadqiqotda chlorella avlodiga mansub mikro-suvo'tlari uchun optimal sharoit 26°C pH 6 ga teng bo'lgan sharoitda o'stirilganda biomassa mahsuldorligi (2,23g/l) va umumiy pigmentdagi maksimal konsentratsiya (2,42%) ni tashkil etishi aniqlandi.

Chlorella - Chlorophyta bo'limining bir hujayrali yashil suvo'tlarining turi sanaladi. Hujayralar sharsimon shaklda, diametri 2 dan 10 mkm gacha, xivchinsiz. Ularning xloroplastlarida yashil fotosintetik pigmentlar - xlorofil-a va -b mavjud. Ideal sharoitda Chlorella hujayralari tez ko'payadi, ko'payish uchun faqat karbonat angidrid, suv, quyosh nuri va oz miqdorda minerallar kerak bo'ladi [1].

Chlorella nomi (yun. chlonos, chlōros/ khōros, yashil degan ma'noni anglatadi va lotincha ella, kichik degan ma'noni bildiruvchi qo'shimchasidan olingan). Nemis biokimyogari va hujayra fiziologi Otto Geynrix Varburg 1931 yilda hujayraning nafas olish jarayonidagi tadqiqotlarida chlorelladan foydalangan.

Chlorella oziq-ovqat va energiya manbai sifatida qabul qilingan, chunki uning fotosintetik samaradorligi 8% ga yetishi mumkin [2,3], bu shakarqamish kabi boshqa yuqori samarali ekinlardan oshib ketadi. Chlorella birinchi marta 1890 yilda Martinus Beyjerink tomonidan tasvirlangan. O'shandan beri bu jinsda yuzdan ortiq takson tasvirlangan. Biroq, biokimyoviy va genomik ma'lumotlar shuni ko'rsatdiki, bu turlarning ko'pchiligi bir-biri bilan chambarchas bog'liq emas, hatto alohida Chlorophyceae sinfiga kiritilgan. Boshqacha qilib aytganda, Chlorellaning "yashil

shar" shakli tabiiy takson emas, balki konvergent evolyutsiya mahsulidir [4]. Xlorellaga o'xshash suvo'tlarni faqat morfologik xususiyatlarga qarab aniqlash umuman mumkin emas [5].

Oziq-ovqat uchun ishlatiladigan "Chlorella" ning ba'zi shtammlari noto'g'ri aniqlangan yoki haqiqiy Chlorelladan tasniflangan avlodlarga mos keladi. Masalan, Heterochlorella luteoviridis odatda Chlorella luteoviridis nomi bilan tanilgan va endi haqiqiy nom hisoblanmaydi [6,7].

Ushbu tajribaning maqsadi: Chlorella avlodiga mansub mikrosvuotlaridan chorvachilikda qo'shimcha ozuqa sifatida foydalanish uchun optimal sharoitlarni (t_{opt} va pH_{opt}) tanlash Chlorella kulturalariga pH muxiti va harorat sharoitlarining ta'sirini aniqlash.

Kulturalar "Chu-13" ozuqa muxitida 26°C, 30°C va 32°C haroratda uzluksiz rejimda 1 L hajmdagi fotobioreaktorlar (PBR) da amalga oshirildi. pH qiymatini optimallashtirish uchun kulturalarning harorati birinchi navbatda 26 °C da, chayqatish tezligi $D = 0,1 \text{ d}^{-1}$ da va pH regulatsiyasi 6;, 8,5;, va 9 ga teng bo'lgan sharoitlar hosil qilindi. Biomassa mahsuldorligini aniqlash uchun barcha kulturalar o'stirish jarayonida vaqt oralig'ida 3 marta kuzatildi. Natijalar 8-A-rasmda keltirilgan (kulturalar biomassa hosil qilish jarayoni vizual va biomassani analitik tarozida o'lchash orqali amalga oshirildi). Optimal sharoit haroratni aniqlash uchun kulturalar 26°C pH 6 ga teng bo'lgan sharoitda o'stirilganda biomassa mahsuldorligi (2,23g/l) va umumiy pigmentdagi maksimal konsentratsiya (2,42%) ni tashkil etishi aniqlandi. pH 8,5 harorat 28°C da biomassa mahsuldorligi (1,93g/l) va umumiy pigmentdagi maksimal konsentratsiya (3,38%) ni tashkil etishi kuzatildi. pH 9 harorat 32°C bo'lgan sharoitda biomassa mahsuldorligi (1,25g/l) va umumiy pigmentdagi maksimal konsentratsiya (3,26%) ni tashkil etishi kuzatildi.

Tadqiqot jarayonida olingan natijalar va adabiyotlarda keltirilgan malumotlarga asoslanib xulosa qilinganda Chlorella avlodiga mansub mikrosvuotlari uchun optimal sharoit pH muxiti 6-7,5 harorat 22-26 °C ekanligi aniqlandi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Scheffler, John (3 September 2007). "Underwater Habitats". *Illumin.* 9 (4).
2. I. V. Safarov, A. K. Abdullaev, N. A. Khujamshukurov and Zair S. Shakirov Influence of Temperature and CO₂ on the Growth and Accumulation Oil of Microalgae *British Journal of Applied Science & Technology* 10(3): 1-9, 2015.
3. Zelitch, I. (1971). *Photosynthesis, Photorespiration and Plant Productivity*. Academic Press. p. 275.
4. Krienitz, Lothar; Huss, Volker A.R.; Bock, Christina (2015). "Chlorella: 125 years of the green survivalist". *Trends in Plant Science.* (2): 67–69.
5. Matthews, Robin (2016). *Freshwater Algae in Northwest Washington, Volume II, Chlorophyta and Rhodophyta*. Western Washington University
6. Champenois, Jennifer; Marfaing, Hélène; Pierre, Ronan (2015). "Review of the taxonomic revision of Chlorella and consequences for its food uses in Europe". *Journal of Applied Phycology.* 27 (5): 1845–1851.
7. Van Mooy BAS, et al. Phytoplankton in the ocean use non-phosphorus lipids in response to phosphorus scarcity. *Nature.* 2009;458(7234):69–72.

ХАРАКТЕРИСТИКИ ПРОЦЕССОВ РАЗМНОЖЕНИЯ МЕЗОФИЛЬНЫХ ВИДОВ ГРЫЗУНОВ В УСЛОВИЯХ ПРИАРАЛЬЯ

Алимова С.З.

Нукусский государственный педагогический институт

Одной из актуальных проблем современной экологии по-прежнему остается изучение организации и динамики сообществ наземных позвоночных животных. Изменение внешней среды вызывает увеличение устойчивости живых организмов к повреждающему действию изменяющегося экологического фактора. Эта защитная реакция протекает у разных видов живых организмов неодинаково [1].

Биогеоценоз, как саморегулирующая система, в целом способна поддерживать многоуровневый структурно-функциональный гомеостаз за счет притока извне для функционирования его структур, и накапливать свободную энергию, что позволяет ему приспосабливаться к изменению своих структур под влиянием условий внешней среды. При рассмотрении взаимодействия элементов системы следует отметить, что иерархия системных уровней “внешняя среда – экосистема”, в которой среда включает систему и функции системы, не определяет полностью взаимодействие элементов системы между собой [1, 2].

В качестве моделей для изучения происходящих трансформаций в популяциях и сообществах позвоночных наиболее удобно использовать мелких млекопитающих, которые в силу своего положения в трофических цепях непосредственно воспринимают и быстро отзываются на давление негативных внешних факторов изменением численности и структурной организации биосистем [1, 4].

Ондатра (*Ondatra Zibethica*) расселена по всей территории низовьев Амударьи от Туямюна до Аральского моря. В дельту Амударьи завезена в 1944 г. (355 голов) из Алтайского края. Успеху акклиматизации ондатры в Каракалпакстане способствовали высокая экологическая пластичность этого вида, широкая постановка работ по внутрихозяйственному расселению зверьков, а также наличие многочисленных водоемов и тростниковых займищ в дельте. В недавнем прошлом, низовья Амударьи были основной базой ондатроводства в Узбекистане, здесь заготавливалось почти 90-95% шкурок [3].

В выборе станций ондатра неприхотлива. Живет в пойме рек и водоемах с богатой водно-болотной растительностью. Селится по берегам коллекторв и оросительных каналов, в пойменных озерах, в зарослях тростника, на купаках. При наличии крутых берегов роет норы, в водоемах строит хатки из стеблей водных растений. Размер хаток различны: в среднем диаметр составляет 1,0-1,5 м, высота – 0,5-1,0 м. гнездовая камера обычно одна, поднята над уровнем воды на 30-50 см. диаметр ее 0,35 м. На заболоченных берегах и мелководьях устраивает жилища переходного типа от нор к хаткам, которые встречаются редко (3-5%).

Биология размножения достаточно полно освещена в литературе, однако исследования в этом направлении актуальны, поскольку размножение – один из наиболее существенных моментов в жизни грызунов, определяющий численность популяций [3, 4].

В Южном Приаралье ондатра размножается не весь год. Активизация репродуктивных процессов начинается в конце зимы, с весенним потеплением и частичным освобождением водоемов ото льда, т.е. ондатра относится к числу животных, размножающихся только в течение теплого времени года. В условиях низовьев Амударьи размножение ондатры длится 6-6,5 мес. О величине выводков можно судить по среднему числу эмбрионов на одну самку. Величина помета по годам колеблется также незначительно-7,1-7,8. В дельте Амударьи в среднем в первом помете 9,8 эмбриона, во втором-8,8, в третьем-7,7. Минимальная величина помета наблюдается у молодых самок первого помета текущего года -5,5 [3].

В июне-августе все пойманные перезимовавшие самки были беременными или разродившимся. Яловость (0,5-0,7%) и резорбция эмбрионов встречаются очень редко. Интенсивность размножения ондатры стабильна в водоемах с устойчивой кормообеспеченностью. Однако решающий фактор, определяющий интенсивность размножения и динамику численности, - состояние водоемов – водообеспеченность течение года, наличие корма и мест для строительства жилищ. Природные условия дельты Амударьи резко изменились, происходит антропогенное опустынивание, высыхают многочисленное озера, болотистые местообитание, наблюдается деградация тростниковых и рогозовых зарослей. Соотношение полов у новорожденных раннего помета почти равное (49,0% самок и 51,0% самцов). Заметное преобладание самцов весной объясняется их активностью в период размножения [2].

В настоящее время в дельте Амударьи за счет коллекторных, дренажных и сбросных вод наиболее регулярно снабжаются водой мелкие озерные системы (оз. Акчакуль и др.) и некоторые мелкие водоемы, общая полезная площадь которых составляет около 20 тыс. га.

В течение сезона размножения, как известно, значительно изменяется возрастная структура популяции, что является следствием изменения интенсивности размножения ондатры разных возрастов. В свою очередь возрастной состав определяет последующее размножение и численность популяции. Коэффициент варибельности доли самок среди возрастных групп колеблется от 60% до 89%. Наиболее высокий коэффициент вариации приходится на долю молодняка (1-8 мес.). Коэффициент вариации среди размножающихся самок самым высоким оказался также для возраста 1-8 мес. Наиболее стабильна доля размножающихся самок старше 2 лет, коэффициент вариации небольшой – 1,85%. Коэффициент варибельности численности самцов в разных возрастных группах очень высок и достигает до 107 %. Это свидетельствует о том, что самцы претерпевают значительные изменения в репродуктивный период.

Возрастные соотношения в общем годовом улове всецело зависят от интенсивности размножения популяции и изменяются в соответствии с динамикой условий среды обитания. Ухудшение обводнения угодий приводит к их качественному преобразованию и снижает выход молодняка.

Таким образом, выявленные нами особенности обитания ондатры в природных условиях и закономерности изменения структуры популяции могут служить экологическим обоснованием для возобновления планирования мероприятий по добыче и заготовке шкурок ондатры.

Список литературы:

1. Большаков В.Н., Данилов Н.Н. Устойчивость тундровых экосистем в условиях Севера Сибири // проблемы рационального природопользования и контроля качества природной среды Севера Сибири. Якутск, 1979. С. 60-66.
2. Ивантер Э.В. Популяционная экология мелких млекопитающих Таежного Северо-Запада.- М., Наука.- 1975.- 246 с.
3. Реймов Р. Млекопитающие Южного Приаралья.- Ташкент, ФАН.- 1985.- 95 с.
4. Цветкова А.А. Структура населения, численность и популяционные показатели мелких млекопитающих в Саратовском правобережье // Поволжский экологический журнал. 2010. № 4. С. 423 – 437

РОЛЬ МЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИХ И АГРОМЕТЕОРОЛОГИЧЕСКИХ ПРОГНОЗОВ В ШЕЛКОВОДСТВЕ

Султашова О.Г¹, Абдикаримов А.М¹, Наурызбаева Г.¹

Каракалпакский государственный университет

Аннотация: В статье рассматривается Роль метеорологических и агрометеорологических прогнозов в шелководстве в Узбекистане

Abstract: The article describes the role of meteorological and agrometeorological forecasts in Sericulture of the Republic of Uzbekistan

Нам известно, что шелководство занимает значительное место в сельском хозяйстве Узбекистане, заготавливающим большую часть коконов страны. Основным кормовым фондом для гусениц шелкопряда, как известно, является листва тутового дерева-шелковицы. По этой причине шелководом очень важно иметь прогноз даты разворачивания листьев шелковицы. Дело в том, что если разворачивание листьев шелковицы задержится на несколько дней по сравнению с прогнозом, то отродившиеся гусеницы могут оказаться без корма и погибнут. Если же разворачивание листьев шелковицы будет раньше, чем предусмотрено прогнозом, то к моменту достижения пятого возраста гусениц шелкопряда листья шелковицы загрубеют, будут плохо усваиваться гусеницами, что в свою очередь приведет к заболеванию гусениц, к снижению качества коконов, уменьшению валового урожая и в результате к невыполнению плана. Как видно, любая ошибка в прогнозировании разворачивания листьев шелковицы приводит к экономическому ущербу. Шелководы республики считают шелковицы пятого листа. Фенологические наблюдения, приводимые агрометстанциями,

показывают, что от появления первых листочков до формирования пятых протекает от 5 до 15 дней. Однако указанные сроки могут изменяться в зависимости от погодных условий и зон произрастания шелковицы. При составлении прогнозов за дату начала вегетации шелковицы принимается устойчивый переход среднесуточной температуры воздуха через 5°C , величина которого и принята за нижний предел эффективной температуры. Суммы эффективных температур выше 5°C , обеспечивающие разворачивание первых листьев шелковицы для различных климатических зон, неодинаковы. Для большинства областей Узбекистана сумма эффективных температур составляет 180°C . Только для группы южных районов Сурхандарьинской, Кашкадарьинской областей разворачивание первых листьев шелковицы наблюдается при большей сумме эффективных температур (220°C).

Это по мнению ряда исследователей, происходит потому, что развитие древесной растительности после теплых зим идет более медленно (1), что определяется и повышенной биологической требовательностью шелковицы, произрастающей в южных районах республики, к фактору тепла. Таким образом, зная дату устойчивого перехода среднесуточной температуры воздуха через 5°C , агрометеорологи дают прогноз, в котором указывают, какого числа должно быть накоплено 180°C (для большинства районов) и 220°C (для группы южных районов). Это и будет датой начала разворачивания первых листьев шелковицы. Через 5-7 дней для теплой весны или через 12-15 дней для холодной весны появляется 5-й лист шелковицы.

От даты разворачивания первых листьев до даты появления пятого листа требуется сумма эффективных температур выше 5°C , равная 70°C .

Агрометеорологи, опираясь на долгосрочные метеорологические прогнозы в весенние месяцы, выпускают специально для шелководов республики прогнозы разворачивания первых и пятых листьев шелковицы.

Такие прогнозы составляются ежегодно, после того как осуществится переход средних суточных температур через 5°C с заблаговременностью до 25-35 дней. В дальнейшем составленный прогноз уточняется за 15-20 дней до наступления фазы, и в связи с этим шелководы могут не только ускорять или замедлять оживление гряды. Анализ оправдываемости таких прогнозов показывает, что в целом оправдываемость: достаточно высокая: оправдываемость прогноза по разворачиванию первых листьев шелковицы за этот период составила около 80%, а прогноза разворачивания пятых листьев – 86%. Анализ оправдываемости прогнозов разворачивания листьев шелковицы показывает, что не всегда процент оправдываемости высокий, особенно – прогноза разворачивания пятого листа шелковицы.

Ежегодно весной перед шелководами республики возникают трудности, и им всегда на помощь приходят агрометеорологи-прогнозисты. Следующих работах рассмотрим результаты долгосрочные метеорологические наблюдения шелковицы.

Список использованной литературы:

1.Абдуллаев А.К., Султашова О.Г. Стратегия развития агрометеорологической наблюдательной сети Узгидромета и совершенствования информационного обеспечения АПК Узбекистана. Узбекистон география жамияти. -Тошкент, 2014. - Б. 282-283

2.Сабина И.Г. Методика прогноза сроков развертывания первых листьев шелковицы на территории Средней Азии. -Сборник методических работ по составлению прогнозов агрометеорологических условий развития винограда субтропических культур и шелковицы. М., Гидрометеиздат -1960.48с.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЧОРВАЧИЛИК ТАРМОҚЛАРИ ТАРКИБИДАГИ БАЪЗИ ЎЗГАРИШЛАР Ешимбетов Уктамжон Худайбергенович

Аннотация: В статье проведен анализ некоторых показателей в скотоводстве, овцеводстве и козоводстве, которые считаются ведущими отраслями животноводства республики Каракалпакстан.

Abstract: The article analyzes some indicators in cattle breeding, sheep breeding and goat breeding, which are considered the leading livestock sectors of the Republic of Karakalpakstan.

Аннотация: Мақолада Қорақалпоғистон Республикаси чорвачилигининг йирик тармоқлари ҳисобланган қорамолчилик, қўй ва эчкичиликдаги баъзи кўрсаткичлар таҳлил қилинган.

Чорвачилик минтақа моддий ишлаб чиқаришининг йирик тармоқларидан бири ҳисобланади. У қишлоқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб келган. Мазкур тармоқ аҳолини энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари, енгил, озиқ-овқат ва чарм саноатини хомашё билан таъминлайди. Худуд чорвачилигининг асосий маҳсулотлари сут-гўшт, жун, қоракўл териси ва тухум етиштиришга йўналтирилган.

Ҳозирги шароитда чорвачилик мамлакатнинг деҳқончилик мажмуаси (пахтачилик, дончилик, сабзавотчилик ва полизчилик) билан оқилона уйғунлашган ҳолда ривожланиб тармоқлараро алоқалар такомиллашиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ер-сув, молиявий ва қишлоқ жойларда меҳнат ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини яратмоқда. Бундан ташқари Устюрт ва Қизилқум чўлларида яйлов чорвачилик хўжаликлари мавжуд.

Қорақалпоғистонда чорвачилик комплекси сут-гўшт йўналишига ихтисослашган бўлиб, қишлоқ хўжалиги ялпи даромадининг тадқиқот йиллари (2010-2020 йй.) давомида ўртача 50-52 фоизини ташкил этган.

Қорамолчилик – Ўзбекистоннинг обикор минтақасидаги чорвачиликнинг етакчи тармоғи бўлиб ҳисобланади. Мазкур тармоқ кейинги йилларда тез ривожланмоқда. 2010-2020 йиллар мобайнида минтақада қорамоллар сони 155,2 фоизга ортган (1-жадвал). Чорвачилик ялпи маҳсулот таркибида сут-гўшт йўналишидаги қорамолчилик асосий ўрин эгаллайди. Қорамолчилик чорвачиликнинг бошқа тармоқларига нисбатан ҳаражатлари анча кўп ҳисобланади.

Минтақада аҳоли сут ва сут маҳсулотларига, гўшт ва гўшт маҳсулотларига бўлган талабини таъминлаш мақсадида тармоқни барқарор ривожланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, 2010 йилда барча

турдаги хўжаликларда 58,9 минг тонна гўшт (тирик вазнда), 183,6 минг тонна сут етиштирилган бўлса, 2020 йилга келиб гўшт етиштириш 111,1 минг тонна, сут етиштириш 404,8 минг тоннага етган ва мос равишда 188,6 ва 220,5 фоизга кўпайган.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасида чорва молларининг бош сонининг тадрижий ўзгариши, минг бош ҳисобида

Чорва мол турлари	2010 й	2012 й	2014 й	2016 й	2018 й	2020 й	Ўсиш фоиз ҳис
Йирик шохли қорамоллар	715,8	800,4	861,3	955,0	1058,0	1110,6	155,2
Қўй ва эчкилар	730,3	802,7	873,3	901,5	1031,8	1115,1	152,7
Шундан: қоракўл қўйлар	359,1	362,9	369,0	364,5	329,2	314,8	87,7
Йилқилар	18,3	19,0	20,1	20,6	22,0	24,5	133,9
Паррандалар	1383,7	1698,5	2778,9	3103,6	3871,4	4524,7	327,0

Жадвал Қорақалпоғистон Республикаси статистика бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, тадқиқот йилларида тармоқ ривожланишининг экстенсив йўли хосдир. Чунки минтақада гўшт ва сут етиштиришнинг ортиб бориши таҳлил қилинган йилларда чорва моллари маҳсулдорлигининг ошиши ҳисобига эмас, балки улар сонининг кўпайиши ҳисобига юз берган. Шунингдек, чорва молларининг маҳсулдорлигининг пасайишига озуқа экинлари айниқса, беда ва оқсилга бой озуқабоп майдонларнинг камайиши, насли чорва молларининг камлиги ўз таъсирини ўтказмоқда.

Минтақада гўшт ва сут маҳсулотларини етиштириш кўпайган бўлсада, унинг улуши Ўзбекистонда камайган. Жумладан, 2020 йил Ўзбекистонда етиштирилган гўштнинг 2,3, сутнинг 2,4 фоизи Қорақалпоғистонга тўғри келади.

Йирик шохли қорамоллар сонининг асосий қисми (93,4 фоизи) деҳқон (шахсий) хўжаликларида боқилмоқда ва тез ортиб бормоқда. Фермер хўжаликларига деярли 5,0 фоизи тўғри келган. Фермер хўжаликларида чорвачилик молларининг бундай паст концентрацияси илғор технология ва меҳнатнинг оқилона шаклини жорий этишга тўсқинлик қилмоқда, бу эса пировардида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигини пасайишига олиб келмоқда. Ўрганиш натижаларига кўра, чорва молларининг катта қисми деҳқон хўжаликлари ҳиссасига тўғри келиб, уларда чорва учун ем-хашак етказиш имконияти ҳам ер майдони ҳам йўқ. Чорва молларини боқишда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш натижасида вужудга келган бегона ўт ҳамда деҳқончилик маҳсулотлари чиқиндиларидан фойдаланилаётганлиги, асосий ем-хашакни сотиб олинishi чорва маҳсулотлари таннархини ошишига, самарадорликни пасайишига сабаб бўлмоқда [1]. Деҳқон хўжаликларга ажратилган экин майдонларни кўпайтириш, улардаги чорва маҳсулотларини кўпайтиришда ижобий натижалар беради. Бу ўз навбатида аҳолини сифатли ва

арзон сут ва сут маҳсулотлари, гўшт ва гўшт маҳсулотлари, тухум билан таъминлашга имконият яратади.

Қўй ва эчкичилик. Мазкур тармоқ чорвачиликда маҳсулот етиштиришда қорамолчиликдан кейинги ўринда туради. Қўй ва эчкичилик бош сони 2020 йил якуни бўйича 1115,1 минг бошга етган. Бу кўрсаткич 2010 йил якунига нисбатан 152,7 фоизга кўп. Шу йиллар мабойнида жун етиштириш 157,6 фоизга кўпайган.

Қорақалпоғистон чорвачилигининг муҳим тармоқларидан бири – **қорақўлчилик** ҳисобланади. Қорақўлчилик хўжаликлари суғорма деҳқончилик ривожланган ҳудудлардан узоқда Қизилқум чўли ва Устюрт платосида жойлашган. 2020 йил қорақўл қўйлари сони 314,8 минг бошни ташкил этган. Бу миқдор 2010 йили 359,1 мингга тенг бўлган. Таҳлил қилинаётган йиллар давомида қорақўл қўйларининг бош сони 87,7 фоизга камайган. Қорақўлчиликнинг асосий маҳсулоти қорақўл тери етиштириш ҳисобланади. Минтақада 2010-2020 йиллар давомида қорақўл териси етиштириш 121,9 фоизга кўпайган ҳолда республикадаги етиштирилган қорақўл терисининг 7,2 фоизни етиштириб берган. Қорақўл қўйларининг 80-85 фоизидан ортиғи шахсий ёрдамчи хўжаликларида боқилмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Сауханов Ж.К. Аграр тармоқда ташқи самараларни оптимал тартиблаштириш ва трансакция харажатларини пасайтириш: муаммолар, усуллар ва моделлар. Т.: Lesson Press. 2022. 115. б.

ҚУЙИ АМУДАРЁ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИДА ГИДРОЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР ВА УНИНГ ТУРЛАНИШИ

Жуманиёзов Ислон Зафарбекович¹, Рўзметов Дилшод Рузимбоевич^{2*}

***Аннотация:** В статье анализируются гидроэкологические условия Нижней Амударьи, аспекты, связанные с Амударьей, изменения количественных и качественных показателей водных ресурсов региона. Описаны актуальные вопросы обеспечения сельского хозяйства водными ресурсами.*

Abstract: The article analyzes the hydroecological conditions of the Lower Amu Darya, aspects related to the Amu Darya, changes in the quantitative and qualitative indicators of the region's water resources. Topical issues of providing agriculture with water resources are described.

***Аннотация:** Мақолада Қуйи Амударё минтақаси гидроэкологик шароитининг Амударё билан боғлиқ томонлари, район сув ресурслари миқдор ва сифат кўрсаткичларидаги ўзгаришлар таҳлил этилган. Қишлоқ хўжалигини сув ресурслари билан таъминланишининг долзарб масалалари тавсифланган.*

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг аҳолини озиқ-овқат ва саноатни қимматли хом ашё билан таъминловчи асосий соҳасидир. Ўзбекистон жаҳоннинг қадимий суғорма деҳқончилик районларидан бири бўлиб, мамлакатимиз ҳаётида соҳа ўзига хос ўрин тутади. Амударё сув ҳавзасининг

*¹УрДУ география йўналиши магистранти, ²Хоразм Маъмун академияси илмий котиби, г.ф.н., к.и.х.

қуйи қисмида жойлашган минтақамизда сув ресурслари ўзига хос аҳамият касб этади.

Қуйи Амударё региониди янги асрда бир неча марта такрорланган сув танқислиги кузатилди, оқибатида иқтисодий йўқотишлар қатори минтақа ҳаётида муҳим ўрин тутадиган экин майдонлари қишлоқ хўжалиги айланмасида чиқб қолмоқда. Ушбу ҳол минтақанинг айниқса Амударё ўнг қирғоқи қисмида ташвишланарли ҳолатдадир.

Минтақада Орол экологик фожиаси ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Орол денгизининг қуриши Оролбўйи минтақасида табиий ижтимоий-экологик вазиятнинг оғирлашишига олиб келди. Ҳар йили Оролнинг қуриган тубидан 15-75 миллион тоннагача туз ва чанг кўтарилиб, жуда катта миқёсда табиат компонентларининг ифлосланишига олиб келмоқда [3, 4].

Шу билан бирга ўтган асрнинг 90-йиллари бошида юзага келган оғир иқтисодий-ижтимоий, экологик вазият қишлоқ хўжалик фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний, Эллиққалъа каби айрим туманларида ўтган асрнинг 90-йилларида 50 фоизгача экин майдонлари қишлоқ хўжалик айланмасидан чиқиб қолди. Хоразм вилоятида бу кўрсаткич анча паст бўлса-да, тез-тез такрорланаётган сув танқислиги даврида деҳқончиликда фойдаланилаётган экин далалари мелиоратив-экологик шароитида салбий ўзгаришлар рўй бериб, 10-15 фоиз экин майдонларидан вақтинчалик, 1-3 фоиз қисмидан умуман фойдаланилмаслик ҳолатлари юзага келди [3].

Қуйи Амударё иқтисодий райони Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг 38,5 фоизини эгаллайди. Аҳолиси, 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, 3872,7 минг киши, жами республика аҳолисининг 11,1 фоизига тенг (1-жадвал).

1-жадвал.

Қуйи Амударё районининг айрим макроиқтисодий кўрсаткичлари (2022 йил, фоиз ҳисобида*)

Кўрсаткичлар	Ўзбекистондаги улуши, %	Шу жумладан:	
		Қорақалпоғистон Республикаси	Хоразм вилояти
Майдони	38,4	$\frac{37,1}{96,5}$	$\frac{1,4}{3,5}$
Аҳолиси	11,98	$\frac{5,52}{50,3}$	$\frac{5,46}{49,7}$
Ялпи ички маҳсулот	7,2	$\frac{3,4}{48,4}$	$\frac{3,6}{51,6}$
Саноат маҳсулоти	6,6	$\frac{3,6}{54,9}$	$\frac{3,0}{45,1}$
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	10,7	$\frac{3,9}{36,8}$	$\frac{6,8}{63,2}$

*Изоҳ: каср суратида Ўзбекистон Республикасига, махражида Қуйи Амударё иқтисодий райониға нисбатан.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти деҳқончилик қиладиган экин майдонлари ўртасида фарқ унчалик катта эмас. Фақат Хоразм вилоятида янги экин майдонларини ўзлаштириши имконияти ўтган аср 80-йилларидаёқ кучли чегаралангани боис қишлоқ хўжалиги нисбатан интенсивроқ. Қорақалпоғистонда янги ерларни ўзлаштириш имконияти мавжуд бўлса-да Амударё қуйи қисмида йилдан-йилга сув ҳажмининг камайиб бораётганлиги (1-расм), аҳоли зичлигининг пастлиги, тупроқ-мелиоратив шароитининг нисбатан ёмонлиги ва бошқалар боис қишлоқ хўжалиги кўрсаткичлари Хоразм вилоятдан орқароқда. Қорақалпоғистоннинг қишлоқ хўжалик ер фонди катта, аммо сув танқислиги сабабли, бу табиий имкониятдан фойдаланиш даражаси паст. Жами қишлоқ хўжалиги ерларининг 22,7 фоизидан деҳқончиликда фойдаланилади, холос. Суғориладиган ерлар майдони қурилиш, транспорт йўллари ўтказилиши, экин майдонларининг деградацияси каби омиллар таъсирида қисқариб бормоқда (1-2 жадваллар).

2-жадвал.


Қуйи Амударё иқтисодий районида асосий деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш

Маҳсулот номи	Бирлиги	Қорақалпоғистон Республикаси	Хоразм вилояти	Районнинг улуши
Дон	минг га	106,6	75,5	11,1
	минг т	277,9	430,7	9,3
Пахта	минг га	87,5	93,7	17,1
	минг т	201,3	273,1	15,5
Картошка	минг га	6,8	5,0	12,6
	минг т	85,7	126,2	6,7
Сабзавот	минг га	16,3	13,4	13,3
	минг т	286,8	596,2	8,5
Полиз	минг га	11,8	5,8	28,8
	минг т	152,6	144,1	13,9
Мева ва резаворлар	минг га	6,2	13,4	5,8
	минг т	57,9	148,5	7,3
Жами экин экилган майдон, га		263,8	216,7	12,5

Манба: “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. – Т.: ЎзР Статистика қўмитаси, 2021 – 287 б.

Минтақада суғорма деҳқончилиги ҳудуди – Хоразм воҳаси Амударёнинг маҳсулидир, у дарёнинг қадимий ва қисман замонавий дельтасида жойлашган. Амударё минтақанинг асосий сув манбаи, аммо, унинг қуйи қисмида йилдан-йилга сув оқими камайиб бормоқда (1-расм, 3-жадвал).

Ўтган асрнинг 2-ярмидан Амударё юқори қисмида йилдан-йилга сув олиншининг ортиб бориши оқибатида қуйи оқимида сув миқдори камайиб келди ва ХХІ аср бошларидан Қуйи Амударёда сув тақчиллиги кузатила бошланди. Аммо, ҳозирда ҳам, ёғин кўп бўлган йиллари Туямўйин постида илгариги даврдагидек сув оқими кузатилади (1-расм, 3-жадвал).



1-расм. Амударёда сув оқимининг ўзгариши (1932–1996 йй., оқим бўйлаб асосий гидропостларда).

Манба: Стулина Г.В., Широкова Ю.И., Морозов А.Н. Современные тенденции в формировании водных ресурсов ЦАР и особенности использования вод повышенной минерализации для орошения почв в условиях Узбекистана // http://water-salt.narod.ru/s_tend_isp_mv.htm

Ўрта ва қуйи оқимида Амударёга ирмоқлар келиб кўшилмайди, аксинча, катта-кичик ўнлаб каналлар орқали сув олинади. Бир вақтлар ўрта оқимида дарёга сув олиб келган Зарафшон Олот атрофида тугайди. Аксинча Амударёда ўрта оқимда Қорақум, Аму-Қарши, Аму-Бухоро каналлари орқали сув олиш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда [2, 3, 4, 6]. Дарё қуйи оқимида Хоразм ва Қорақалпоғистонни сув билан таъминлайдиган Тошсоқа, Тахиатош гидроузеллари техник имкониятлари даражасида фаолият кўрсата олмаяпти, айрим йиллари мансаби-Орол денгизига сув етиб бормаяпти (3-жадвал).

3-жадвал.

Амударё хавзасидан қайтарилмайдиган сувнинг олинishi (млн. м³)

Йиллар	Юқори оқим (Керки (Отмурот) шахригача)	Ўрта оқим (Керки (Отмурот) –Туямўйин)	Қуйи (Туямўйин –Қизилжар)	Жами
1946–50	410	1260	8170	9840
1951–55	380	1420	8170	9970
1956–60	190	3820	9460	13470
1961–65	190	6430	11350	17970
1966–70	-	9340	14380	23720
1971–75	350	1280	17670	30870
1976–80	450	18450	18640	37570
1981–85	750	22740	19935	43425
1986–90	1120	24380	15650	41150
1991–99	1300	22990	19645	43935

Манба: Стулина Г.В., Широкова Ю.И., Морозов А.Н. Современные тенденции в формировании водных ресурсов ЦАР и особенности использования вод повышенной минерализации для орошения почв в условиях Узбекистана // http://water-salt.narod.ru/s_tend_isp_mv.htm

Ўрта оқимда ташлама сувларнинг ҳажми ортиб бораётгалиги боис йилдан-йилга Амударё қуйи оқимида сув сифати ёмонлашиб, минерализация даражаси ортиб бормоқда (4-жадвал). Хусусан, 1932–50 йиллар оралиғида

Туямўйин постида сувнинг йиллик ўртача минерализацияси 0,51 г/л атрофида бўлган. Ушбу кўрсаткич ҳозирга келиб, икки мартадан кўпроқ ортиб, 1,12 г/л ни ташкил этиб, сув истеъмол учун яроқсиз шўр ҳолатга келиб қолган.

4-жадвал.

Амударё суви минерализациясининг ўзгариши (1932–1999 йй, г/л)

Дарё, мансаби	Суғориш босқичлари, йиллар					
	1932–50	1951–60	1961–70	1971–80	1981–90	1991–99
Вахш – Туткаўл	0,41	0,42	0,43	0,44	0,45	0,45
Панж – Қуйи Панж	0,38	0,39	0,40	0,40		
Сурхондарё – Мангузар	0,57	0,6	0,88	1,08	1,2	1,2
Амударё – Керки (Отамурот)	0,50	0,51	0,57	0,59	0,57	0,57
Амударё – Туямўйин	0,51	0,52	0,58	0,75	1,12	1,12
Амударё – Саманбой	0,51	0,52	0,64	0,75	1,2	1,2

Манба: Стулина Г.В., Широкова Ю.И., Морозов А.Н. Современные тенденции в формировании водных ресурсов ЦАР и особенности использования вод повышенной минерализации для орошения почв в условиях Узбекистана // http://water-salt.narod.ru/s_tend_isp_mv.htm

Айни вақтда, Амударёнинг юқори оқимида дарёга зовур ва оқова сувларнинг ташланиши дарё сувининг минерализацияси ортиши баробарида, бактериологик таркибини бузилишига олиб келмоқда. Шу боис ҳозирги кунда вилоят аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Хоразм воҳасида рельефининг текислиги ҳамда кўп йиллардан бери суғорма деҳқончилик қилинаётгани боис, ер ости сувлари ер юзасига анча яқин ва кучли минерализациялашган. Ўтган асрда юқори ҳосил кетидан қувиб, далаларга меъёрдан ортиқ ўғит солиниши ва ўта заҳарли химикатларни ишлатилиши ер ости сувлари ва тупроқ экологиясига салбий таъсир кўрсатган. Грунт суви ер бетидан ўртача чуқурлиги суғориладиган зонада 0,83–2,69 м.гача фарқланади. Гидромелиорация даврида грунт сув сатҳи кўтарилиб, ер юзасидан чуқурлиги 0,4–0,6 м.ни ташкил этади. Қишда сизот сувининг сатҳи 2,2–3,6 м гача пасаяди, чўлга чегарадош зонада грунт суви 10–15 м, чўл минтақасида 20–30 м чуқурда жойлашади [1, 6]. Ер ости сувлари минерализацияси юқорилиги қишлоқ хўжалик фаолияти билан ҳам боғлиқ. Ўтган асрда янги ерларни ўзлаштирилиши ва далага тўғридан-тўғри сув қўйиш амалиётининг жорий этилиши жараёнида табиий дренажлар-кўллар кўмилган, натижада грунт сувлари сатҳи кўтарилган ва ҳатто ер ости қатламлари орасида мавжуд асрий тузларни ҳам сатҳга кўтариб иккиламчи шўрланишни кучайтирган.

Вилоят чекка ҳудудларидаги аҳолининг бир қисми ер ости сувларидан маиший эҳтиёжи, чорвачилик ва қисман деҳқончиликда фойдаланиб келмоқда. Аммо таъкидланганидек грунт сувлари ичимлик суви сифатида истеъмол учун яроқсиз, сизот сувларининг кимёвий ва бактериологик таркиби санитар-эпидемиологик жиҳатдан меъёрларга жавоб бермайди.

Қуйи Амударёда сўнгги йилларда кузатилаётган сув танқислиги вилоятда ер ости сувларидан хўжалик мақсадда фойдаланилишининг ортишига олиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида сувдан оқилонга фойдаланиш

билан боғлиқ қатор масалаларни ҳал этишни талаб этади. Айни вақтда Афғонистоннинг ҳам дарёдан ўз “ҳиссасини” олишга киришганлиги минтақа кишлоқ хўжалигига сув билан таъминлаш нарийёқда турсин ичимлик сувини муаммога айлантириш минтақада мавжуд экологик муаммо устига ўта кескин ижтимоий муаммони ҳам қўшмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев С.А., Боиров А.Ж., Сатторов Ж.С. Хоразм вилояти тупроқлари. - Т.: “Фан” нашриёти, 2002, 186 бет.
2. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Ҳ. Айтбоев Д.П. Гидрология асослари. Т., “Университет”, 2003, 327 бет.
3. Рафиқов А.А. Геоэкологик муаммолар. Т., “Фан”, 1996, 110 бет.
4. Рўзметов Д., Матчанов М., Қаландаров У., Машарипов А. Қуйи Амударё минтақасида кишлоқ хўжалик айланмасидан чиққан худудлар мелиоратив-экологик шароитини яхшилаш. - Урганч, УрДУ ноширлик бўлими, 2015. 128 бет.
5. Стулина Г.В., Широкова Ю.И., Морозов А.Н. Современные тенденции в формировании водных ресурсов ЦАР и особенности использования вод повышенной минерализации для орошения почв в условиях Узбекистана. САНИИРИ им. В.Д.Журина // http://water-salt.narod.ru/s_tend_isp_mv.htm
6. Қурбонниёзов Р. Хоразм географияси. Урганч, “Хоразм”, 1997, 115 бет.
7. Ўзбекистон кишлоқ хўжалиги. – Т.: ЎЗР Статистика қўмитаси, 2021 – 287 б

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ СУҒОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК МИНТАҚАЛАРИДА МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ ВА БАНДЛИК МУАММОЛАРИ

Норов Ш. Ш, Нокуватова Г.И, (НавоийДПИ)

***Аннотасија:**Мақолада Навоий вилоятидаги гидрографик объектлар, суғорма деҳқончилиқ минтақаларида меҳнат шаклланишига таъсир этувчи омиллар, аҳоли бандлигининг ҳудудий хусусиятлари, шундан банд аҳоли улуши ва ишсизлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.*

***Аннотация:** В статье проанализированы гидрографические объекты Навоийской области, факторы, влияющие на формирование труда в орошаемых сельскохозяйственных районах, территориальные особенности занятости населения, доля занятого населения и показатели безработицы.*

Мамлакатимизда мустақил иқтисодиёт тараққий эттириш, янги босқичга чиқариш, уни хар томонлама мустахкамлаб мураккаб ижтимоий-географик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқдир. Ушбу муаммолар каторида узининг ахамияти буйича меҳнат ресурсларининг шаклланиши, ривожланиши ва ундан фойдаланиш масалалари алоҳида урин тутуди.

Меҳнат ресурсларининг шаклланишида аҳолининг табиий купайиш даражаси, ёш ва жинсий таркиби ва бошқа ижтимоий ҳолатлар таъсир курсатиб туради..Меҳнат ресурсларининг таркиби куйидагилардан иборат булади: Жами аҳолии, Меҳнат ресурслари, Меҳнатга лаёқатли, Ёшдаги аҳоли (16-54 ёш аёллар, 16-59 ёш эркеклар), Иқтисодий фаол аҳоли , Меҳнатга банд аҳолии, Ишсизлар, Руйхатга олинган ишсизлар. Вилоятда меҳнат билан банд аҳолининг 60% дан кўпроғи еркеклар ташкил қилади. Бунга

асосий сабаб вилоятдаги саноат корхоналарининг аксарият қисми еркаклар ишалаши учун мулжаллангандир.

Ишлаб чиқаришда банд булган ўсмирлар ва қариялар ҳам фаол меҳнат ресурслари ҳисобланиб келинади. Аммо улар потенциал меҳнат ресурсларига қўшилмайди. Потенциал меҳнат ресурсларини ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқув юртларида ҳамда уй-рузғор юмушларида банд булган аҳолининг бир қисмини ташкил қилади.

Меҳнат ресурсларининг шаклланишида аҳолини такрор булиш жараёни билан тақсимлаш ва, айниқса, улардан фойдаланиш ишчи кучини такрор барпо булиш жараёни билан уйғунлашади. Навоий вилояти меҳнат ресурсларини шаклланишида ҳам юкорида айтиб ўтганимиздек, аҳолининг ёш жинсий таркиби, табиий ўсиш даражаси такрор барпо бўлиши ва бошқа ижтимоий ҳолатларга таъсир етиб туради. Навоий вилояти аҳолисининг табиий купайиши республика курсаткичидан паст булсада, лекин шу курсаткич ҳам меҳнат ресурслари захирасини истикболли эканини курсатади. Вилоят меҳнат ресурсларининг шаклланишида ташқи ва ички миграциянинг аҳамияти ҳам каттадир.

Навоий, Зарафшон, Учқудук ва бошқа саноат шаҳарларини вужудга келиш жараёнида вилоятга Россия, Украина, Белоруссия каби республикалардан, асосан 25-35 ёшдаги ишчи кучи кучиб келган. Уларнинг деярли барчаси малакали ишчи кучи ҳисобланган. Хозир еса бу жараён тухтади, аксинча, вилоятдан шу ёшдаги аҳоли ишлаш учун МДХ республикаларда куплаб кетмоқда.

Вилоятда гидрографик шахобчалар ривожланмаган; Навоий шаҳри яқинида Зарафшон дарёсининг суви жуда озайиб қолади. Жанубий районларда суғорма деҳқончиликни юритиш мақсадида Қуйимозор, Шўркўл, Тўдакўл сув омборлари қурилган. Шунингдек, бу ерда Аму - Бухоро, Ўртачўл, Ўнг Қирғоқ, Чап Қирғоқ Конимех каналлари ҳам бор. Нисбатан катта майдонни эгаллаган Айдаркўлнинг эса деҳқончиликда аҳамияти деярли йўқ.

Навоий вилояти маъмурий ҳудудий тузилишида 3 та вилоятга буйсунувчи шаҳар, 8 та қишлоқ тумани мавжуд бўлиб, шундан, Навоий шаҳри, Кармана, Навбахор, Хатирчи, Қизилтепа туманлари суғорма деҳқончилик районлари ҳисобланса, Зарафшон, Учқудук, Конимех, Томди туманлари чўл-яйлов чорвачилиги районларида жойлашган. Ҳозир шаҳри ва Нурота тумани тоғ олди-яйлов чорвачилиги районларида жойлашган.

01.01.2022 йил маълумотларига кура, Навоий вилоятининг жами аҳолиси 1055,5 минг кишини ташкил қилса, шундан, 762,1 минг киши (73,7 фоизи) суғорма деҳқончилик районларида яшайди, меҳнатга лаёқатли ёшдаги иқтисодий фаол аҳоли 450,2 киши, иқтисодий фаол аҳоли суғорма деҳқончилик районларида 313.9 минг киши (69.7 фоизи), иқтисодиётда банд аҳоли 410,4 минг киши суғорма деҳқончилик районларида 286.6 минг киши (69.8 фоизи), ишсизлар 39.8 минг киши суғорма деҳқончилик районларида 28.1 минг кишини (70,6 фоизи) кишини ташкил этади.

Меҳнат биржаси маълумотларига кура, 2021 йил ишчи кучи таклифи 54373 кишини ташкил қилган бўлса, унга талаб еса 36140 кишини ташкил этган. Вилоятда меҳнат билан банд аҳолининг 60% дан купроги еркаклар ташкил қилади. Бунга асосий сабаб вилоятдаги саноат корхоналарининг аксарият қисми еркаклар ишалаши учун мулжаллангандир.

Меҳнат ресурсларнинг жойлашувида шаҳар ва қишлоқ орасидаги фарқ каттадир. Вилоятнинг шаҳарларида меҳнатга яроқли аҳоли 58%, қишлоқларда еса 44% ташкил қилади. Вилоятда ҳар 1000та меҳнатга яроқли аҳолига 915 та меҳнатга яроқли бўлмаган аҳоли тугри келади. Бу курсаткич шаҳарларда 710, қишлоқларда еса 1090 киши.

Меҳнатга лаёқатли бўлса-да иш жойига ега бўлмаган киши ишсиз ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича, агар ишсизлик даражаси 6-7% атрофида бўлса, бу ижобий жараён ҳисобланади, яъни меҳнат бозорида рақобатни келтириб чиқаради. Ишсизларни қуйидаги тоифаларга ажратиш мумкин.

1. Ишлаб чиқаришни қисқариши ёки корхонанинг ёпилиши муносабатида ишни тухтатган шахслар.

2. Доимий иш жойидан шахсий хоҳишига кура бушаган шахслар.

3. Меҳнат бозорига биринчи марта келаётганлар

4. Меҳнат бозорига қисқа вақт ишига қайтадиган шахслар ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ушбу ишнинг мақсади Навоий вилоятида ишсизликни олдини олиш муаммоси турибди. Ушбу ишни ечишда қуйидаги таклифларни киритиш мумкин.

Навоий вилояти суғорма деҳқончилик районларида ушбу муаммоларни ечишда имконият етарлича ҳисобланади. Чунки Навоий вилояти Ўзбекистоннинг енг юкори идустраллашган вилоятлари қаторига қиради.

Ушбу муаммоларни ечишда айниқса, янги иш жойларни яратиш мақсадга мувофиқдир. Суғорма деҳқончилик районларида янги иш жойларини яратишда айниқса кичик корхоналарни ташкил этиш муҳимдир. Чунки вилоят саноат ишлаб чиқаришда 4-5 та йирик корхоналарнинг улуши деярли 80-90% етади. Шу корхоналар ёнида кичик корхоналарни ривожлантириш зарур ҳисобланади. Шунингдек, вилоятдаги енгил ва озик-овқат корхоналари такомиллашган. Айниқса, енгил саноатда Ушбу тармок корхоналарни ривожлантирса яна бир муаммо ҳал булар эди. Яъни аёлларни ишлаб чиқаришда жалб қилиш муаммоси. Чунки вилоятдаги иш ўринларининг купчилик қисми еркакларга мулжалланган. Ушбу муаммолар ҳал қилинса, вилоятнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳолати яхшиланиб, Навоий янада ривожланган регионга айланади.

Адабиётлар:

1. Бўриева М.Р., Тожиева З.Н., Зокиров С.С., Аҳоли географияси ва демография асослари. -Т., 2011.

2. Солиев А.С., Назаров М., Қурбонова Ш., Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. -Т., 2010.

3. Солиев А.С., Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий географияси. -Т., 2014.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ СУҒОРИЛАДИГАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЕРЛАРИНИНГ ДЕГРАДАЦИЯСИ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ


Рўзметов Дилшод Рузимбоевич¹, Жуманиёзов Ислон Зафарбекович^{2*}

Аннотация: В статье описывается деградация сельскохозяйственных орошаемых земель в Хорезмском вилояте, ее факторы, ведение в оборот и использование деградированных земель, ирригационно-мелиоративной системы Хорезмской области и внедрение в нее современных технологий.

Abstract: The article describes the degradation of agricultural irrigated lands in the Khorezm region, its factors, the introduction and use of degraded lands, the irrigation and reclamation system of the Khorezm region and the introduction of modern technologies into it.

Аннотация: Мақолада Қуйи Амударё минтақасида экин майдонларининг деградацияси, унинг омиллари, Хоразм вилоятида муомаладан чиққан экин майдонлари, ирригация ва мелиорация тизимидан фойдаланиш ва унга замонавий технологиялар жорий этишининг баъзи бир масалалари очиб берилган.

Қуйи Амударёдада суғориладиган ерларнинг шўрланиши ёғин миқдорининг камлиги, рельефи, чўкинди жинсларнинг механик таркиби ва суғорма деҳқончилик билан боғлиқ. Хусусан, Хоразм вилоятида грунт сувлари сатҳи шўр ювиш ва вегетация даврида анча юқори бўлади ер бетидан 0-130 смда бўлади [3, 6, 7], бу даврда экин майдонларида иккиламчи шўрланиш кучаяди (1-расм).



1-расм. Хоразм вилояти чап қирғоқ қисмида грунт сувлари сатҳи (А) ва минерализациясининг (Б) даврий ўзгариши.

Картосхема УрДУ ГИС лабораториясидан олинган маълумотлар асосида тайёрланган.

Минтақада вегетация даврида ҳаво ҳарорати ниҳоятда юқори ва қуруқ бўлгани боис, 1 см² юзадан бир йил давомида мумкин бўлан буғланиш

* ¹Хоразм Маъмур академияси илмий котиби, г.ф.н., к.и.х., ² УрДУ география йўналиши магистранти

миқдори 1300–1450 мм ни ташкил этади [3, 7]. Грунт сувлар сатҳи ер бетига яқинлашган сари тупроқдан сув буғланиши интенсивлашади ва сув буғлари ўзи билан тупроқ юқори қатламига минералларни олиб чиқади. Тупроқ юзасида сув ўзидаги минералларни қолдириб буғланиб кетади ва шу тариқа иккиламчи шўрланиши рўй беради [1]. Минтақада ер ости сувлари минерализацияси ва тупроқларининг шўрланишида Амударёнинг ҳам ҳиссаси бор. Ҳозирги кунда дарё келтираётган ҳар 1 литр сувида ўртача 1,12 г/л гача турли тузлар бўлиши аниқланган [3]. Ҳар кубометр сув далага 1120 гр туз олиб келади. Мутахассислар томонидан [3, 5] Хоразм вилоятида тупроқ шароитига қараб 1 га пахта майдони 2122 м³ дан 5500 м³ гача сув қуйиш тавсия этишган. Агар 1 га пахта даласига суғориш мавсумида 5000 м³ сув қуйилса 5600 кг, туз кириб келади. Табиийки сув сарфи ортиши туз миқдори кириб келишини оширади ва сувдан бесамар фойдаланиш билан боғлиқ иқтисодий ва экологик муаммоларни келтириб чиқаради (1-жадвал).

1-жадвал.

Ортиқча сув сарфида экин майдонида тупроққа келиб тушадиган туз миқдори ва сув сатҳи ўзгариши

№	Суғориш сувининг ортиқча сарфи (м ³)	Суғориш суви билан далага келадиган туз миқдори (1,12 г/л)*
1	500	560 кг/га
2	1000	1120 кг/га
3	1500	1680 кг/га
4	2000	2240 кг/га
5	2500	2800 кг/га

*Туямўйин пости ўртача йиллик маълумоти.

Жадвал муаллифлар томонида тузилган.

Хоразм вилоятида ер ости грунт сувларининг минерализацияси 1,16 гр/литрдан 5,42 гр/литргача фарқ қилади, Қорақалпоғистонда бу кўрсаткич янада ортади. Грунт сувлари минерализацияси Амударёдан ғарбга томон ортиб боради ва уларнинг даражаси вилоят чап қирғоқ қисмини чекка ва марказий қисмларида, вилоят чегарасида тенг радиал шаклдаги ареалда анча юқори ва таҳлиллар кўрсатишича у жой топографияси сув сатҳи ва тупроқ механик таркиби билан бевосита боғлиқ. Нишаб, пастқам ер ости сувлари ер бетига яқин жойларда ҳамда тупроқ механик таркиби оғирроқ ҳудудларда иккиламчи шўрланиш нисбатан тезроқ юз бериши аниқланган [1, 3, 6]. Юқоридаги салбий ҳолатларнинг такрорий давом этиши экин майдонлари деградациясига олиб келади.

Вилоят экин майдонлари турли даражада деградацияга учраган. Нотўғри фаолият, масалан Амударё ҳавзасида сув тартибини ўзгариб бориши охириги ўн йилликда сув танқислиги қатори сувсизлик йилларини келтириб чиқариб экин майдонларини шўрланишни кучатириб қишлоқ хўжалик айланмасидан чиқишини кучайтирмоқда. Минтақада экологик шароитнинг ўзгариши ушбу жараённи янада кучайтирмоқда.

Умуман олганда, вилоятда ҳозирда турли омиллар натижасида кўп йилларда бери фойдаланилмай келаётган деградацияга учраган ерлар (маргиналь, партов) умумий майдони салкам 14 минг га.ни ташкил этади (2-

жадвал).

2-жадвал.

Хоразм вилоятида фойдаланимай келаётган захира маргиналь ерлар (2015 й.)

№	Туманлар	Ишлатилмаётган ер майдони, га
1	Боғот	855
2	Гурлан	160
3	Қўшқўпир	3033
4	Урганч	937
5	Ҳазорасп	4931
6	Хонқа	931
7	Хива	684
8	Шовот	1915
9	Янгиариқ	1074
10	Янгибозор	227
	Вилоят бўйича	13892

Манба: Хоразм вилояти мелиоратив экспедицияси маълумотлари.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, деградацияга учраган ерлар Ҳазорасп, Қўшқўпир ва Шовот туманларида энг кўп майдонни эгаллайди. Аҳолиси зич ва Амударё бўйида жойлашган Хонқа, Гурлан ва Янгибозор туманларида эса, аксинча, ҳудуднинг қишлоқ хўжалик мақсадида ўзлаштирилиши ва қишлоқ хўжалик айланмасида ушлаб туриш даражаси энг юқори. Ушбу ерларни қишлоқ хўжалик айланмасига кўшишда илмий асосланган мелиоратив тадбирларни амалга ошириш, бунда замонавий технологиялардан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Қуйи Амударё минтақасида қишлоқ хўжалик айланмасидан чиққан ҳудудлар мелиоратив-экологик шароитини яхшилаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан саналади. Бу эса ўз навбатида илмий асосланган суғориш технологиялари ва мелиоратив тадбирларни амалга оширишни талаб этади.

Ирригация тизимларини даврий техник қуроллантириш ва замонавий технологиялар билан қуроллантириш катта аҳамият касб этади. Хусусан, давлат дастури доирасида минтақада магистрал ва кейинги тартибдаги каналларида 2017 йилгача бўлган даврда сув тақсимловчи бўғинларни модернизациялаш бўйича катта ишлар амалга оширилиши орқали ирригация тизимнинг фойдали иш коэффицентини (ФИК) яхшиланиши фикримиз далилидир [3, 6].

Шу билан бирга, вилоятда ирригация тармоқлари ФИК улардан ер остига сувнинг бесамар фильтрациясининг олдини олувчи самарадор технологияларни жорий этиш лозим. Улар қаторига канал тубини изоляциялаш, томчилатиб ёки ёмғирлатиб суғориш, тупроқ орасидан суғориш, ерларни лазер нивелир орақали текислаш, эгат ораларига эгилувчан қувурлар ётқизиш ва плёнка тўшаб суғориш, фитомелиорация каби технологиясини жорий этиш лозим [2, 5, 6].

Хусусан, 2011–2012 йилларда Р-8 тизимидаги (Тошсоқа) Қармиш ёп канали-да CRDF ва ЎзРФТРҚ қўшма лойиҳаси доирасида УрДУ олимлари томонидан (Р.Эшчонов, Х.Жабборов) канал тубини изоляциялаш, суғоришга ишлатиладиган сувини энг камида 2/5 қисмини иқтисод қилиш, ўз навбатида,

ер ости сувлари сатҳини пасайтириш орқали мелиоратив шароитни яхшилаш имконини берган [3, 6].

Деградацияга учраган ҳудудларни қишлоқ хўжалигига қўшишда фитомелиоратив тадбирлар ҳам катта аҳамият касб этади. Хусусан суғориш имконияти турли сабаблар билан чегараланган ўртача ва енгил механик захоб ва шўрланиш даражаси юқори тупроқли ҳудудларда тўқайзорларни барпо этиш бир неча йилда ҳосилдор тупроқ қатламини тиклаш баробарида маълум даражада ўтин захирасини барпо этиш имконини беради [3, 6].

Тупроқнинг иккиламчи шўрланиши нафақат унга ортикча сув бериш, балки ортикча минерал ўғит бериш орқали ҳам юз беради. Шу боис қишлоқ хўжалигида азотли ва бошқа минерал ўғитлардан фойдаланишини замонавий ускуналар ёрдамида бошқариш долзарб масалалардан саналади. Айтиш мумкин, ўсимликлар томонидан тупроқдаги минералларни оптимал ўзлаштириш имконини берадиган технологияларни қўллаш ҳам катта аҳамиятга эга [2].

Вилоятда асосий экин тури бўлган пахтага тупроқларнинг сув кўтариш қобилияти ва ер ости сувлари сатҳи ҳамда шўр ювиш давридаги сув сарфи ҳажмидан келиб чиқиб, 7800–10000, шолига бундан деярли икки марта кўп сув сарфланади [3]. Шу боис вилоятда ирригация тизимларини самарадорлиги нафақат сувни тежаш ва уларни технологик қуроллантириш, балки коллектор-дренаж тизими фаолиятини яхшилаш билан ҳам боғлиқ.

Хулоса қиладиган бўлсак Қуйи Амударё республиканинг суғорма деҳқончилик шароити нисбатан мураккаб, мунтазам мелиоратив тадбирлар олиб борилиши лозим бўлган ҳудудлари қаторига киради. Ҳозирги кунда минтақада ерларнинг деградацияга учраши мелиоратив объектларининг ҳолати, технологик қуролланганлиги, экин майдонларини сув билан таъминланишидаги муаммолар билан боғлиқ. Шу билан бирга сув таъминотидаги узилишлар ва ортикча сув бериш сувни ортикча бериш туфайли мелиоратив объектларга босимнинг кучайиши ва оқибатда муддатидан олдин ишдан чиқиши кабилар билан боғлиқ. Шу боис соҳага замонавий технологияларни жорий этиш, жойларда энг замонавий технологиялар билан қуроллантирилган ГИС марказлар барпо этиш ва мелорация ва ирригация объектларини аналитик маълумотлар берувчи рақамли иншоотлар билан қуроллантириш асосида ҳудудларда мелорация объектлари фаолиятини оптималлаштириш ва тегишли тадбирларни қўллаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев С.А., Боиров А.Ж., Сатторов Ж.С. Хоразм вилояти тупроқлари. Т., ФА “Фан” нашриёти, 2002, 186 бет.
2. Ибрагимов Н., Рўзимов Ж., Жуманиёзова Ю., Рюккер Г. Азотли ўғитлар самарадорлиги. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”, Тошкент, 2006, 9, 30–31-бетлар.
3. Рўзметов Д., Матчанов М., Қаландаров У., Машарипов А. Қуйи Амударё минтақасида қишлоқ хўжалик айланмасидан чиққан ҳудудлар мелиоратив-экологик шароитини яхшилаш. - Урганч, УрДУ ноширлик бўлими, 2015. 128 бет.
4. Стулина Г.В., Широкова Ю.И., Морозов А.Н. Современные тенденции в формировании водных ресурсов ЦАР и особенности использования вод повышенной минерализации для орошения почв в условиях Узбекистана. САНИИРИ им. В.Д.Журина //

http://water-salt.narod.ru/s_tend_isp_mv.htm

5. Хамидов М.Х., Матякубов Б.Ш. Ғўзани суғориш тартиби ва тежамкор суғориш технологиялари. – Т.: ТИҚХММИ. - 2019. 194 - бет.

6. Эшчанов Р.А. Ер ва сув ресурсларидан барқарор фойдаланишнинг агроэкологик асослари (Хоразм вилояти мисолида). Биол. фан. докт. дисс. автореф. Т., 2008, 52 бет.

7. Курбонниёзов Р. Хоразм географияси. Урганч, “Хоразм”, 1997, 115 бет.

8. Хоразм вилояти мелиоратив экспедицияси маълумотлари

ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫНДА ШАРЎАШЫЛЫҚ ӨНИМЛЕРИН ЖЕТИСТИРИҮ ХӘМ ОНЫҢ ТЕРРИТОРИЯЛЫҚ ӨЗГЕШЕЛИКЛЕРИ

Турдымамбетов И.Р., Жолдасов А.С., Ембергенов Н.Ж.

Бердақ атындағы ҚМУ

Аннотация: В данной статье анализируются вопросы производства продукции животноводства в обеспечении продовольствием населения Республики Каракалпакстан.

Annotation: This article analyses the issues of livestock production in providing food to the population of the Republic of Karakalpakstan.

Дүнья жүзлик ден саўлықты сақлаў шөлкеми мағлыўматларына қарағанда, инсанның күнделикли тутыныўы ушын зәрүр болған азық-аўқатлық өнімлери түрлериниң тийкарғы бөлимин гөш, сүт, мэйек, балық хәм басқа сол сыяқлы шарўашылық өнімлери курайды. Солай екен, Өзбекстанда азық-аўқат кәўипсизлиги, яғный халықты сапалы хәм арзан өнімлер менен тәмийинлеўде шарўашылық тараўын елде раўажландырыў айрықша әхмийетке ийе. Соңғы жыллардағы суў қыткершилигиниң жылдан-жылға күшейип баратырғанлығы хәмде климаттың өзине тән өзгешеликлери де Қарақалпақстан Республикасында шарўашылықты раўажландырыў перспективалық тараўлардан екенлигин көрсетеди.

Шарўашылық тараўларының және бир әхмийетли тәрәпи, ол өз гезегинде азық-аўқат хәм жеңил санаат тараўларының раўажланыўында тийкарғы шийки зат ролинде атқарады. Сонлықтан, республикада шарўашылық тараўының раўажланыўы азық-аўқат хәм жеңил санаат тараўларының кәнигелесиўин белгилеп береді. Яғный, Қарақалпақстанда шарўашылықтың гөш-сүт хәм гөш-жүн бағдарындағы тараўлары қәлиплескен болып, халықты хәм санаатты гөш, сүт, жүн, тери хәм қаракөл терилери менен тәмийинлеп келмекте.

Статистикалық мағлыўматларға қарағанда, 2000-2021-жылларда Қарақалпақстанда тири салмақта гөш өндириў 38,2 мың тоннадан 111,8 мың тоннаға, яғный 2,9 есеге өскен. 2021-жылы өндирилген гөштиң 92,6 мың тоннасы ири шақлы қарамалшылық тараўына, 18,5 мың тоннасы қой хәм ешкишиликке хәмде 0,7 мың тоннасы болса жылқышылық хәм түйешилик тараўына туўры келген. Бул көрсеткиш жоқарыдағыға сәйкес рәўиште 2000-жылы 34,7; 2,7 хәм 0,7 мың тоннаны курады. Тийисли дәўирлерде гөш өндириў көлеми ири шақлы қарамалшылық тараўында 2,7 есеге, қой хәм ешкишиликте 6,8 есеге көбейген болса, жылқышылық хәм түйешилик

тарауында бул көрсеткіш дерлік өзгермеген. Демек, буннан жуўмақ шығарсақ, соңғы жылларда халықтың тутыныуында қарамал, ат хәм түйе гөшине салыстырғанда қой хәм ешкиниң гөшине талап артып бармақта.

2000-2021-жылларда гөш өндириуі көлеми бойынша республиканың районлары да бир-биринен үлкен парық қылады. Мысалы, 2021-жылы барлық өндирилген гөштиң 15,7 пайызы Беруний районуна туўры келген. Ол Әмиўдәрья, Төрткүл хәм Елликқала районлары менен биргеликте 48,9 пайызды қурады. 2000-жылы бул көрсеткіш 50,1 пайызға тең болған. Мойнақ району ең аз гөш өндириуіши район есапланады хәм оның үлесі 1,3 пайызға тең.

1-кесте

Қарақалпақстан Республикасы районларының ири шақлы қарамаллар саны хәм гөш өндириуідеги салыстырмалы индекси

Топарлар	Территориялық бирликлер	Ири шақлы қарамаллар, (%)	Жетилистирилген гөштиң үлесі, (%)	Салыстырмалы индекс
I гурух	Қанлыкөл	3,0	4,6	1,53
	Хожели	4,9	6,9	1,41
	Тахтакөпир	3,8	5,0	1,32
	Қараөзек	3,3	4,1	1,24
	Беруний	13,7	15,7	1,15
	Тахиаташ	2,1	2,4	1,14
	Шымбай	6,9	7,7	1,12
	Кегейли	4,6	5,0	1,09
	Бозатау	3,2	3,4	1,06
	Елликқала	11,1	11,6	1,05
II гурух	Төрткүл	11,4	10,4	0,91
	Нөкис қаласы	0,8	0,7	0,88
	Әмиўдәрья	14,1	11,2	0,79
	Нөкис	3,3	2,6	0,79
	Қоңырат	5,9	4,4	0,75
	Шоманай	5,5	3,1	0,56
	Мойнақ	2,5	1,3	0,52
Республика бойынша барлығы:		100,0	100,0	1,00

Кесте Қарақалпақстан Республикасы статистика басқармасы мағлыўматлары тийкарында авторлар тәрәпинен дүзилген.

Жоқарыда берилген кестеде Қарақалпақстанның территориялық бирликлери шеңберинде қарамаллар хәм гөш өндириуі үлесиниң салыстырмалы индекси көрсетилген. Бунда республика районлары шәртли индекс 1,00 ден жоқары хәм төмен болған ири еки топарға ажыратылған. Биринши топарда келтирилген индекс 1,00 ден жоқары, яғный гөш өндириуі дәрежеси жоқары болған районлар бириктирилген. Екинши топарда болса оның керисиншеси бақланады. Буннан жуўмақ шығарсақ, екинши топардағы районларда, әсиресе төменнен жоқарыға қарай, яғный Мойнақ, Шоманай, Қоңырат хәм басқа районларда гөш өндириуіди раўажландырыўды талап етеди.

Соның менен бирге бул районларда жетерлише жайлау майданлары хэм ири шақлы қарамаллар бар.

Жоқарыда көрип өткенимиздей, соңғы жылларда Қарақалпақстанда халықтың қой хэм ешки гөшине болған талабы бирқанша артып барған. 2000-2021-жылларда қой хэм ешкишилиқ тарауында тири салмақтағы гөш өндириу көлеми 2,7 мың тоннадан 18,5 мың тоннаға, яғный 6,8 есеге көбейген. Бунда республикамыз районлары бир-биринен парық қылады. Улыўма алғанда, көрсетилген жылларда гөш өндириу Шоманай районында 27,0 есеге, Қоңырат районында 14,8 есеге, Шымбай районында 13,7 есеге, Әмиўдәрья районында 11,7 есеге хэм Тахиаташ районында 10,8 есеге көбейген.

Қой хэм ешки гөшиниң тийкарғы бөлимин Әмиўдәрья, Беруний, Қоңырат, Төрткүл, Шымбай, Шоманай хэм Елликқала районлары береди. Бул районларға республикада өндирилетуғын барлық қой хэм ешки гөшиниң 73,6 пайызы туўры келеди. Бул көрсеткиш Бозатау, Мойнақ, Нөкис, Тахиаташ хэм Хожели районларында бирқанша төмен хэм бул районлардың хәр бирине 2,0 пайыздан аз үлес туўры келеди. Бундай үлкен айырмашылықлардың болыуы республика районларында өндирилген қой хэм ешки гөши үлесиниң бар болған жайлау фонды үлесине салыстырмалы индексинде көринеди. Оған сәйкес, биринши топардағы районларда кең жайлау қорларының жайласыуы, алдағы перспективада бул топарға кириуши барлық районларда қой хэм ешкишилиқ тарауын раўажландырыу аркалы гөш өндириу көлемин көбейтиу мүмкин.

2-кесте

Қарақалпақстан Республикасы районларында қой хэм ешки гөшин өндириудиң салыстырмалы индекси, (2021-жыл)

Топарлар	Районлар	Өндирилген гөш		Жайлаулар		Салыстырмалы индекс
		тонна	пайызда	га	пайызда	
I топар	Тахтакөпир	884,0	4,8	1430277	27,6	0,17
	Бозатау	70,4	0,4	83947	1,6	0,23
	Қоңырат	1 779,5	9,6	1692721	32,7	0,29
	Қараөзек	1 014,7	5,5	381488	7,4	0,74
	Мойнақ	378,2	2,0	136800	2,6	0,77
	Хожели	367,6	2,0	106994	2,1	0,96
II топар	Төрткүл	2 114,6	11,4	558683	10,8	1,06
	Беруний	1 298,3	7,0	294313	5,7	1,24
	Елликқала	2 681,8	14,5	357478	6,9	2,10
	Ноқис	315,8	1,7	20733	0,4	4,27
	Шымбай	1 300,9	7,0	43963	0,8	8,29
	Қанлыкөл	488,3	2,6	13360	0,3	10,24
	Кегейли	856,5	4,6	17230	0,3	13,92
	Шоманай	2 001,1	10,8	20898	0,4	26,81
	Әмиўдәрья	2 425,4	13,1	8615	0,2	78,84
Тахиаташ	368,2	2,0	1227	0,0	84,03	
Республика буйича жами:		18 482,0	100,0	5175581	100,0	1,00

Кесте Қарақалпақстан Республикасы статистика басқармасы мағлыұматлары тийкарында авторлар тәрeпиинен дүзилген.

Соңғы жылларда Қарақалпақстанда жылқышылық хәм түйешилик тараўында тирилей салмақта гөш өндириўдиң көлеми азайып бармақта. Мысалы, бул тараўда гөш өндириў 2000-2021-жыллар даўамында 694,9 тоннадан 677,0 тоннаға, яғный 97,0 пайызға азайған болса, ол 2000-2010-жылларда 153,0 пайызға өскен, 2010-2020-жылларда болса 69,0 пайызға азайғанлығын көриўимиз мүмкин.

Сондай-ақ, Шоманай, Шымбай, Хожели хәм Қанлыкөл районларында ат хәм түйе гөши улыўма өндирилмеген. Бул дәўирде Елликқала районуында 3,5 есеге, Қоңырат хәм Нөкис районларында 2,6 есеге, Мойнақ хәм Тахиаташ районларында болса 1,8 есеге көбейген.

Статистикалық мағлыұматларға қарағанда, 2021-жылы бул тараўда өндирилген гөштиң 81,5 пайызы Беруний, Қоңырат, Нөкис хәм Елликқала районларына туўры келген. 2000-жылы бул көрсеткиш 39,8 пайызды курап, бул дәўир даўамында жоқарыдағы районларда гөш өндириўдиң республикадағы үлеси дерлик еки есеге артқан.

2000-2021-жылларда Қарақалпақстанда сүт саўып алыў 126,1 мың литрден 418,8 мың литрге, яғный 3,3 есеге өскен. Бул көрсеткиш соңғы жылларда бираз жоқарылаған. Мысалы, сүт жетистириў 2000-2010-жылларда 146,5 пайызды, 2010-2020-жылларда болса 221,0 пайызды кураған. Тийисли жылларда сүт өндириўде барлық районларда өсиў бақланған болсада, ол территориялық айырмашылықларға ийе болды. Мысалы, бул көрсеткиш жети районда республика орташа көрсеткишинен жоқары болып, усы жыллар ишинде бул районларда сүт өндириў көлеми 4,4 еседен 43,5 есеге шекем өскен. Қалған тоғыз районда сүт өндириў орташа көрсеткиштен төмен болса да, оларда бул көрсеткиш 1,7 еседен 3,3 есеге көбейген.

2021-жылы саўып алынған сүттиң 73,0 пайызы Әмиўдәрья, Беруний, Қоңырат, Төрткүл, Хожели, Шымбай хәм Елликқала районларына туўры келген. 2000-жылы бул көрсеткиш тийисли районларда 73,9 пайызды кураған. Сүт өндириў бойынша Бозатаў, Мойнақ хәм Нөкис районлары жүдә төмен хәм бул районлардың хәр бири республикада өндирилген сүттиң 3,0 пайыздан да аз бөлимин курады.

2000-2021-жылларда Қарақалпақстанның шарўашылық тараўында жүн өндириў 463,2 тоннадан 1473,0 тоннаға, ямаса оның өсиў дәрежеси 3,2 есеге көбейген. Бул тараўдың раўажланыўы кейинги жылларда төменлеп бармақта. Мысалы, жүн өндириў 2000-2010-жылларда 186,0 пайызға, 2010-2020-жылларда болса 158,0 пайызға өскен. Көрсетилген жыллар ишинде районларда жүн өндириў динамикасы бойынша да бир-биринен кескин парық қылады. Атап айтқанда, алты районда республика орташа көрсеткишинен жоқары болса, он районда төмен болғанлығын көриўимизге болады. Улыўма алғанда, изертлеў дәўиринде жүн өндириў Әмиўдәрья районуында 21,3 есеге, Тахиаташ районуында 15,8 есеге, Мойнақ районуында 6,2 есеге, Төрткүл районуында 4,4 есеге, Нөкис районуында 4,2 хәмде Тахтакөпир районуында 4,1 есеге көбейген.

2021-жылы төрт районға: Қоңырат, Тахтакөпир, Төрткүл хәм Елликқала районларына республикадағы өндирилген барлық жүннің 60,9 пайызы туўры келген. Бул көрсеткиш 2000-жылы 58,9 пайызды кураған.

Қарақалпақстан районларында өндирилген жүн хәм ийелеген жайлаў майданлары бойынша да бир-биринен кескин парық етеди. Мысалы, Қоңырат районуна республикадағы барлық жайлаў майданының 32,7 пайызы, өндирилген жүннің болса 11,0 пайызы туўры келеди. Бул көрсеткиш, жоқарыдағыға сәйкес Тахтакөпирде 27,6 – 13,0; Төрткүлде 10,8 – 18,1; Қараөзекте 7,4 – 7,3; Елликқалада 6,9 – 18,7; Әмиўдәрьяда 0,2 – 4,3 хәм Тахиаташта 0,02 – 2,2 пайызды курайды. Бундай үлкен айырмашылықлар районлардың ийелеген жайлаў майданлары хәм жүн өндириў бойынша салыстырмалы индексин анықлаўды белгилейди. Бул индекс районлардың жүн өндириўге кәнигелесиў дәрежесин белгилеп бередиди.

2000-2021-жыллар даўамында Қарақалпақстанда тери өндириў көлеми 225,6 мың данадан 709,4 мың данаға, яғный 3,1 есеге өскен. Бул көрсеткиш 2000-2010-жылларда 179,4 пайызға, 2010-2020-жылларда болса 160,5 пайызға тең болған. Изертлеў дәўиринде тери өндириў Қоңырат, Тахиаташ, Шымбай хәм Шоманай районларында 5,0 еседен, Әмиўдәрья хәм Елликқала районларында республика орташа көрсеткишинен жоқары болған.

2021-жылы өндирилген териниң 56,0 пайызы Әмиўдәрья, Беруний, Төрткүл, Шымбай хәм Елликқала районларына туўры келген болса, бул көрсеткиш сол районларда 2000-жылы 51,5 пайызға тең болған.

2000-2021-жылларда Қарақалпақстанда өндирилген қаракөл терилери 58,7 мың данадан 88,5 мың данаға, ямаса 151,0 пайызға көбейген. Бул көрсеткиш 2000-2010-жылларда 117,0 пайызды, 2010-2020-жылларда болса 122 пайызды кураған. Улыўма алғанда қаракөл терилери республиканың жети районында өндириледиди. Изертлеў дәўиринде қаракөл тери өндириў Беруний районында 3,7 есеге көбейген. Бул көрсеткиш Төрткүл районында 170,0 пайызға, Елликқала районында 163,0 пайызға хәм Қоңырат районында 143,0 пайызға көбейген болса, Қараөзек, Тахтакөпир хәм Шоманай районларында азайып кеткен.

2021-жылы өндирилген қаракөл терилериниң 87,8 пайызы Беруний, Төрткүл хәм Елликқала районларына туўры келген болса, бул көрсеткиш 2000-жылы 68,7 пайызды кураған.

2000-2021-жыллар даўамында республикада қаракөл терисин өндириўде хожалық курамлары бойынша да үлкен айырмашылыққа ийе болды. Мысалы, бул дәўир басында қаракөл терисин өндириў фермер хожалықларында болмаған хәм 2021-жылға келип республикадағы үлеси 8,9 пайызға, дийқан хожалықлары үлеси 71,4 пайыздан 88,4 пайызға өскен. Аўыл хожалық искерлигин әмелге асырыўшы кәрханаларда болса бул көрсеткиш 28,6 пайыздан 2,7 пайызға азайған. Буннан көринеди, соңғы жылларда тери өндириў көлеми фермер хәм дийхан хожалықларында артып барса, аўыл хожалық кәрханаларында азайып барған.

Улыўма алғанда, изертлеў дәўиринде Қарақалпақстан шарўашылық тараўларында өндирилген шарўа өнімлери көлеми сезилерли дәрежеде өскен. Оған биринши нәўбетте, республикада шарўа маллары бас санының өсиўи тийкарғы факторлардан есапланады. Бирақта, тараўдың раўажланыўында шарўа малларының өнімдарлығы хәм тараўдың интенсивлик дәрежесиниң асыўы менен белгиленеди. Сондай-ақ, регионда 2000-2010-жылларға салыстырмалы 2010-2020-жылларда жүн, тери, ат хәм тўйе гөшин өндириўдин өсиў пәти азайған. Сонлықтан, шарўашылық тараўын раўажландырыўда илимий хәм әмелий жақтан үйрениў, келешекте тараўды хәр тәрәплеме раўажландырыў бағдарларын ислеп шығыў бүгинги күнниң актуаль мәселелеринен есапланады.

Пайдаланылған әдебиятлар:

1. Умаров Е. Экономическая и социальная география Каракалпақстана. Нукус - 2011. (на каракалпақском языке).
2. Embergenov N.J., Joldasov A.S., Oteuliev M.O. Some issues of development of livestock in the Republic Karakalpakstan. Экономика и социум. ISSN 2225-1545. №9 (76). Саратов, 2020, 22-25 p.
3. Turdimambetov I.R., Joldasov A.S. Development of Large-Horned Cattle Breeding in the Republic of Karakalpakstan and its Territorial Characteristics. Eurasian Journal of History, Geography and Economics. Volume 18| March 2023 ISSN: 2795-7659.
4. Қарақалпақстан Республикасының социаль-экономикалық раўажланыўы Паспорты, статистикалық топлам. Нөкис – 2022.

ИРРИГАЦИОН ЭРОЗИЯНИ КАМАЙТИРИШ - ҒЎЗАДАН ЮҚОРИ ХОСИЛ ОЛИШ ГАРОВИ

УЎК 626.81/84

Хайитова М С¹., Матякубов Б Ш¹., Касимбетова С А¹.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти

Аннотация: В данной статье приведены сведения об использовании почвоуплотняющего устройства для обеспечения получения высокого урожая из хлопка за счет предотвращения ирригационной эрозии, т.е. вымывания плодородного слоя почвы, на хлопководных орошаемых землях. Отмечено, что в результате уплотнения дна поливных борозд, с помощью почвоуплотняющего устройства экономия поливной воды составляла 15-20% и сохранено от вымывания 600 кг/га плодородный слой почвы со средним механическим составом.

Ключевые слова: борозда, уплотнение, почвоуплотнительное устройство, ирригационная эрозия, хлопчатник, плодородный слой.

Abstract: This article provides information on the use of a soil compactor to ensure a high yield of cotton by preventing soil erosion, i.e. washing out of the productive layer, in the areas of cotton cultivation. It was noted that due to the use of a device for compacting the bottom of the sprinkler, 15-20 percent of water was saved, and in conditions of medium mechanical soils, 600 kg/ha of leached soil was saved.

Key words: furrow, compaction, compacting device, erosion, cotton, fertile layer.

Аннотация: Мазкур мақолада ғўза етиштириладиган майдонларда тупроқнинг ерилишини яъни ҳосилдор қатламнинг ювилишини олдини олиш ҳисобига пахтадан оладиган ҳосилни юқори бўлишини таъминлашда эгат тубини зичлаш қурилмасидан фойдаланиш тўғрисида маълумотлар келтириб ўтилган. Сугорил эгати тубини зичлаш қурилмасидан фойдаланиш орқали

ўрта механик таркибли тупроқлар шароитида 15-20 фоиз сувнинг тежалганлиги, 600 кг/га ювиладиган тупроқни сақлаб қолишга эришилганлиги тўғрисида сўз юритилади.

Калит сўзлар: *эгат, зичлаш, зичлаш қурилмаси, эрозия, ғўза, хосилдор қатлам.*

КИРИШ

Экин етиштириладиган майдонлардаги хосилдор қатламнинг шаклланиши учун жуда кўп йиллаш ҳамда маълум бир агротехник, агротехнологик тадбирлар талаб қилинади. Суғориш натижасида қисқа муддатда қишлоқ хўжалик экинлари учун зарур бўлган маъсулдор қатламни ювилиб кетиши экиндан жумладан ғўзадан юқори ва барқарор хосил олиш имкониятини пасайтиради.

Дала чеккаларига дарахтзорлар экиш орқали ғўза етиштириладиган майдонда бўладиган сув ва шамол эрозиясини камайтиришга эришиш мумкин. Нишаблиги юқори бўлган тоғ олди минтақалари жумладан, Тошкент вилоятида сел оқимларининг кузатилиши, тупроқнинг механик таркиби ҳамда экин талабини ҳисобга олмасдан ортиқча миқдорда суғориш меъёрининг берилиши оқибатида махсулдор қатламнинг ювилиб кетиши, ғўзадан белгиланган хосил олиш имконияти чекланиб қолмоқда.

Тупроқнинг унумдор қатламининг суғориш суви таъсирида ювилиб кетилиши ирригацион эрозия деб юритилади. Ирригацион эрозия ўз навбатида тупроқнинг юза қатламидаги унумдор қатламни далага нотўғри берилган суғориш меъёри таъсирида ювилиб кетиши оқибатида кузатилади [1].

Қишлоқ хўжалик экинлари етиштириладиган худудлардаан 2 хил яъни табиий ва сунъий тупроқ эрозияси кузатилади. Геологик емирилиш, дарё оқими таъсири, кучли шамол ҳамда сел ва жала келиши оқибатида кузатиладиган жараён табиий эрозияга таълуқли ҳисобланади [2].

Экин етиштириладиган, жумладан ғўза экилган майдонларда агротехника қоидаларига риоя қилмаслик, ғўзани сувга бўлган талабини ҳисобга олмасдан суғориш ишлари (нотўғри суғориш) олиб борилиши бу сунъий равишда кузатиладиган тупроқнинг емирилиши(эрозия)га олиб келади.

Ирригацион эрозияси - нишаблиги юқори бўлган майдонларни юқорида таъкидлаб ўтганимиздек нотўғри суғориш туфайли юз беради, тоғлик ва тоғ этакларидаги бўз тупроқли суғориладиган майдонларда кўп учрайди.

Республикадаги суғориладиган ерларнинг 700 минг. га жойда ирригацион эрозия кенг тарқалган бўлиб пахта ва бошқа экинларнинг хосилдорлиги 10 % - 60 % гача пасайишига сабаб бўлмоқда [3]. Бундай эрозияга чалиган майдонлар Тошкент вилоятида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш учун танлаб олинган тажриба далада ҳам кенг тарқалган.

Илмий-техникавий салоҳиятни ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланишда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг энг муҳим стратегик масалаларидан бири деб тан олинган бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан ўсиши илмий-техника тараққиётининг етакчи роли ва иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалик соҳасида ва асосан ишлаб чиқаришнинг таркибий қисмларида интеллектуал фаолият

натижаларини қўллаш асосида таъминланади. Шунинг учун мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини тубдан модернизация қилиш, мавжуд табиий ресурслардан унумли ва оқилона фойдаланиш жадал суратларда олиб борилмоқда, қишлоқ ва сув хўжалиги тизимида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишга эътибор кучайтирилмоқда [4].

Ҳозирги глобал иқлим исиши ва экиннинг сувга бўлган талабини кучайиши ортиб бориши юқори ва замонавий технологияларни излаш ва ишлаб чиқаришда қўллашни тақазо қилади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, ирригацион эрозияни камайтиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларни олиб бориш ҳамда ишлаб чиқаришга жорий қилиш катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

ТАЖРИБАЛАР ЎТКАЗИШ ТИЗИМИ

Дала тажриба ишлари ПСУЕАИТИ Марказий тажриба даласининг қадимдан суғорилиб келинаётган, ирригация эрозиясига чалинган типик бўз тупроқлари шароитида 1,5⁰ да қиялик даражасида ўтказилди. Дала тажрибалари ЎзПИТИ нинг услубий қўлланмалари асосида олиб борилди (СоюзНИХИ, 1981, ЎзПИТИ 2007) [5]. Дала тажрибалари 6 вариант ва 3 қайтариқдан иборат бўлиб, вариантлар узунлиги 50 м, эни 4,8 м ни ташкил этади. Тажрибада бир хил ўғит меъёри (N₂₀₀ P₁₄₀ K₁₀₀), суғориш олди эгат олишда икки хил усулдан анъанавий ҳамда эгат тубини зичлаш мосламаси (орган), суғоришда тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60 % га келганда суғорилди.

Таъкидлаб ўтилганидек ирригация эрозиясига мойил ерларда ғўзани суғориш техникаси элементларни асослашда 6 та вариант 3 та қайтариқ олинди.

1, 3 ва 5 вариантлар ишлаб чиқариш назорати ҳисобланади.

2 вариант ғўза еттириладиган майдоннинг эрозияланмайдиган қисми бўйича олиб борилди.

4 вариант ғўза еттириладиган майдоннинг эрозияланиб ювилган қисми бўйича олиб борилди.

6 вариант ғўза еттириладиган майдоннинг эрозияланиб ювилиб тушган қисми бўйича олиб борилди.

2, 4 ва 6 вариантларда суғориш меъёрини аниқлашда чегаравий дала нам сиғими (ЧДНС)ни 70-75-60 фоиз ушлаб туриш орқали белгиланди.

Тажриба майдонига фосфорли ўғитларнинг 70 %, калийли ўғитларнинг 50 % шудгор олдидан берилиб, Т-4 трактори ёрдамида 30-35 см чуқурликда ҳайдалди. Апрель ойининг биринчи ўн кунлигида тажриба даласида чигит экишга тайёргарлик ишлари бошланди. 13 апрель кунида тажриба даласида экиш олдидан бараналаш ва молалаш ишлари амалга оширилди, 13 апрел куни ғўзанинг ўрта толали “Султон” нави гектарига 45 кг меъёрда уруғ сарфланиб экилди.

Ғўза навларида 1-2 чинбарг даврида яганалаш ўтказилиб, суғориш тартибларига боғлиқ ҳолда муддатида қатор ораларига ишловлар ўтказилди. Суғоришлар тупроқ намликларига боғлиқ ҳолда алоҳида-алоҳида олиб

борилиб, далага сувнинг кириши ва чиқиши чипполетти сув ўлчагичлари ёрдамида аниқ меъёрларда ўлчаб борилди. Ғўзани озиклантириш 2-4 чин барг даврида (азотли), шоналаш бошланганда (азотли, калийли) ва гуллаш бошланганда (азотли, фосфорли) амалга оширилди. Пахта ҳосили икки муддатда териб олинди (1-жадвал).

1-жадвал

Тажриба даласида олиб борилган агротехник тадбирлар

Т/р	Бажарилган агротехник тадбирлар	Бажарилган ишлар муддати				
		1	2	3	4	5
1.	Кизги ўғитлаш	14.11.2021				
2.	Кизги шудгорлаш	17.11.2021				
3.	Ерни экишга тайёрлаш	6.04.2022				
4.	Далани ўтмишдаги экин қолдиқларидан тозалаш	6.04.2022				
5.	Ерни текислаш	10.04.2022				
6.	Чизеллаш	11.04.2022				
7.	Бороналаш	12.04.2022				
8.	Мола босиш	12.04.2022				
9.	Экиш	13.04.2022				
10.	Ягоналаш	5.05.2022				
11.	Чопиқ	5.05.2022	10.06.2022	15.07.2022		
12.	Култивация	06.05.2022	2.06.2022	25.07.2022	25.08.2022	
13.	Чуқур юмшатиш (30-40 см)	10.06.2022				
14.	Озиклантириш	5.05.2022	2.06.2022	25.07.2022		
15.	Суғориш	3.06.2022	28.06.2022	21.07.2022	20.08.2022	12.09.2022
16.	Кимёвий кураш хашаторларга қарши кураш	25.05.2022	20.06.2022	10.07.2022		
17.	Биологик кураш хашоротларга қарши	08.06.2022	16.07.2022	06.08.2022		
18.	Дефолиация	05.09.2022				
19.	Ҳосилни йиғиштириш	30.09.2022	11.11.2022			

ЭГАТ ТУБИНИ ЗИЧЛАШ ҚУРИЛМАСИ

Культиватор майдоннинг тайёрланган юзасига нисбатан эгат қирқади, натижада эгатнинг бўйлама профили ва унинг нишаби одатда суғорма сувнинг тўсиқсиз ва бир маромда оқиш гидравликаси талаб этгандек ҳосил бўлади, аммо суғоришда экиннинг илдиз тарқаладиган қатлами қалинлиги ҳамда

эгатнинг узунлиги бўйлаб тупроқнинг текис намланиши таъминланмайди. Сув бериладиган эгат бошида намланиш эгатнинг чуқурлиги бўйича максимал қийматга, эгат охирида эса минимал қийматга эга бўлади. Тупроқнинг намланишини максимал қиймати бўйича тўғрилаш мумкин бўлади, аммо бу эгатга бериладиган сувнинг ва суғориш вақтининг беҳуда харажатлари билан боғлиқ бўлган сезиларли даражадаги намланиш эвазига эришилади [6, 7].

Қурилма бир вақтнинг ўзида битта гидравлик цилиндр билан бошқариладиган ва эгатнинг тубини бутун узунлиги бўйлаб нотекис зичлаш имкониятини таъминлайдиган култиваторнинг плуг шотисига шарнирли рама ёрдамида жойлаштирилган бир нечта зичловчи катокларни бирлаштиради.

1-расмда қурилманинг ён кўриниши, 2 чизмасида қурилманинг устидан кўриниши, 3 чизмасида эса қурилманинг А томонидан кўриниши берилган.

Таклиф этилаётган қурилма эгат олгич 2 ўрнатилган плуг шотисидан (грядиль) 1 иборат. Плуг шотисига 1 зичловчи катоклар билан Ш- шаклидаги рама шарнирли ўрнатилган. Ш шаклидаги рама қуйидагиларни ўз ичига олади: қувурдан тайёрланган кўндаланг марказий тўсин 3, катоклар узеллари 4 ва 7 ва 8 қулоқчалар орқали култиватор рамаси билан гидравлик цилиндрни 6 улайдиган П шаклидаги кронштейн 5. Кўндаланг марказий тўсинга 3 втулка 10 ўрнатилган бўлиб, втулканинг ички диаметрига кўндаланг марказий тўсин 3 эркин киради. Втулкада 10 шарнир 13 пайвандланган бўлиб, шарнирнинг 13 бошқа охирига йўналтирувчи 14 пайвандланган. Йўналтирувчининг 14 ён деворига втулка 15 пайвандланган. Йўналтирувчида 14 икки томони очик тешик бўлиб, контргайкали болт 20 втулка 15 орқали ўтади. У тўрт бурчакли шаклга эга бўлган йўналтирувчини 14 плуг шотисига 1 маҳкамлаш учун хизмат қилиб, култиватор плуг шотисига 1 киради ва гайкали болт 20 билан маҳкам қотирилади. Втулкада 10 плуг шотисининг 1 горизонтал ўқига 135° бурчак остида ва йўналтирувчининг 14 бир учида каток устунни 12 пайвандланган, бошқа учи билан вилкага 16 пайвандланган бўлиб, вилкага 16 каток ўқи 17 орқали каток 4 уланади. Ўқда 17 каток 4 эркин айланиши ва жойлашишини таъминлаш учун бир томонидан шплинт 22 билан маҳкамланади, втулка 10 эса втулка 11 билан йўналтирувчи 14 каток 4 узели тўпламида бўлиб, у втулкага 10 пайвандланган. Втулка 10 икки томони очик тешикка эга кўндаланг тўсинда 3 контргайкали болт 20 орқали маҳкамланадиган икки томони очик тешикка эга бўлиб, якуний бикр маҳкамлаши учун болтнинг эркин ўтиши таъминланади. Кўндаланг 3 тўсинда П шаклидаги кронштейн 5 ўрнатилган бўлиб, кронштейннинг 5 иккала таянчида втулка 23 пайвандланган ва 90° бурчак остида втулка 11 пайвандланган бўлиб, у контргайкали болт 20 орқали кронштейнни 5 маҳкамлайди. Ўз навбатида втулка 23 ва кўндаланг тўсин 3 икки томони очик тешикка эга бўлиб, тўсинда 3 кронштейнни 5 бикр маҳкамлаш учун иккита тешик орқали болт 20 эркин ўтиш имконига эга, кронштейннинг 5 юқорги қисмида гидроцилиндрнинг 6 қулоқчаси 9 пайвандланган, бир учи билан гидроцилиндр 6 бармоқ 19 орқали қулоқча 9 ёрдамида кронштейн 5 билан уланади, бошқа учи билан эса гидроцилиндр 6 бармоқ 18 орқали қулоқча 8

ёрдамида кўндаланг тўсин 24 билан уланади, кўндаланг тўсин 24 култиватор рамасига (плуг шотиси 1) бикр маҳкамланади. Узатма қувурли 7 гидравлик цилиндр 6 асос тракторининг гидравлик тизимига уланган.

Гидравликанинг қоидасига биноан, агарда поршен юзаси шток юзасидан икки баробар катта бўлса, яъни $F_{п} = 2f_{ш}$, мос равишда қуйидагига тенг бўлади:


$$d_{ш} = D_{пор} / \sqrt{2}, \quad (1)$$

у ҳолда зичловчи катокларни кўтариш ва тушириш тезлиги қуйидагига тенг бўлади:

$$V_{под} = V_{опус} = 4Q / \pi d_{ш}, \quad (2)$$

бу ерда Q – гидроцилиндрга бериладиган суюқлик миқдори, $d_{ш}$ – шток диаметри.

Таклиф этилаётган қурилмани ишлатиш эгат бошидан максимал қийматдан бошлаб ва эгат охирида нол қийматгача эгат тубининг барча кесимини текис зичлаш имконини беради.



1- расм. Суғориш эгатларининг тубини зичлаш қурилмаси (автор. Атаджанов А.) [6]

Мазкур технология бўйича ишчи жиҳозлари автоматлаштирилган бошқариш тизимидаги техник воситаларни қўллаб тайёрланган эгатлаб суғориладиган майдонлардаги экинларнинг вегетация даврида бериладиган

сув миқдори меъёрларининг тежалишига, экинларнинг текис ривожланишига ва ундан юқори ҳосил олинишига эришилди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Дала тажрибасини олиб боришда ғўзани суғориш жараёнида, айниқса рельефи баланд-паст ерларда ирригация эрозияси жараёнлари учаганлиги кузатилди (2-жадвал) шунга кўра тупроқнинг **ювилмаган** қисмида анъанавий усулда эгат олиниб 5 марта суғорилганда 3911,9 м³/га сув сарфланиб, 20,1 т/га тупроқ ювилган бўлса, эгат тубини зичлаш қурилмаси билан эгат туби зичланиб 5 марта суғорилганда, 3890,9 м³/га сув сарфланиб, 19,5 т/га тупроқ ювилган. Тупроқнинг **ювилган** қисмида анъанавий усулда эгат олиниб 5 марта суғорилганда 4344,3 м³/га сув сарфланиб, 29,4 т/га тупроқ ювилган бўлса, эгат тубини зичлаш қурилмаси билан эгат туби зичланиб 5 марта суғорилганда, 4248,4 м³/га сув сарфланиб, 27,0 т/га тупроқ ювилган. Тупроқнинг **ювилиб тушган** қисмида анъанавий усулда эгат олиниб 5 марта суғорилганда 3794,7 м³/га сув сарфланиб, 18,7 т/га тупроқ ювилган бўлса, эгат тубини зичлаш қурилмаси билан эгат туби зичланиб 5 марта суғорилганда, 3705,3 м³/га сув сарфланиб, 17,4 т/га тупроқ ювилган.

2-жадвал

Тажриба даласида суғориш тартиби, ювилган тупроқ (т/га) миқдори

Эгат олиш элементи	Кўрсаткичлар	Ўтказилган тадбирлар сони					Жами, м ³ /га
		1	2	3	4	5	
Даланинг эрозияланмайдиган қисми							
Анъанавий усул	Суғориш меъёри (брутто)	849,0	995,9	1152,1	1001,4	815,2	4813,7
	Сарф бўлган сув (нетто)	689,4	801,7	941,8	816,2	662,7	3911,9
	Оқова суви	159,6	194,2	210,3	185,3	152,4	901,8
	Ювилган тупроқ, т/га	5,4	5,2	4,7	3,0	1,8	20,1
Эгат тубини зичлаш	Суғориш меъёри (брутто)	825,0	975,5	1142,4	970,2	800,1	4713,2
	Сарф бўлган сув (нетто)	683,9	791,2	988,2	777,2	650,5	3890,9
	Оқова суви	141,0	184,4	154,2	193,1	149,6	822,3
	Ювилган тупроқ, т/га	5,2	5,1	4,8	2,8	1,6	19,5
Даланинг эрозияланган қисми							
Анъанавий усул	Суғориш меъёри (брутто)	1030,2	1238,3	1425,8	1323,5	982,9	6000,8
	Сарф бўлган сув (нетто)	724,3	917,6	1048,0	955,6	698,9	4344,3
	Оқова суви	306,0	320,7	377,8	367,9	284,1	1656,5
	Ювилган тупроқ, т/га	7,5	7,1	8,1	4,0	2,7	29,4
Эгат тубини зичлаш	Суғориш меъёри (брутто)	970,2	1200,4	1385,3	1290,9	945,9	5792,7
	Сарф бўлган сув (нетто)	710,9	895,8	1020,8	940,1	680,8	4248,4
	Оқова суви	259,3	304,6	364,5	350,8	265,1	1544,2

	Ювилган тупроқ, т/га	6,5	7,0	7,9	3,5	2,1	27,0
Даланинг эрозияланиб ювилиб тушган қисми							
Анъанавий усул	Суғориш меъёри (брутто)	809,1	972,6	1051,6	983,8	769,1	4586,2
	Сарф бўлган сув (нетто)	672,4	812,1	866,5	806,0	637,7	3794,7
	Оқова суви	136,7	160,5	185,1	177,8	131,4	791,5
	Ювилган тупроқ, т/га	4,7	4,9	5,1	2,5	1,5	18,7
Эгат тубини зичлаш	Суғориш меъёри (брутто)	800,7	953,2	1042,2	936,3	712,4	4444,7
	Сарф бўлган сув (нетто)	666,2	792,1	873,2	779,0	594,8	3705,3
	Оқова суви	134,5	161,1	168,9	157,3	117,5	739,4
	Ювилган тупроқ, т/га	4,7	4,9	4,9	1,7	1,2	17,4

Олиб борилган дала тадқиқотларидан маълум бўлдики, анъанавий усулга нисбатан эгат тубини зичлаш қурилмаси билан эгат туби зичланиб ғўза суғорилганда сув сарфи кам бўлиб дарё суви иқтисод қилинган бўлса тупроқ ювилиши камайиб унумдор тупроқ кўпроқ сақланиб қолишга эришилди. 2-расмда дала тажриба ишларини олиб бориш жараёнидан фото лавҳалар келтириб ўтилган.



2-расм. Дала тажриба ишларини олиб бориш жараёни

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, суғориш эгатларининг тубини зичлаш қурилмаси орқали эгат тубини зичлаш орқали ғўзани суғоришни амалга оширишда тупроқни устки хосилдор қатламини ювилишини камайтиришга эришиш билан бир қаторда мавжуд сув ресурсларини тежашга эришилди (2-жадвал).

Тажриба даласида қўлланилган вариантлардаги кўрсаткичларни эрозияланмайдиган қисмга нисбатан тахлилий ўрганилган. Шунга асосан анъанавия яъни ишлаб чиқариш вариантыга нисбатан қаралганда суғориш тармоғидан олинган сув миқдорини гектарига $100,5 \text{ м}^3$ га ҳамда оқова сувнинг

79,5 ювилган тупроқнинг 0,6 тоннага камайиши тахлилий ҳисоб китоблар бўйича келтириб ўтилган (3-жадвал).

3-жадвал

Иқтисодий кўрсаткичларнинг тахлилий қиймати

№	Кўрсаткичлар	Эрозаланмайдиган қисмга нисбатан		
		Ананавий вариантнинг ўзгариши	Эрзияланган қисмнинг ўзгариши	Эрзияланиб ювилган қисмнинг ўзгариши
1.	Суғориш меъёри (брутто)	100,5	107,6	41
2.	Сарф бўлган сув (нетто)	21	74,9	68,4
3.	Оқова суви	79,5	32,8	-27,4
4.	Ювилган тупроқ, т/га	0,6	1,8	0,7

ХУЛОСАЛАР

1. Суғориш таъсирида ҳосилдор қатламни ювилишини камайитиришда янги инновацион ечимларни излаш орқали мавжуд сув ресурсларини тежаш мумкинлиги тадқиқот натижаларига асосан кўрсатиб берилди.

2. Суғориш эгати тубини зичлаш қурилмасидан фойдаланиш орқали ўрта механик тупроқлар шароитида 15-20 фоиз атрофида сувни тежаш ҳамда хар гектар майдондан 0,6 тонна ювиладиган тупроқни сақлаб қолиш орқали маҳсулдор қатламни ювилиши олди олинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Зербалиев А.М. “Ирригационная эрозия почвы при сложном рельефе с большими уклонами местности” // Вестник ДГТУ. Технические науки № 12.
2. Естественная и искусственная эрозия почв. Методы борьбы с эрозией почв.// <https://eos.com/ru/blog/eroziya-pochvy/>
3. <https://staff.tiame.uz › users › presentations>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 - 2030 йилларга мўлжалланган КОНЦЕПЦИЯСИ”нинг ПФ-6024-сон Фармони.
5. Нурматов Ш.Н. ва бошқалар. “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” // Тошкент. ЎзПИТИ, 2007. 147 б.
6. Атажанов А.У. “Новая технология и техническое средство создания устойчивого профиля и проектного уклона поливных борозд” // Монография. Типография ТИИИМСХ. 2019 г. 126 стр.
7. Матякубов Б.Ш., Атажанов А.У. “Совершенствование технологии, обеспечивающей равномерность увлажнения корнеобитаемого слоя почвы, орошаемой по бороздам”// Международная научно-практическая конференция «Вода для устойчивого развития. Центральной Азии». 23-24 марта 2018г. г. Душанбе, Таджикистан. стр. 237-241.

Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси: зарурияти, мақсади, тамойиллари ва вазифалари Чўллийев Сухроб Раббонакулович

Аннотация: В данной статье разъясняются необходимость, цель, принципы и задачи перехода к «зеленой экономике» в Узбекистане. В частности, экологические проблемы, связанные с загрязнением окружающей среды, нехваткой воды, высыханием Аральского моря в связи с бурным развитием промышленности, указывают на неотложность принятия данной стратегии.

Abstract: This article explains the need, purpose, principles and objectives of the transition to a "green economy" in Uzbekistan. In particular, environmental problems associated with environmental pollution, lack of water, the drying up of the Aral Sea due to the rapid development of industry, indicate the urgency of adopting this strategy.

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти, мақсади тамойиллари ва вазифалари ёритиб ўтилган. Хусусан, саноатнинг жадал суръатларда ривожланиши оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, сув танқислиги, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги ушбу стратегиянинг қабул қилинишини долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт”га ўтиш зарурияти миллий иқтисодиётда истеъмол қилинаётган энергиянинг аксарият қисми тикланмайдиган табиий ресурслардан фойдаланиб ишлаб чиқарилаётганлиги, ушбу ресурслар захирасининг чекланганлиги, саноатнинг жадал суръатларда ривожланиши оқибатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши, сув танқислиги, Орол денгизининг қуриб бориши билан боғлиқ экологик муаммоларнинг кескинлашиб бораётганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, таркибий ўзгаришларнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш ички ва глобал жараёнлар ҳамда муаммоларни ҳисобга олишни тақозо этади.

БМТ Бутунжаҳон метеорология ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунгача глобал йиллик ўртача ҳаво ҳарорати 1880 йилдаги даражадан 1С га ортган. Ўзбекистонда эса худди шу давр учун ўртача йиллик ҳаво ҳарорати 1,6 С га (13,2 дан 14,8 С га) кўтарилди. Мамлакатимизда ўртача ҳаво ҳароратининг исиш жадаллиги глобал миқёсда кузатилаётган ўртача суръатдан юқори бўлмоқда. Иқлим исиши экотизимлар ҳолатига салбий таъсир кўрсатиб, Оролбўйи худудидаги Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида экологик вазиятнинг кескинлашувига олиб келмоқда. Шу боис иқлим ўзгариши билан боғлиқ ўсиб бораётган глобал таҳдидларга комплекс жавоб қайтариш мақсадида 2015 йил 12 декабрда Франция пойтахтида ўтказилган БМТ Иқлим ўзгариши доиравий конвенцияси (БМТ ИЎДК) конференциясининг 21-сессиясида Париж битими қабул қилинди.

Париж битимида ривожланган мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга иқлим ўзгаришининг олдини олиш ва унга мослашиш борасидаги ҳаракатларда қўллаб-қувватлаш мажбурияти юклатилган. 2020 йилда ривожланаётган мамлакатларнинг эҳтиёжлари ва устуворликларини

эътиборга олиб молиявий кўмакни 100 млрд. долларга етказишга қарор қилинган. Ҳозирги вақтда жамғарма умумий қиймати 1,5 млрд. долларга тенг бўлган 35 та лойиҳани молиялаштиришда. Уларнинг таркибида Ўзбекистон ва Тожикистон учун Жаҳон банки билан ҳамкорликдаги “Орол денгизи ҳавзасида иқлим ўзгаришига мослашиш ва унинг олдини олиш Дастури” лойиҳасини молиялаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда (20 млн. доллар миқдоридagi грант).

Ўзбекистон 2017 йил 19 апрелда БМТнинг Нью-Йоркдаги Бош Қароргоҳида “Ўзбекистон-Париж” Битимини имзолади[1]. Ўзбекистоннинг Париж битимидаги фаол иштироки мамлакатимиз учун қуйидаги манфаатларни таъминлайди. Жумладан [2]:

- энергия самарадорлиги ва энергия тежаш бўйича Давлат дастурларини амалга оширишда иқлимий молиялаштириш ресурслари (асосан грантлар) ни жалб қилиш, қайта тикланадиган энергия манбаларини ривожлантириш, ер-сув ресурсларини бошқаришни яхшилаш, салбий оқибатлар (Орол фожиаси, чўлланиш, курғоқчилик) га қарши курашиш ва бошқа имкониятлар (9-модда 7-банд);

- Париж Битимида иштирок этиш инвестиция ресурсларини жалб қилиш ҳамда халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатларнинг кредитларини олиш учун индикатор ҳисобланади;

- иқлим ўзгаришларини юмшатиш ва иқлим ўзгаришларига мослашиш янги технологияларидан фойдаланиш ва инновацион технологиялар соҳасидаги ҳамкорлик (10-модда);

- иқлим ўзгаришига мослашиш соҳасидаги ҳамкорлик, бу мамлакатга иқлим ўзгаришига мослашишни кучайтириш ва заифликни камайтириш учун мослашиш чора-тадбирларини амалга ошириш имкониятини (миллий манфаатларни) таъминлайди. Бу Орол фожиаси муаммосини ҳал этиш нуқтаи-назаридан муҳим ҳисобланади;

- иқлим ўзгариши натижасида олинган зарарлар далиллари тақдим этилган ҳолатларда иқлим ўзгаришининг ноқулай таъсири оқибатлари донорлар томонидан бартараф этилади.

Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт” ни ривожлантиришнинг узок муддатли комплекс чора-тадбирлар тизимини БМТ ташаббуси билан 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш мақсадлари билан ҳамоҳанг ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси 2015 йилдан кейинги даврда БМТ томонидан 2030 йилгача мўлжалланган 17 та мақсадлар ва 169 та вазифалардан иборат барқарор ривожланиш дастурини қўллаб-қувватлаб, барқарор ривожланиш соҳалари бўйича комплекс ишларни олиб боришини маълум қилди [7]:

- арзон, ишончли, барқарор ва замонавий энергия манбаларидан барча учун умумфойдаланиш имкониятини таъминлаш борасида 2030 йилгача жаҳон энергетика мувозанатида тикланувчан манбалардан олинанадиган энергия улушини жиддий равишда кўпайтириш;

- энергия самарадорлигини кучайтириш бўйича кўрсаткични икки баравар ошириш; замонавий ва барқарор энергия билан таъминлаш учун инфратузилмани кенгайтириш ва технологияларни модернизация қилиш вазифалари белгиланган (7-мақсад);

- иқлим ўзгаришига акс таъсир чораларини миллий даражада сиёсатга, стратегияга ва режалаштиришга киритиш ҳамда иқлим ўзгариши оқибатларининг олдини олиш, уларга мослашиш ва хавфли иқлим ходисаларининг таваккалчилигидан эрта огоҳлантириш бўйича хабардорлигини ҳамда имкониятларини яхшилаш (13-мақсад);

- қуруқлик экотизимларини ҳимоялаш ва тиклаш, улардан оқилона фойдаланишга кўмаклашиш, ўрмонлардан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг ишлаб чиқариш айланмасидан чиқиб кетишини тўхтатиш ва ортга қайтариш.

Париж битими мажбуриятлари бажарилишини мақсадида 2019 йил 4 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПҚ-4477-сон Қарори қабул қилинди.

Стратегиядан кўзланган мақсад мамлакатда амалга оширилаётган тузилмавий ислохотларга “яшил” иқтисодиёт тамойилларини интеграция қилиш орқали ижтимоий ривожланишга, иссиқхона газларининг ажратмалари даражасини пасайтиришга, иқлим ва экология барқарорлигини таъминловчи мустаҳкам иқтисодий тараққиётга эришишдан иборат.

Стратегия мақсадларига эришиш учун қуйидаги асосий вазифаларни амалга ошириш зарур:

- Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини кўриш;

- “яшил” иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

Юқорида қайд этиб ўтилган мақсад ва вазифаларга эришиш миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилаш билан бир вақтда “яшил” иқтисодиёт асосида барқарор ривожланиш йўлига ўтиш имконини яратади. Миллий иқтисодиётни “яшиллаштириш” табиий ресурсларни чуқур қайта ишлаш орқали юқори кўшилган қийматга эга маҳсулотлар экспорти миқдорини ошириш, таркибини диверсификациялаш ва миллий компанияларнинг ташқи бозордаги рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг “Париж битимини (Париж, 2015 йил 12 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида”ги 2018 йил 2 октябр, ЎРҚ-491-сон қонуни.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 20 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 841-сонли қарори.

3. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Яшил иқтисодиёт: Дарслик. –Тошкент.: “Universitet”, 2020. -228-235 б.

4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. “Яшил иқтисодиёт” асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари. // Илмий электрон журнали. XXI аср: фан ва таълим масалалари”, №2, 2017.
5. https://unfccc.int/sites/default/files/english_paris_agreement.pdf

KLIMAT ÓZGERISLERI HÁM QARAQALPAQSTANDA BIOLOGIYALÍQ KÓPTÚRLILIKTI QOǴAW MÁSELELERI

K.M. Atanazarov, Abipnazarov A.K.

